

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Носиржон ТОПИЛДИЕВ

**ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ
РОССИЯ БИЛАН
ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ
ТАРИХИДАН**

(XIX аср-1876 йилгача)

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Рисолада Қўқон хонлиги ва Россия империяси ўртасида XIX аср бошларидан 1876 йилгача бўлган давр ичида олиб борилган сиёсий ҳамда дипломатик алоқалари ўрганилиб, унда мавзунинг тарихшунослиги, Россия империяси томонидан Туркистонни босиб олиниши арафасидаги жараёни ва тобе бўлгандан кейинги аҳволи ёритилган.

Асар Ўзбекистон тарихини ўрганувчилар, тарихчилар, тадқиқотчилар, сиёсатшунослар, талабалар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:


Х. Ғ. Ғуломов, тарих фанлари доктори.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

**А. Холлиев, тарих фанлари номзоди,
М. Бойдадаев, тарих фанлари номзоди,
М. М. Ҳайдаров, тарих фанлари номзоди.**

Ю 33222
2

ISBN 978-9943-09-199-3



Носиржон Топилдиев.

© Ўзбекистон Республикаси ФА.
«Фан» нашриёти, 2007 йил.

К И Р И Ш

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти доирасига фаол аъзо сифатида кириб бориши ва халқаро муносабатларнинг иштирокчилари томонидан тан олиб борилиши ҳам бугунги кунларда табиий. Лекин шуниси ҳам аниқки, Ўзбекистон жаҳон тарихий жараёнларига фақат мустақилликка эришгач, халқаро сиёсатининг фаол субъектига айланди. Энди давлатимиз, халқимизнинг келажаги ва миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, ташқи сиёсат ва элчилик муносабатларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали ва турли соҳалардаги муносабатлар узоқ тарихга эга. Тарих чорраҳаларидаги муносабатларда Россия билан Ўзбекистоннинг учрашувлари ўрта асрларга бориб тақалади. Афсус билан таъкидлаш жоизки, бу муносабатларнинг ибтидосида чор Россиясининг Ўрта Осиёга нисбатан олиб борган bosқинчилик ва мустамлакачилик сиёсати турар эди. Шунга қарамасдан, бу иккала давлат ўртасидаги ўтмишдаги муносабатлар турли синовлар ва машаққатли йўллардан ўтган. Фақат ҳозирги кунларда Президент Ислам Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Россия Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкори»¹ сифатида унинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Бу иккала давлат ўртасида бугунги кунларда олиб борилаётган муносабатлар тенг ва эркин шароитларда, икки тараф манфаатларини инobatга олинган ҳолда олиб борилади ва бу принциплар асосида турли соҳалардаги шартномалар имзоланган.

«Стратегик шерикликнинг энг муҳим жиҳати шуки, у бизни, халқларимизни, минглаб инсонлар тақдири билан боғлиқ мамлакатларимизни бир-бирига яқинлаштиради»². Ҳозирги кунларда Ўзбекистон билан яқин муносабатда бўлган давлатлардан Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, АҚШ, Россия ва Европанинг энг қудратли давлатларидан Германия, Италия, Францияни тилга олиш мумкин. Юқоридаги давлат-

¹ И. А. Каримов. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. -Т.: Ўзбекистон, 2005. 20-бет.

² Уша жойда. 22-бет.

лар билан олиб борилган турли соҳалардаги алоқаларимиз узоқ тарихга эга. Тақдир тақозоси билан баъзи мамлакатлар билан олиб борилган алоқалар ўтмишимизни бир вақтлар бир-бирига яқинлаштириб қўйган.

Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ ҳамкорлари билан олиб борилган турли соҳалардаги муносабатлари тарихини ўрганиш бугунги кунларда долзарб аҳамият касб этади. Айниқса, юқорида айтганимиздек, Ўзбекистон ва Россия муносабатлари тарихи доирасида Қўқон хонлиги ва Россия империясининг ўзаро муносабатлари тарихини тадқиқ этиш тарих фанимизда олиб борилаётган устувор илмий йўналишлар сирасига киради.

Маълумки, Аштархонийлар салтанатининг парчаланиши натижасида Ўрта Осиёда маҳаллий сулолалар бошчилигида алоҳида ва мустақил давлатлар шаклландилар. XVIII асрнинг бошларида Минг қабиласи пешволаридан бири Шоҳрух бий раҳбарлигида Қўқон хонлигига асос солинди. Маҳаллий ҳукмдор сулолалар намояндалари ўзлари бошқараётган давлатларнинг аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилишлари узоқ муддат давом этган тарқоқлик ва таназзулга қисман бўлса ҳам чек қўйди. Бухоро, Хива ва Қўқон эндиликда алоҳида давлат сифатида шакллана боришди. XIX асрга келиб чор Россияси империя манфаатлари Ўрта Осиёда Англия мустамлакачилик манфаатлари билан тўқнашиб қолгани учун, Россия империяси бу муаммони Туркистонни босиб олиш йўли билан ҳал қилмоқчи бўлди ва ҳарбий усуллар билан уни ечди. Шунда Россия империяси Қўқон хонлиги тасарруфида бўлган ҳудудларни босиб олишдан бошлади.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи сал кам 150 йил давомида чор Россияси мустамлакасига айланиб қолди. Мустамлакачилик сиёсатидан келиб чиққан ҳолда шу даврда минтақадаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар амалга оширилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ўзбекистоннинг Россия билан турли соҳадаги алоқалари ва сиёсий томондан янги сифат босқичларига кўтарилди. Ўзбекистон-Россия ўртасидаги муносабатларда му-

айян муаммолар, ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд бўлса ҳам, икки давлат ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эгадир. Ўзбекистондаги устувор илмий йўналишлар доирасига кирадиган Ўзбекистон-Россия алоқалари тарихини ўрганиш долзарб ва ҳар жиҳатдан ёритилиши муҳим бўлган мавзулар доирасига киради. Туркистон чоризм тажовузи арафаси ва жараёнида Қўқон ва Россиянинг элчилик муносабатлари тарихини ўрганиш, Россия ва Ўзбекистоннинг тарихий муносабатлари ўтмишини ҳаққоний баҳолашдаги яна бир босқич ҳисобланади.

Қўқон хонлигининг Россия билан дипломатик алоқалари алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилган эмас. Россия империяси босқини ва шўролар давридаги адабиётларда бу муносабатларнинг тарихи марксча-ленинча ғоялар асосида ёки «Ўрта Осиёнинг чор Россиясига қўшиб олинишининг прогрессив аҳамияти» нуқтаи назаридан ўрганилгани ва бундай йўналишдаги асар ва тадқиқотлар тарихчиларга маълум, Қўқон хонлигининг Россия билан элчилик(дипломатик) ва сиёсий муносабатлари янги мустақиллик ғоялари асосида ўрганилган эмас. Россия бугунги кунда Ўзбекистон учун стратегик ҳамкор бўлган давлатлар қаторига киради. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги асрлар давомидаги алоқалар, уларнинг ўтмиши мураккаб бўлганлигига қарамасдан, бугунги кунларда ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда дипломатик муносабатлар олиб борилмоқда. Қўқон хонлигининг Россия билан муносабатлари тарихига оид маҳаллий тарихчилардан ташқари кўп олимлар тадқиқотлар олиб борганлар, асарлар ва мақолалар ёзганлар. Қўқон хонлигининг сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаёти ва унинг қўшни ҳамда Россия билан алоқалари ҳақидаги маълумотлар XIX аср бошларида Қўқонда бўлган Ф. Назаров, хорунжий Г. Патанин, Н. Северцов, XIX асрнинг иккинчи ярми ҳамда XX асрнинг бошларида Е. Н. Веселовский, М. Н. Венюков, А. З. Валидов (Туғон), Ч. Валихонов, В. Вельяминов - Зернов, А. К. Гейнс, В. В. Григоров, М. Галкин, А. А. Зимин, А. Макшеев, Н. Г. Малицкий, А. Ф. Медендорф, В. В. Наливкин, Н. Г. Павлов, Н. Петровский, Н. Пантусов, М. А. Терентев, С. Хлудов ва бошқалар қимматли маълумотлар беришган.

Шўролар даври тарихшунослиги ҳам мазкур мавзуга оид анчагина қимматли маълумотларни беради. Гарчи, уларнинг кўпчилиги марксча ғоялар услубидан келиб чиқиб бажарилган бўлсада, уларнинг баъзиларида фактик маълумотлар кўп келтирилган. Бу ҳақда Ф. Озодаев, А. М. Аминов, Н. И. Ақромов, Е. Бекмахонов, Р. Бекназаров, Е. В. Бунаков, С. Жалилов, Х. Ш. Иноятов, П. П. Иванов, М. Кутлугов, А. Муҳаммаджонов, В. М. Плоских, Х. Зиёев, А. Х. Хасанов, Р. Н. Набиев ва бошқаларни номини келтириш мумкин.

Кўқон хонлигининг тарихи, шу жумладан, унинг Россия билан алоқалари Ўзбекистон мустақиллиги даврида янги ғоялар ва илмий ҳолислик мавқеидан ҳам жиддий тадқиқ қилинмоқда. Кўқон-Россия элчилик муносабатлари ҳақида дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам маълумот берилмоқда. Ўзбекистонлик олимлардан Ҳ. Зиёев, Ғ. Аҳмаджонов, Ҳ. Ғуломов, Ҳ. Бобобеков, Ш. Воҳидов, Н. У. Мусаев, Р. Шамсуддинов, Ш. Юсупов, Д. Зиёева, Ж. Исмоилов, Д. Алимова-лар ўрта мактаб дарсликлари ва Олий ўқув юртларининг тарих йўналиши бўйича ёзилган қўлланмаларида танланган мавзумиз бўйича баъзи маълумотлар учрайди.

Охириг йилларда республикамизда Кўқон-Россия алоқалари тарихи бўйича бир қатор диссертациялар ҳам ёқланди. Улар Кўқон - Россия муносабатларининг турли жиҳатларига бағишланган. Шундай тадқиқотлардан мавзунинг шўролар замонидаги 50-80-йиллари ва мустақиллик даврида ўрганилишига бағишланган В. Ишқуватов, Кўқон ҳарбий ва давлат арбоби Алиқули амирлашкар фаолиятига бағишланган Э. Илҳомовнинг диссертацияларини қайд этиш мумкин. Юқоридаги асарлар ҳам тадқиқотнинг мавзу манбашунослиги ва тарихшунослигига бағишланган бобларда таҳлил этилган.

Кўқон хонлиги тарихнавислик мактабига тегишли бўлган муаллифларнинг турли жанр ва тилларда ёзилган 30 дан ортиқ асарлари мазкур ишимизнинг манбаларини ташкил этди. Шулардан Абдулвосеъ Манзурнинг «Тазкираи султоний» (қўлёзма, ЎзФАШИ № 692), Абдулғаффор номли Кўқон амалдорининг «Зафарномаий Худоёрхоний» асари (қўлёзма, ЎзФАШИ № 598), Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг «Хулосат ул-аҳвол»и (қўлёзма, ЎзФАШИ № 2084), Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи Жаҳоннамоий» асарининг I ва II жилдлари

(қўлёзма, Россия ФАШИ СП бўлими № С 439 ва. II жилди ЎзФАШИ № 9455), Мирза Олим Тошкандийнинг «Ансоб ус-салотин ва таварих ал-хавақин» асари³, Мирзо қаландар Мушриф Исфарагийнинг «Шоҳномаи Умархоний» (қўлёзма ТФАШИ, № 10088), Мулло Холбек ибни Мулло Мусо Андижонийнинг «Ғарибнома ва Алиқули амирлашкар тарихи» асари (қўлёзма, ЎзФАШИ, № 8816), Мулло Олим Хожийнинг «Тарихи Туркистон» асари⁴, Муҳаммад Ниёз Хуқандийнинг «Тарихи Шоҳрухий» китоби (қўлёзма, ЎзФАШИ № 1787), Муҳаммад Ҳакимхон ибн Маъсумхон тўранинг. «Мунтахаб ат-таворих» асарининг 1-2 жилдлари (Душанбе, 1984), Муҳаммад Азиз бин Муҳаммад Ризо Марғилонийнинг «Тарихи Азизий» асари (қўлёзма, ЎзФАШИ № 11108)⁵, Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг. «Тарихи жадидаи Тошканд» (қўлёзма ЎзФАШИ, №-7791. 11072, 11073, 5732 ва унинг «Зейтс-шпигель» сайтидаги варианты), Муҳаммад Юнус шиговул-Тойибнинг «Алиқули Амирлашкар жангномаси» (қўлёзма ЎзФАШИ № 1213) ва «Тухфайи Тойиб» асарлари⁶, Мир Иззатуллоҳнинг «Сафарномаси»⁷, Домулло Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад Аминнинг «Мажмад-ал-ансоби ва-л-ашжор» асарини (Ш.Воҳидовнинг шахсий кутубхонаси, № 201) алоҳида тилга олиш мумкин.

Ишимизда Ўзбекистон Марказий Давлат Архиви, Қозоғистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, Омск ва Оренбург вилоят Давлат Архивлари, Санкт-Петербургдаги Россия Тарихий Давлат Архивлари фондларида сақланаётган турли ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаландик⁸.

³ Мирза Олим Тошкандий. Ансоби ус-салотин ва таварих ал-хавақин. Перевод с примечаниями С.Юлдашева // Қўлёзма ЎзФАШИ, Ҳамид Сулаймонов фонди, № 5255. 225-б.

⁴ Мулло Олим Хожий. Тарихи Туркистон. -Т.: Туркистон генерал-губернатори босмахонаси. 1915.- 220 б. Мазкур асар шу ном билан 1991 йили Қаршидаги Насаф нашриётида крилл ёзувида нашр этилди.

⁵ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Д.Сангирова, -Т.: Маънавият, 1999.

⁶ Яна қар.: Муҳаммад Юнус Ходжа. Муҳаммад Амин Ходжа (Тойиб). Тухфайи Тойиб Подготовка к изданию и Предисловие: Б.М.Бабаджанов, Ш.Х.Ваҳидов, Х.Каматцу. -Тошкент-Токио, 2002. 46-б.

⁷ Путешествие Мир Иззат Уллы в Кокандское ханство в 1812 году Перев. Прим. Ю.А.Соколова, с приложением. Схемы пути Мир Иззат Уллы в Кокандских владениях. Отд. Отт. // Труды, САГУ. 1956. вып. 78. -Т.: с. 41-52

⁸ Россия давлати архив фондларидаги маълумотлар т.ф.д. З.Чориев, В. Ишқувватов, Х. Гуломов шахсий архивларидан олинди. Уларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

I БОБ. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлиги ва унинг Россия билан элчилик алоқалари тарихи ва ўрганилиш масалалари

Ўзбекистоннинг Россия билан асрлар давомида олиб борган турли соҳалардаги алоқалари тарихини ўрганиш, турли давр ва замонларда уларнинг ўзаро муносабатларига тўғри баҳо бериш, шу мавзуни ўрганадиган олим ва мутахассисларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бугунги кунларда Россия Ўзбекистон учун кўп соҳаларда стратегик ҳамкор экан, бу ҳамкорликнинг икки томон учун самарадорлиги ва фойда келтириш восита ва тамойилларининг таянч асосларини ўрганиш ҳам зарур бўлмоқда. Бу мавзуни ўрганишда икки юз йиллик элчилик алоқалари тарихини, савдо-сотиқ, маданий ва этно-социал муносабатлар ўтмишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Тарихдан маълумки, узоқ йиллар давомида бу муносабатлар Ўзбекистон ва унинг халқи фойдасига олиб борилмаган. Чор Россияси XIX аср ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиёда босқинчилик ва зўравонлик сиёсатини олиб бориб, бу ҳудудларда мустамлакачилик сиёсатини жорий этгани бизга маълум.

1. 1. Қўқон хонлигининг Россия билан дипломатик алоқалари манбашунослиги ва тарихшунослик масалалари

Бугунги даврдаги тарихчиларимиз Қўқон хонлигининг халқаро муносабатларини ўрганар эканлар, уни чор Россияси томонидан «босиб олинган», деган хулосага таянадилар. Аммо бу мавзуни ўрганган мутахассис биладики, бундай хулоса фанимизда қарор топиши учун анча вақт ўтган. XIX асрнинг ўртасидан маҳаллий тарихчилар, рус олимлари ва ҳарбийлари Россия империясининг Ўрта Осиёда олиб борилган сиёсатини босқин деб талқин қилган бўлсалар, шўролар даври тарихи билан шуғулланган тарихчилар ўз асарларининг тарихшуносликка оид қисмларида Қўқон-Россия дипломатик муносабатини «Қўқон хонлиги Россияга қўшиб олинган» деган нуқтаи назарда

турган ҳолда ёритишган⁹. 1956 йилдан бошлаб «Ўрта Осиё хонликлари Россия империяси томонидан босиб олинмаган, балки қўшиб олинган» деган расмий гоаянинг ҳукмронлиги сабабли Қўқон-Россия муносабатларини шу гоаяга мос талқин қилинган эди. Ўзбекистонлик олимлар ҳам цензуранинг қаттиқ назорати туфайли ушбу масалани чуқур тадқиқ қила олмадилар. Шунинг учун улар умуман дипломатия масаласининг ё қисқа ёзиб ёки умуман элчилик бўлганлигини таъкидлашиб, масаланинг асл моҳиятини очиб бера олмадилар¹⁰.

XIX асрда яшаган қўқонлик тарихчилар ўз асарларида чор Россияси босқини ҳақида ёзар эканлар, рус зобит ва аскарларига босқинчи сифатида баҳо бериб, уларнинг ёвузлик ва жабр-ситамларини кенг ёритганлар. Қўқон тарихчиларидан Аваз Муҳаммад Аттор, Абу Убайдуллоҳ Тошкандий, Муҳаммад Солиҳхўжа, Мирзо Олим ибн Мирзо Раҳим Тошкандий, Мулло Холбек ва бошқалар чор Россиясининг Ўрта Осиёда олиб борилган сиёсати ва босқинчилик жараёнини ҳаққоний тарзда баён қиладилар. Афсуски, юқоридаги муаллифларнинг асарлари қўлёзма шаклида қолиб кетиб, фақат қисман илмий тадқиқотлар доирасига киритилган. Жумладан, «Тарихи жаҳоннамойи» асарининг муаллифи Аваз Муҳаммад Аттор Хуқандий XIX аср ўрталаридаги Россия империясининг Ўрта Осиёга нисбатан олиб борилган сиёсати ва ҳарбий фаолияти, Туркистон, Авлиё ота, Чимкент, Тошкент, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд, Самарқанд учун олиб борилган урушларини, аждодларимизнинг Ватан ҳимоясида кўрсатилган қаҳрамонликлари ва жасоратларини объектив тарзда баён қилади¹¹. Мазкур асарнинг Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинмиш жараёни қисми «Шарқ Юлдузи» журналида (1990, №-8) чоп этилган.

⁹ Мавзу тарихшунослиги ҳақида қаранг. И ш қ у в а т о в В. -Т.: XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т.: 2003.154-6.

¹⁰ И ш қ у в а т о в В. Т. XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари, 16-6.

¹¹ Бу асар ва унинг муаллифи ҳақида муфассал қар.: В а х и д о в Ш. Аваз Муҳаммад Аттар Хуқанди и его сочинение -Тарихи жаҳоннамойи (Исследование, перевод и примечания). Дисс. канд.ист.наук.-Т.: 1991, 165-6. Ушқ муаллиф. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожини. XIX аср XX асрнинг бошлари.-Т.: 1998, 315-6. Шу муаллифнинг бир қатор асарлари ва мақолалари мавзуимиз манбашунослигига бағишланганини таъкидлашимиз лозим.

Абу Убайдуллоҳ Тошкандий «Хулосат ул-аҳвол» асарини Тошкент босиб олинганидан кейин ёзиб тугатган. Бу асарда муаллиф Тошкент аҳолисининг чоризм қўмондонлари билан олиб борилган сиёсатлари, ўртада имзоланган сулҳ шартлари ва икки томонлама муносабатларнинг баъзи масалаларини ёритади¹². Афсуски, мазкур манба маълумотлари ҳозирги давргача қўлёзма шаклида қолиб кетмоқда. Тошкент ва унинг атрофи тарихи, айниқса, чор Россияси томонидан босиб олиниши бизга маълум бўлган Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ҳам яхши ёритилган. Мазкур асарнинг чор Россияси босқини даврига бағишланган қисми интернет сайтларидаги «Зайтсшпигель» саҳифаларидан ўрин олган. Энди мутахассислар унинг маълумотларидан янада кенгроқ фойдаланишлари мумкин¹³.

Мирзо Олим ибни Мирзо Раҳим Тошкандийнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ал-хавоқин» асари «Қўқон хонлигининг тарихи» номи билан чоп этилди¹⁴. Аммо асарда изоҳлар берилмаган ва матн эса тўлиқ нашр этилмаган.

Россия империяси босқинидан кейинги воқеалар талқини Мулло Холбек ибн мулло Мусо Андижонийнинг «Ғарибнома ва Алиқули амирлашқар жангномаси» асарида баён қилинган. Асар муаллифи босқинчиларга қарши халқ ҳаракатларига фаол қатнашгани учун 10 йил сургун қилинган бўлиб, маҳкум этилган жойларда ўзининг эсдаликларини ёзган. Асар назмда ёзилган бўлиб, ягона нусхада бизгача етиб келган. Мазкур асарнинг ҳам чоп этилиши, бизнинг фикримизча мавзу манбашунослигини бой этиши аниқ.

Қўқон тарихнавислиги мактабида Тўйиб номи билан машҳур бўлган Мулло Муҳаммад Юнусжон шиғовул катта мақомга эга. У бир қанча тарихий асарларнинг муаллифи бўлиб, хонлик даврида Алиқули амирлашқар (1830-1865 й. 11 май)га муовин, чор ҳукумати Тошкандни босиб олгандан сўнг Шарқий Туркистонда Ёрқанд ҳокими, 1877 йилдан

¹² В о х и д о в Ш. XIX аср Тошкент тарихчилари. -Т.: 1996.-12-26 б; Шу муаллиф, Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривож. 165-178.бетлар.

¹³ Яна қар, В о х и д о в Ш. XIX аср Тошкент тарихчилари.-12-26 б. Шу муаллиф, Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривож. 219-234 б.

¹⁴ Қар.: М и р з о О л и м Т о ш к а н д и й. Қўқон хонлиги тарихи. -Т.: Фан, 2001.

кейин Қўқонга қайтиб қози лавозимларида ишлаган¹⁵. Унинг «Тухфайи Тойиб»¹⁶ ва «Тарихи Алиқули амирлашкар»¹⁷ асари Қўқон тарихнавислик мактабида алоҳида аҳамиятга эгадир. Тилга олинган манбаларда уларнинг муаллифлари Қўқон ва Россия империяси ўрталаридаги муносабатларини чор Россияси босқини доирасида ёритилгани билан ажралиб туради. Уларнинг маълумотлари давр тарихчилари ва архив маълумотлари билан бирга воқеалар тафсилотини объектив тарзда ёритилиши учун ёрдам беради. Чор Россия Ўрта Осиёни босиб олгач унинг даврий матбуоти ва олимларнинг асарларида Туркистонда чор Россияси томонидан олиб борилган босқинчилик сиёсати бу ерда олиб борилган мустамлакачилик сиёсати ҳақида очиқ ёзганлар. Шўролар тизими Ўрта Осиёда ўрнатилгач чор Россиясининг Туркистонда олиб борилган сиёсатини қоралаб қизил аскарлар, большевиклар умуман янги шўролар тизимининг ўрнатилишини оқлаш ва ҳимоя этиш учун ниҳоятда кўп асарлар юзага келди. XX асрнинг 20-йилларида чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликлари билан олиб борган сиёсати буюкмиллатчилик (шовинистик), босқинчилик руҳи ва мавзусида олиб борилгани маълум. Аммо ўша даврларда Россиянинг Ўрта Осиёдаги манфаатлари доимий мавжудлигини исботлаш ва Туркистон халқларининг тақдирини Россия билан бир бўлганини исботлаш учун марксчи тарихчилар босқинчилик ва босиб олиниш ўрнида «қўшиб олинган», «Россиянинг Ўрта Осиёдаги прогрессив оқибатлари» ҳақида сўзлашадиган бўлишди. Албатта, юқоридаги масалалар янги ва чуқур тадқиқотларни талаб қилади.

Юқорида айтганимиздек, Х. Зиёев ва Г. Ҳидоятонинг монографиялари¹⁸, И. А. Стаценко, Е. Ф. Қосимбеков, Р. Бекназаровларнинг

¹⁵ Унинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида муфассал қар.: В о х и д о в Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожи. XIX аср XX асрнинг бошлари. 238-250-б.

¹⁶ Муҳаммад Юнус Ходжа ибн Мухаммад Амин Ходжа (Тойиб). Тухфайи Тойиб. Подготовка к изданию и Предисловие: Б. М. Бабаджанов, Ш. Х. Вахидов, Х. Каматцу-Тошкент -Токио, 2002. 46 с.

¹⁷ Муҳаммад Юнус жоншиговул. Тарихи Алиқули амирлашкар // Шарқ Юлдузи, 1994, №-1-2-сон; Яна қар.: Илхомов Э.А. Алиқули амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тутган ўрни. Тарих фан. номзоди дисс. -Т.: 2004. 160-б.

¹⁸ З и я е в Х. Средняя Азия и Сибирь (вторая половина XVI-XIX вв.) -Т.: 1964; Хидоятон Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. (60-70-х гг.) -Т.: 1969.

диссертацияларида¹⁹, 1967 йили чоп этилган академик нашрлардан 4 жилдлик «Ўзбекистон тарихи» китобининг биринчи²⁰ жилдида «Кўқон хонлигининг Россияга қўшиб олиниши» ҳақида сўз юритилади.

Мавзу тарихшунослиги учун Ф. Гаффоровнинг «XIX асрнинг биринчи ярми ва 60-70-йилларда Россия билан Кўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар» номли номзодлик диссертацияси алоҳида аҳамиятга эга. У Кўқон хонлиги ва чор Россияси ўртасидаги дипломатик муносабатларни кўпроқ савдо алоқалари билан боғлаб ўрганган. Муаллиф асосан чоп этилган манбалардан ва қисман Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларида мавжуд архив ҳужжатларидан фойдаланган. Россия архив материалларидан эса жуда кам фойдаланган. Шусабабли диссертацияда 1842-1867 йиллар орасидаги дипломатик муносабатлар ва унинг тарихшунослик тафсилоти очилмасдан қолган²¹.

М. А. Охунова ва Б. В. Лунинлар томонидан Ўзбекистонда тарихшунослик фанининг тарихига бағишлаб ёзилган «История исторической науки в Узбекистане. Краткий очерк» номли китобда 1970 йилгача ижтимоий фанлар томонидан тадқиқ этилган мавзулар тарихшунослик нуқтаи назаридан қисқа таҳлил этилган ва унда тадқиқ этилаётган мавзу марксизм-ленинизм ғоялари асосида ҳамда Ўрта Осиё чор Россияси томонидан қўшиб олинишининг прогрессив аҳамияти нуқтаи назардан баён этилган²².

Ушбу асарда Ўрта Осиё-Россия муносабатларига қисқача эътибор берилса-да, Кўқон-Россия дипломатик муносабатлари тарихшунослиги ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Р.Н.Набиевнинг монографиясида²³ Кўқон-Россия дипломатик муносабатларига оид манбаларга асос-

¹⁹ Стаценко И. А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX и начале XX вв. Душанбе. 1964; Касимбеков Е. Ф. Социально-экономическое и политическое положение Ферганы в конце XIX века. -Т.: 1966; Бекназаров Р. Юг Казахстана в составе Кокандского ханства и его присоединение к России (По русским архивным и опубликованным материалам). Алма-Ата. 1969.

²⁰ Ўзбекистон тарихи. 4 томлик. I жилд. -Т.: 1967.

²¹ Гаффоров Ф. XIX асрнинг биринчи ярми ва 60-70-йилларда Россия билан Кўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар. -Т.: 1970; Яна қар.: Ишқуватов В.Т. XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Кўқон-Россия дипломатик муносабатлари. 16 ва кейинги б.

²² Ўша жойда.

²³ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худайар хана). -Т.: 1973.

ланган муҳим маълумотлар мавжуд. Аммо шуни тан олиш керакки, XX асрнинг 70-йилларида Ўзбекистонлик олимлар ўртасида ўтмишни манбалар асосида ёритишга интилган олимларга нисбатан мафхуравий тазйиқ оқибатида гуруҳбозлик ва бир-биридан қасд олишлар учради²⁴.

Натижада ЎзКП МҚнинг 1973 йил июнь пленумида «Ўтмишни идеализациялаштиришга қарши» қарор қабул қилинган эди. Бунда асосан И. Мўминовнинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида туган ўрни ва роли»²⁵ рисоласи қораланди. Шу қарорга кўра баъзи китоблар, жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си сотувдан йигиб олиниб ёқиб ташланди. Р. Н. Набиевнинг «Из истории Кокандского ханства» номли монографияси таъқиб остига олинди²⁶. Шу муносабат билан ўзбекистонлик тарихчиларнинг аксарияти ўз тадқиқотларида Қўқон хонлиги билан боғлиқ бўлган масалаларни четлаб ўтишга, ёки бу мавзуда умуман тадқиқот ишларини олиб бормасликка мажбур бўлдилар. Айрим тарихчи тадқиқотчиларнинг асарлари бевосита Қўқон-Россия муносабатларига оид бўлса ҳам дипломатик муносабатлар масаласи жуда тор баён этилди. Мисол тариқасида Ҳ. Ж. Содиқов ва Ҳ. Н. Бобобековларнинг номзодлик диссертацияларини²⁷ кўрсатиш мумкин. Масалан, ўзбекистонлик тарихчиларнинг ўша даврдаги мавқеларини акс эттирган «Ўзбекистон тарихи»²⁸ да Ўрта Осиё билан Россия ўртасидаги муносабатлар кенг ёритилган бўлса-да, Қўқон хонлигини Россия билан дипломатик муносабатларига оид мисоллар фақат 1868 ва 1875 йиллардаги шартномалар ҳақидаги умумий маълумотлар билан чекланиб қолганлигини кўрамыз²⁹.

²⁴ Бу ҳақда муфассал қар.: И ш қ у в а т о в В. Т. XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари, 16-б.

²⁵ М ў м и н о в И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида туган ўрни ва роли. -Т.: 1969.

²⁶ Гуруҳбозлик ва тарафкашлик қурбони бўлган мазкур асарлар фақат «қайта қуриш» даврида, яъни ўтган асрнинг 80-йилларининг охирида тарқатилди ва сотувга чиқди.

²⁷ С а д к о в Х. Ж. Политико-административное устройство Туркестанского генерал-губернаторства. 1867-1917 гг. -Т.:1973; Бабабеков Х.Н. Литература о Кокандском ханстве. -Т.: 1977.

²⁸ Ўзбекистон тарихи. Бир жилдлик. -Т.: 1974.

²⁹ И ш қ у в а т о в В. -Т.: XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари, 32-б.

Кўқон хонлиги тарихини ўрганишга нисбатан Ўзбекистондаги сиёсий ёндашув бошқа республика тарихчиларига ҳам таъсир этди. Масалан, М. Гиёсов ўзининг номзодлик диссертациясида Худоёрхон ҳукмронлигининг охириги даври ва Туркистон генерал-губернаторлигининг Кўқон хонлигига муносабати ҳақида айрим маълумотларни бемалол ёзган.³⁰ Бироқ, олимларнинг 1973 йилдан кейинги тадқиқотларида ўта эҳтиёткорлик сезилиб туради. Мисол тариқасида Н. И. Акрамовнинг докторлик диссертациясини³¹ кўрсатиш мумкин. Унда А. П. Федченконинг Кўқон хонлигига келиши ва 1872-1873 йиллардаги ўзаро дипломатик муносабатлар ҳақида қисқа маълумот беради холос. Н. С. Киняпина ўқув қўлланмасининг³² «Средняя Азия во внешней политике России второй половины XIX в.» номли қисмида ҳам XIX асрнинг 60-70-йилларидаги Россия-Кўқон муносабатларига оид айрим маълумотлар келтирган. Аммо шу йилларда Кўқондан Россияга ва Россиядан Кўқонга юборилган элчилар ҳақида деярли ҳеч нарса дейилмаган. Н. А. Халфин ҳам ўзининг «Россия ва Ўрта Осиё хонликлари» китобида³³ Кўқон-Россия дипломатик муносабатларига оид айрим қимматли маълумотларни келтирган. Аммо, Бухоро ва Хивага Россиядан борган элчилар фаолиятига алоҳида бўлимлар ажратилганлигига қарамасдан, маълумотлар тўлиқ ёритилмаганини В.Ишқуватов ҳам таъкидлайди.

Шунингдек В. М. Плоских, А.Ҳ.Ҳасановлар тадқиқотларида³⁴ ҳам Кўқон-Россия дипломатиясига оид маълумотлар ёритилмаган.

1981-1990 йиллар ўртасида СССРда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам «қайта қуриш» сиёсати туфайли, айниқса, унинг охириги йилларида тарих фанига оз бўлса ҳам йўл очилгандай бўлди. Р. Н. Набиевнинг тақиқ остига олинган монографиясидан 1985-1987 йиллар давомида кутубхоналарга тарқатилиши илм оламида катта воқеа бўлганини тарихчи олимларимиз яхши эслашади.

³⁰ Шу ҳақда қаранг. Кўрсатилган диссертация. 34-б.

³¹ А к р а м о в Н. И. Русские исследователи и их вклад в изучение истории, археологии и этнографии народов Памира и Припамирья. -М.: 1975.

³² К и н я п и н а Н. С. Внешняя политика России второй половины XIX века. -М.: 1974.

³³ Х а л ф и н Н. А. Россия и ханства Средней Азии. -М.: 1974.

³⁴ П л о с к и х В. М. Киргизы и Кокандское ханство. Фрунзе. 1977; Х а с а н о в А. Х. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. -М.: 1977.

1989 йили «Фан ва турмуш» журналида Ҳ. Н. Бобобековнинг «Ўрта Осиёни Россия босиб олганми?» ва «Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми?» сарлавҳалари остида иккита мақоласи эълон қилинди³⁵. Улар на фақат Фарғона водийсида катта акс-садога сабаб бўлди, балки тарихимизнинг кўп саҳифаларига янгича қараш учун туртки бўлди. Бу мақолаларда Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинганлиги исботлаб берилди ва бу тарихий ҳақиқатнинг тикланишида катта қадам бўлди.

1990 йили эса унинг «Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки» номи монографияси нашр этилди ва унда Россия-Қўқон муносабати масаласига махсус боб ажратилди. Шу йили Б. В. Луин бир тўплами³⁶ нашр этди. Тўплагга 1830 йили Қўқон хонлигига расмий ташриф буюрган хорунжий Г. Потаниннинг маълумотлари киритилди. Бу, албатта, Россия-Қўқон дипломатик муносабатларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади³⁷.

1991 йили Ўзбекистон мустақилликка эришиши муносабати билан тарихчилар олдида Ватанимизнинг ҳақиқий тарихини, демак, Қўқон-Россия дипломатик муносабатларини ҳам ҳолис ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Тарихчи олимлар архив манбаларини қайтадан ўргана бошладилар ва янги мазмунда, миллий мафкурамиз нуқтаи назаридан диссертациялар ёқланиб, илмий асарлар чоп этила бошланди. Масалан, 1991 йили Ҳ.Н.Бобобеков «Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Ушбу диссертацияда Қўқон-Россия дипломатик алоқаларига оид маълумотлар мавжуд. Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари ҳақида Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан нашр этилган «История Узбекистана» номи монографияда 1810, 1813, 1822, 1830, 1831, 1841 йилларда Қўқондан Россияга юборилган элчилар ҳақида маълумотлар мавжуд³⁸.

³⁵ Қар.: // Фан ва турмуш. 1989. 8-сон. 22-25 б; 10-сон. 12-16 б.

³⁶ Лу н и н Б. В. История Узбекистана в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и учёных (20-80-е годы XIX века). -Т.: 1990.

³⁷ Қар.: И ш қ у в а т о в В. -Т.: XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари, 33 ва кейинги б.

³⁸ М у к м и н о в а Р. Г. и др. История Узбекистана. -Т.: 1993.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, мактаб ўқувчилари учун янги тарих дарсликлари ёзила бошланди. Уларда ёшларимизга ҳақиқий тарихимизни очиб беришга ҳаракат қилинди. Яъни Ўрта Осиё-Россия муносабатлари, шу жумладан, Қўқон-Россия дипломатик муносабатларига тегишли маълумотлар ҳам биринчи марта дарсликлар³⁹ матнларига киритилди.

Ушбу йилларда чоп этилган монографиялардан, Ғ. Аҳмеджоновнинг 1995 йили нашр этилган «Российская империя в Центральной Азии» номли тадқиқоти⁴⁰ Ўзбекистон тарихшунослигини ўрганишда айниқса катта аҳамиятга эгадир. Монография кириш, олти боб, хулоса ва библиографиядан иборат бўлиб, чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати тарихи ва тарихшунослигига бағишлангандир. Бунда муаллиф мавжуд бўлган «Россия империяси Марказий Осиёда» мавзуси тарихшунослигига тегишли тадқиқот ишларини таҳлил этган кўплаб тарихчи олимларнинг тадқиқотларига ўз илмий муносабатларини билдирган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонлик тарихчилар Ватанимиз ўтмишини кенгрок ўрганишга эътиборни кучайтира бордилар. Масалан, Ш. Каримов ва Р. Шамсутдиновларнинг «Туркистон Русия босқини даврида»,⁴¹ Ҳ. Н. Бобобековнинг «Қўқон тарихи» ва «Пўлатхон кўзғолони» номли монографияларида, Ш. Юсуповнинг «Худоёрхон ва Фурқат» номли тарихий-бадиий рисоласида, «Адабиёт ва санъат» газетасида нашр этилган мақолаларида Х. Ғ. Фуломовнинг янги рисоласида⁴¹ ҳам чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликлари билан бўлган турли муносабатлари ҳақида диққатга сазовор маълумотлар берилган⁴².

³⁹ Масалан, 1994 йили чоп этилган Ўзбекистон тарихи (XVI-XIX асрнинг биринчи ярми. 7-синф учун дарслик. Муаллифлар: Р.Г.Мукминова, Н.Н. Ҳабибуллаев, Ғ.А.Аъзамова, Э.Э.Каримов, А.А.Тожибоев) ва Ўзбекистон тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми-XX асрнинг бошлари. 8-синф учун дарслик. Муаллифлар: Ҳ. Бобобеков, Ж.Раҳимов, Қ. Содиқов) китобларида Қўқон-Россия дипломатик муносабатларига оид мисоллар келтирилган.

⁴⁰ А х м е д ж а н о в Ғ. А. Российская империя в Центральной Азии. -Т.: 1995. Шу муаллиф Россия империяси Марказий Осиёда. -Т.: Talim manbai. 2003.

⁴¹ Г у л я м о в Ғ. Х. Средняя Азия и Россия: истоки формирования межгосударственных отношений (начало XVIII в) -Т.: Университет, 2005.

⁴² К а р и м о в Ш. ва Ш а м с у т д и н о в Р. Туркистон Русия босқини даврида. -Т.: 1995; Б о б о б е к о в Н. Қўқон тарихи. -Т.: 1996; Шу муаллиф. Пўлатхон кўзғолони. -Т.: 1996; Ю с у п о в Ш. Худоёрхон ва Фурқат. -Т.: 1995; Шу муаллиф, Худоёрхоннинг сўнги илинжи. // Адабиёт ва санъат, биринчи ва иккинчи мақола. 2004 йил декабрь.

Масалан, «Кўқон тарихи» китобининг «Кўқоннинг қисқача сиёсий тарихи» номли бўлимида Умархон, Муҳаммад Алихон, Маллахон, Худоёрхон, Насриддинхон ва Пўлатхон даврида Россия билан дипломатик муносабат ўрнатишга ҳаракат қилинганлиги ҳақида маълумотлар берилган. «Пўлатхон кўзғолони» номли асаридан эса 1875-1876 йиллардаги Кўқон ва чор Россияси муносабатларига алоҳида эътибор, берилади.

Профессор Ҳ. Зиёев «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» номли монографиясида⁴³ Россия-Кўқон дипломатиясига оид кўплаб маълумотларни эълон қилди. Булар эса шу мавзу тарихшунослигини ўрганишда муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қилади. Масалан, асарнинг «Кўқон хонлиги ва рус давлати ўртасидаги урушлар» номли бўлимида иккала давлат ўртасидаги элчилик муносабатлари ва чор Россияси қўшинларининг Кўқон хонлигини босиб олиши ёритилади.

Шундай қилиб, Кўқон хонлигини Россия билан элчилик муносабатлари манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари шуни кўрсатадики, маҳаллий тарихчилар Россия империяси босқинини ўз асарларида кенг ёритганлар. Улар Россия империясининг Туркистондаги манфаатларини, унинг кудрати, ҳарбий салоҳияти, дипломатиясининг маҳорати ва омадидан деб билганлар. Ўз навбатида биз маҳаллий манбалар ва архив маълумотларида туркистонликларнинг Россия империяси тажовузига қарши курашлари ва қаҳрамонликларини кўра-миз. Кўқон тарихчилари ўз асарларида таассуф билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги бирлик ва иттифоқ йўқлигини тан олганлар. Тож ва тахт учун олиб борилган урушларни қоралаганлар. Юқоридаги мавзулар ҳамда Россия-Кўқон элчилик муносабатлари шўролар ва мустақиллик даврида ёзилган асарларда ҳам кенг ёритилган. Аммо бу мавзу фақатгина мустақиллик даврида ҳолисона ва ҳаққоний баҳосини олган.

Кўқон хонлигининг Россия империяси босқини арафаси ва жараёнидаги дипломатик муносабатларини ўрганишимиз мавзу манбашу-

⁴³ Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Т.: 1998.

нослиги ва тарихшунослигини тадқиқ қилишимизни талаб қилиши табиий. Шу билан мавзунинг тадқиқоти хонлиқнинг босқин арафасидаги сиёсий, маданий ва ҳўжалик ҳаётини, қўшин ва аскаррия иши, бошқа мавзуларни ҳам келажақда ёритишимиз лозимлигини талаб қилади.

1.2. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигининг сиёсий аҳволи

Қўқон хонлигига асос солган - Минг қабиласининг бошлиғи Шоҳрухбий ибн Ашур Муҳаммаддир. У тахминан 1669-1670 йиллари таваллуд топган. Минг уруғи XVIII асрнинг бошларида сиёсий ҳукуматни Хўжагон жамоасининг қўлидан куч билан тортиб олган эди.

Хўжалар ёки Хўжагон сулоласи - руҳонийнасаб Шарқий Туркистоннинг ҳокимлари бўлган. Сулоланинг асосчиси Маҳдуми Аъзам Хўжа Аҳмад бинни Саййида Жалолиддин бўлиб, у «Хўжагон» тариқатига мансуб. У хижрий 956, милодий 1549 йили ўлган. Бу Хўжалар Шарқий ва Ғарбий Туркистонда ҳукм сурган Чигатой ҳокимлари даврида қайта мансаб ва вазифаларга эга бўлиб, иқтисодий-сиёсий кучларга соҳиб бўладилар. Бу сулоланинг буюк намояндалари бўлмиш Оффоқхўжа Қошғарийдан (XVII а.) Шарқий Туркистон ҳамда Фарғонада фаолият кўрсатган хўжалар келиб чиққан. Оффоқхўжа ўғиллари Хонхўжа (Хўжа Яҳё ибни Хўжа Ҳидоятуллоҳ ибни Хўжа Муҳаммад Юсуф ибни Хўжа Муҳаммад Амин ибни Маҳдуми Аъзам Даҳбедий ва Кун Хўжа (Хўжа Бурҳониддин) Шарқий Туркистондагина эмас, Ўрта Осиёда ҳам катта обрўга эга бўлганлар.

Бу хўжалар Оқ Хўжалар ва Қора Хўжаларга бўлинар эдилар. Қора хўжалардан бўлмиш Оффоқхўжа Хитой ҳукуматини тан олган эди. Маҳдуми Аъзамнинг ўғли Муҳаммад Амин Хўжа Оқ хўжаларга мансуб бўлиб, Хитой ҳукуматини тан олмаган эди. Унинг авлодлари Хитой Шарқий Туркистонга бостириб кирганда ғарбий Туркистон, яъни Қўқон хонлигига кириб келган эдилар.

Маълумки, Хўжагон жамоаси Маҳдуми Аъзам-Аҳмад ибн Жалолиддин Хўжагон Қосоний авлодларидан бўлиб, уларнинг ҳукумати XVII

асрда Шарқий Туркистонга ҳам тарқалган эди. Шоҳрухбий ҳам хўжалар билан иттифоқ тузиш ва ҳукмронлигининг собитлиги учун Чодак хўжаларидан бирининг қизига уйланади. 1709 йили уруғ зодагонлари ҳамда хўжалари розилиги билан Шоҳрухбий хонлик тахтига кўтарилади. Унинг қасри Эски қўрғондан Қўқонга кўчирилади. Шоҳрухбий даврида Ўш, Ўзган, Хўжанд ҳали мустақил бўлиб, давлатнинг шимолий чегараси Наманганнинг Шоҳидонигача чўзилади. Шоҳрухбий ўлиmidан сўнг унинг ўрнига уч ўғлидан бири бўлмиш Абдурахимбий ҳижрий 1132, милодий 1721 йили тахтга ўтирди. Низомиддин Муҳаммад Абдурахимбий ҳижрий 1110, милодий 1690 йили оламга келган. Отаси даврида у Наманганда ҳоким бўлиб, унга Муҳаммад Баҳодур номли киши оталиқ қилган. 1721 йили июль ойида Абдурахимбий Қўқон тахтига кўтарилди. 1725 йили Хўжандни Оқ Бўтабий юз қўлидан олиб, бир йилдан сўнг Ўратепани Абдурахимбий забт этиб, Қўқон давлатига қўшади.

1729-1730 (баъзи манбаларда ҳижрий 1145, милодий 1732) йилда Абдурахимбий Самарқандга юриш қилиб, шаҳарни қамалга олади. Лекин шаҳар аъёнлари ва оқсоқоллари бир неча кун ўтмасдан, шаҳар дарвозаларини очиб таслим бўладилар. Шу вақтда Туркистоннинг кўп жойларида қабила ва уруғлар ўзаро уруш ва жанглар билан машғул эдилар. Шунинг учун ҳам Абдурахимбий қабила ва уруғ раҳбарлари билан иттифоқ тузиб, давлат чегарасини кенгайтди. Шаҳрисабз волиси Иброҳим оталиқ кенагас билан эса қариндош бўлиб, унинг қизига уйланди. Мингларнинг кенагас уруғи билан тузган бу иттифоқи XIX асрнинг 60-йилларигача давом этди⁴⁴. Аммо орадан олти ой ўтмай Бухоро хони Самарқандни қайта ўз тасарруфига киритади. Абдурахимхон бундан хабардор бўлгач, Қўқондан Хўжандга келганида ўлдирилади ва ўрнига Абдулкаримбий ибни Шоҳрухбий хон бўлди (1734-1750 йиллар). Муҳаммад Абдулкаримбий ҳижрий 1115, милодий 1703 йилда таваллуд топган. У хон бўлишидан олдин валиаҳд сифатида Наманганда ҳоким эди. Абдулкаримбий асосий эътиборини давлатни мудофаа қилиш ишларига қаратади. Унинг замонида Қўқон шаҳри

⁴⁴ Бейсембиев Т. К. Тарихи Шахроуи как исторический источник. Алмаата, 1989. С. 12

атрофи қўрғон билан ўраб олинди ва Исфара, Қатағон, Марғилон, Ҳайдарбек дарвозалари қурилади, 1741-1745 йилларда Фарғона жунғорлар ҳужумига дуч келади. Абдулкаримбий қипчоқ-қирғизлар ҳамда Ўратепа ҳокими Фозилбий юз ёрдамида улар билан урушлар олиб боради. Шу вақтда Абдулкаримбий ҳам Тўрақўрғон ва Самарқандга юришлар қилади. 1745 йили Миёнколда хитой-қипчоқлар Ибодуллоҳбий раҳбарлигида бош кўтардилар. XIX асрнинг бошларида Хитой ҳукумати тазйиқи остида Шарқий Туркистондан Фарғона водийсига қалмоқлар, уйғурлар, қирғизлар, қорақалпоқ ва қозоқ-қипчоқлар кўчиб келишади.⁴⁵

Фарғона водийси XVII асрнинг ўртасида кўп халқ ва жамоалар учун ватан бўлди. Энди кўчманчи қабилаларга қаршилик кўрсата оладиган ўтроқ кучлар водийни тўлиқ тўлдириб халқлар иттифоқи тузилди. Хўжалик ва маданий ҳаёт ривожлана бошлади 1749 йили Абдулкаримбий қалмоқ (жунғорлар) билан сулҳ тузади. Сулҳ шартларига кўра қалмоқлар ватанларига қайтганларигача қозоқ даштларида яшаб юриш ҳуқуқига эга бўладилар. Қўқон хонлиги даврида эса уларга ўтроқ халқ билан савдо-сотиқ қилишга ижозат берилди. Қалмоқлар Қўқон, ҳудудига бостириб кирмасликни зиммаларига оладилар. Яна иттифоқ тўла ишонарли бўлиши учун жунғор-қалмоқлар ўз томонларидан бир шахзодани Хўқандга ва Хўқандан Бобобек ибни Абдулкаримбий кўчманчилар қароргоҳига борадилар.

1750 йили Абдулкаримбий вафот этади ва ўрнига унинг ўғли Абдурахмонни тахтга кўтарадилар. Аммо тўққиз ойдан кейин уни Марғилонга ҳоким этиб, хонликка Абдурахимбийнинг иккинчи ўғли Эрдонабий (Абдулкаюмхон)ни ўтказдилар. Лекин бир йил ўтмай Бобобек Ўратепа юриши вақтида Бешариқда қатл этилади ва Эрдонабий қайта Қўқон тахтига ўтиради. Эрдонабий хонлик даврида Хитой билан музокаралар олиб бориб, Хитойни Қўқон хонлигига ва Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон-Қошғарга даҳолат қилмаслиги ҳақида шартнома тузади ва анча муддат хонликда тинчлик ўрнатилади.

⁴⁵ Қар: Т о л с т о в а Л. С. Каракалпаки Ферганской долины (Ист.-этногр. очерк).- Нукус, 1959. С.20; Б е й с е м б и е в Т. К., Кўрсатилган асари, 9-б.

Эрдонабий 1750-1762 й. даврида Фарғона тўрт вилоятга бўлинар эди. Булар: Андижон вилояти, Наманган вилояти, Чуст ва Қўқон мулки. Қўқон дорус-салтанат, яъни давлатнинг пойтахти эди. Эрдонабий Исфара ва Хўжандни мулкларига қайта қўшиб олиб, 1754 йили Ўратепага юриш қилади, лекин шу юришда мағлуб бўлиб қайтади⁴⁶. Эрдонабий ҳижрий 1176, милодий 1762 йили вафот қилади. Уруғларнинг бий ва оқсоқоллари ўзаро маслаҳатлашиб, Сулаймонхон бинни Шодибий бинни Шоҳрухни тахтга кўтариш хусусида қарор қабул қилдилар. Аммо бир неча ойдан сўнг у тахтдан туширилади ва хонлик тахтига Абдулҳамидхон бинни Абдурахимхон «Норботир» - Норбўта бий (таваллуди ҳижрий 1163 муҳаррам ойининг учинчи куни, милодий 1749 й. 13 декабр, вафоти ҳижрий 1213, милодий 1798 йили) ўтиради⁴⁷. Норбўтабий ва Олимхон даврида (1798- 1810 милодий йиллар) Қўқон хонлигининг бирлашиш жараёни охирига етади. Олимхон даврида Тошкент ва Чимкент хонлик ҳудудига қўшилади.

Бу ҳоким даврида хонликнинг хўжалик ҳаёти ва маданияти ривожлана бошланди ва Қўқон Фарғонанинг маданий ва иқтисодий марказига айланади. XIX асрнинг бошларида Қўқон хонлиги қўшни давлатлар билан алоқалар ўрнатиб, бу давлатларга элчиларни ҳам юборади. Қўқоннинг Хива ва Шарқий Туркистон ҳамда Бухорога юборган элчилари ҳақида маълумотлар кўп.⁴⁸

1805 йили етти йиллик ҳаракатлардан сўнг Олимхон Хўжандни, 1806 йили эса Ўратепани забт қилиб, итоатига киргизади⁴⁹. Лекин кўп ўтмай Ўратепа яна мустақил бўлиб, Маҳмудхўжа ҳоким бўлади. Олимхон Бухоро кўшинидан мағлуб бўлиб, сиёсатини ўзгартиради. Энди у Тошкентга юриш қилишга қарор қилиб, 1809 йили бу вилоятни ишғол қилади. Шу ерда туриб Олимхон қишнинг ўрталарида кўшинини

⁴⁶ Қар: В а л д о в А. З. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. - Пг., т. XXII. 1915. 86-109; Б е й с е м б и е в Т. К. Кўрсатилган асар, 13-б.

⁴⁷ Умарнома, 20-24 б

⁴⁸ Қар: Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений по исторической географии Восточной и Срединной Азии.-Чебоксары, 1960. 178; Бейсенбиев Т. К. Кўрсатилган асар, 13-б.

⁴⁹ Тухфат ут-тавориҳи хоний., 87-б. 92-б. 98-б; Тарихи Шахрухий, 41; Умарномаи Фазлий, 26б.-13а.; Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казан. 1885. С 79. Бейсембиев Т. К., Тарихи Шахрухи как..., с. 14.

Сайрам ва Чимкентга юборади. Ҳавонинг ёмонлиги, қишнинг совуқлиги ҳамда Олимхон қаҳру газабидан тўйган қўшин бошлиқлари ва унинг душманлари Умархон тарафига ўтадилар. Хоннинг укаси Умархон ҳам бу кишиларни қўллаб туриб эътироз билдирмайди⁵⁰. Умархон кўзғолон кўтарган қўшин билан Қўқонга қайтади ва хонлик тахтига кўтарилади. Олимхон Тошкентда қолган яқинлари билан Қўқонга қайтишида Сарой деган мавзеда отиб ўлдирилади⁵¹.

Олимхон ўлимидан сўнг (ҳижрий 1225, муҳаррамнинг биринчи кун, милодий 1810 йили олтинчи феврал) Қўқон тахтига Умархон бинни Муҳаммад Абдулҳамид (Норбўтахон) Баҳодир ўтиради. Умархон даврида эса задагонлар қайта ҳокимият устига келиб, руҳонийлар ҳам давлат ва сиёсат ишларига аралашадиган бўладилар.

Умархон даврида Самарқандга Юсуф мингбоши раҳбарлигидаги қўшин юборилиб, бу вилоятнинг чегаралари талон-тарож этилади. 1816 йили эса Ражаб қўшбеги бошчилигидаги қўшин Туркистонни забт этиб, у хонлик ҳудудига киритилади. Шу юришдан сўнг Умархон руҳонийлар розилиги билан «амир ал-муслимин» унвонини олиб ҳам диний ва ҳам дунёвий ҳокимиятга эга бўлади. Умархон даврида Қўқон хонлигининг давлат тузуми, давлат ишларини юргизиш қонун-қоидалари, диний ишлар тартибга кириб, унинг мамалакат чегаралари аниқлаб олинади. Энди Қўқон давлатининг чегараси Шимолда Туркистон ва Дашти Қипчоққача, Ғарбда Самарқандгача, Жанубда Кўхистон ҳамда Кўлоб, Хисор ва Шаҳрисабзгача⁵², Шарқда эса Шарқий Туркистонгача етарди. Умархон вориси Муҳаммад Алихон даврида (1822-1842 йили) Қўқон ҳукуматини Кўлоб, Хисор, Бадахшон, Дарвоз, Масчоҳ тан оладилар. Муҳаммад Алихон даврида қирғизларнинг баъзи ноҳиялари Қўқонга қўшиб олинди.

Сирдарё бўйларида Александр тоғлари ёнларигача Қўқон истеҳкомлари қурилди, уларнинг атрофида зироатчилар ва савдогарлар келиб яшардилар «XVIII аср воқеаларидан (жунғорлар истилоси давридан) сўнг қишлоқ ва қисман шаҳар ҳаёти қайта тиклана бошлади»,

⁵⁰ Умарномаи Фазлий, 27^а-29^а.

⁵¹ Тарихи жаҳонномаи, 39^б-55^б 6, Шоҳномаи нусратпаём, 51-6.

⁵² Умарнома, 31^а-31^б.

- деб ёзган эди. В. В. Бартольд⁵³. Бу жойларда Бишкек ва Тўқмоқ қалъаси (1825), Куртка (1823 йили) ва бошқалар қурилган эди. Аммо Ўратепа вилояти Қўқон ва Бухоро учун жанг ва урушларнинг объекти бўлиб қолди. Бу урушлардан фақат халқ азоб чекарди, холос⁵⁴.

Умархон давридан бошлаб Қўқон давлати Ўрта Осиё минтақасида сиёсий жараёнлар ва халқаро муносабатларга фаол аралаша бошлади.

Муҳаммад Алихон 1822 йили Маъсумхон Тўра, шайхул ислом Домулло Зокирхўжа эшон ва тоғалари Қосим бекларбеги томонидан хонлик тахтига кўтарилди⁵⁵. XIX асрнинг 20-йилларида Қўқон давлати хўжаларнинг чиқишлари сабабли Шарқий Туркистон ишларига аралаша бошлади. 1824 йили Жаҳонгир хўжа Маҳдуми Аъзам Қўқондан қочади Қошғарга бориб, Шарқий Туркистон халқларининг Хитой ҳукуматига қарши кўтарган қўзғолонларига бошчилик қилмоқчи бўлди. Бу сиёсатга Ҳаққули мингбоши ибни Ирисқулибек бошчилик қилиб, Шарқий Туркистондан Оқ хўжалар ҳукуматини қайта тикламоқчи бўлади. Жаҳонгир хўжа Маҳдуми Аъзамнинг ҳукуматини қайта тикламоқчи бўлади. Жаҳонгирхўжа Маҳдуми Аъзамнинг катта ўғли Муҳаммад Аминнинг авлодларидан бўлиб, Хитой давлати Қўқон билан шартнома тузиб, уларни Қўқон давлатида сақлаш шартини қўйган эди. Қора хўжалар эса Оффокхўжа Маҳдуми Аъзам Хитой ҳукуматини тан олиб Шарқий Туркистонда ўз ҳукуматини сақлаган эдилар⁵⁶. 1826 ҳамда 1830 йили Пекин Қўқон билан сулҳ тузиб, Қўқонга баъзи енгилликлар берди. Масалан, Қўқон хони ўз оқсоқоллари орқали Қошғардаги раъийатдан солиқ олиш ҳуқуқига эга бўлади⁵⁷. 1833-34 йиллари Қоратегин босиб олинди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Қўқон ҳукуматини Кўлоб, Хисор, Бадахшон шоҳлари ҳам тан олдилар. Қирғизлар яшайдиган ерлар ҳам

⁵³ Бартольд В. В. История Туркестана. Конспект лекций. Сочинения. Т. II. I. М.: 1963. С.217-288.

⁵⁴ Мухторов А. М. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX веке.- Душанбе: Изд-во АН Тадж. ССР, 1964. С.34-36.

⁵⁵ Фаройиби Сипох, 3⁶-б.

⁵⁶ Қар: Кузнецов В. С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии. Новосибирск, 1983, С. 91-98.

⁵⁷ Ўша асар. 96-98 бетлар; Бейсембиев Т. К. Кўрсатилган асар, 19-б.

хонлик ҳудудига қўшиб олинди. Лекин Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги даврининг охириги йилларида Қўқон давлати кенгайиб сиёсий томондан Ўрта Осиёда тан олинган бўлса ҳам, унинг ички ишлари вазияти оғир эди. Қўқон ҳудудига қўшилган қирғиз ва қипчоқ бошлиқлари бир томондан, ўтроқ аъён ва зодагонлар кучлари раҳбарлари иккинчи томондан ўзаро қаршилик ва душманликни бошлаб бердилар. Тошкент ашрофлари, мухожиротда бўлган ҳар хил гуруҳлар намояндалари (Муҳаммад Ҳакимхон бошчилигида) марказий ҳукуматни қўлга олиш учун курашларини кучайтирдилар. Сарой ва хон атрофидаги мансабдор шахслар ҳам ҳар хил баҳона билан иғволарга қўл урардилар. Бухоро амири Насруллоҳхон (1826-1860 йиллари) ҳам қарама-қаршиликлардан фойдаланиб, бу бой ўлкани босиб олмоқчи эди.

Натижада, 1842 йили май ойида Бухоро амири Насруллоҳ Қўқон шаҳрини босиб олади. Бу юриш ҳар хил гуруҳларнинг ички сиёсий қаршиликларининг натижаси эди. «Шу гуруҳларнинг бири - Тошкент аъёнлари ва Шаҳрисабздаги қўқонлик муҳожирлар бирлашгач, ўз душманларини йўқ қилиш учун ҳамма воситалардан фойдаланиб, мақсадларига эришолмай Бухоро амири Насруллоҳдан мадад сўрашди», - деб ёзилган манбаларда⁵⁸. Бу юришнинг ташкилотчиларидан бири мухожиратда бўлган вақтда Қўқон хонлари авлодига мансуб Ҳакимхон тўра ибни Маъсумхон шайхулислом эди⁵⁹. Амир Насрулло қўшини Фарғона водийсини талон-тарож этиб, Қўқонни ҳам гораб қилади. Қўқон хони Муҳаммад Алихон ҳамда унинг яқинлари, онаси шоира Моҳларойим (Нодира), ўғли хонзода Муҳаммад Аминхон, укаси Султон Муҳаммад ҳам ўлдирилади. Бу воқеадан олдин Бухоро амири Хўжа қаландар мисгар қўзғолонини ҳам бостирилди. Бу қўзғолон Бухоро истилосига қарши кўтарилган бўлса ҳам унинг натижасидан хоннинг душманлари фойдаландилар⁶⁰.

⁵⁸ Қар: Тарихи муҳожирон, 18* б. 20а. Тухфат ут-таворихи хоний, 210а, 212а 213 б, Бейсембиев Т. К. Кўрсатилган асар, 20 б; Мухторов А. Кўрсатилган асари, 31-33 б; Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханство.-Фрунзе:Илим, 1977, 138-140 б; Тарихи жаҳоннамойи, 218-б.

⁵⁹ Мунтахаб ут-таворих № С 470. 651-653; 1985, 710-741; Хусусан Қаранг.: Фаройиби Сипоҳ, 11* б.

⁶⁰ Тухфат ут-таворихи хоний, 218б; -ТС 606-61а; Бейсембиев -Т.: Кўрсатилган асар, 20.

Бухоро амири Қўқонда 13 кун туриб хонликдаги кўп хунарманд косиблар, усталарни мажбуран Бухорога олиб кетади. Кўп хотин-қизлар ҳам ўз ватанларидан кетиб, ғурбат ва ғарибликка дуч келдилар⁶¹. Амир Насрулло Иброҳим парвоначи манғитни Қўқонда ҳоким этиб, ўзи Бухорога қайтади. Иброҳим парвоначи «Хаёл» икки ойлик ҳукмронлик даврида янги-янги солиқлар солиб Фарғона халқига ниҳоятда жабр ситам етказди. 70 кундан сўнг Қўқон аҳолиси кўчманчи жамоалари кучлари ёрдамида манғитларни Қўқондан ҳайдаб, тахтга Шералихонни кўтарадилар. Янги хоннинг муваффақиятига Хива хонининг Бухоро амирлигига қилган ҳужуми ҳам мадад бўлади⁶². Кўп вақт ўтмасдан Қўқон хонлиги олдинги чегараларини тиклаб олади. Яна қайтадан Қўқондан Хўжанд, Тошкент ва унинг атрофидаги мулкларга волийлар тайинлана бошлади. Шералихонни тахтга кўтарилган қипчоқ-қирғиз жамоаси раҳбарлик мансабларини қўлга олдилар. 1842 йили кузда Талас қирғизларининг бошлиғи Муҳаммад Юсуф Шералихонга ёрдам бериб, уни хонлик тахтига кўтарди-да, ўзи мингбоши бўлиб олади. Манғитлар лашкарини Қўқон мулкидан ҳайдашда иштирок этган қипчоқларга олий мансаблар тегмайди. Муҳаммад Юсуф ҳам уларга қарши ҳатти-ҳаракатларни бошлайди. Бу хабарни эшитиб қипчоқлар Андижон ва Шаҳрихонга бориб қўшин йиғадилар. Олдиларига музокара учун Юсуф мингбоши ва Шералихоннинг ўгли Саримсоқбек юборилади. Қипчоқлар талаби билан Муҳаммад Юсуф мингбошилиқ мансабидан олинади ва ўрнига Кали Шоди деган кимса вазир бўлади. Муҳаммад Юсуф Марғилонга ҳоким этиб юборилади. Каримқули додхо Андижонда ҳоким бўлиб олиб, Муслмонқул унга ботурбоши қилиб тайинланади. Шу билан «Муслмонқул давлат отига миниб ўнг кўлига қудрат қиличини олиб, белига душманга қирон келтирадиган шамширини осадилар»⁶³. Муслмонқул асли қипчоқларнинг қулон уруғидан бўлган экан⁶⁴. Муслмонқул Марғилон қўшинига сардор эди ва у 1843 йили кўзғолон кўтариб Муҳаммад Юсуфни Чуст яқинида мағлуб этади. Муслмонқулнинг

⁶¹ Тарихи жаҳоннамои, 229-233б.

⁶² Тарихи жаҳоннамои, 244-245б.

⁶³ Тарихи жаҳоннамои, 181*.

⁶⁴ Жангномайи Худоёрхоний, 5*б.

норозилигига қипчоқларга қарши уюштирилган суиқасд сабаб бўлган эди. Юсуф мингбоши қабиладошлари билан Шоди додхони, Шоди додхо эса Юсуфни ва Мукулмонқулни давлат ишларидан четлаштирмақчи бўлади. Мукулмонқулни қипчоқлар ҳамда қорақалпоқ ва қалмоқлар қўлладилар, Мукулмонқул Наманганни олгач, Шодди додхони ҳам мағлуб этиб, уни ўлдиради, қипчоқлар Қўқонни босиб олдилар. Қипчоқлардан Ўтаббий Марғилонда, Кўри Сидиқ Андижонда, Мирзот Наманганда, Шер Кировучида, Нормухаммад Тошкентда, Норбахши Хўжандда ҳоким бўлиб оладилар. Каримқули дастурхончи ва қулбобо (Хотамқули қипчоқ) рисолачи бўлишади⁶⁵. 1844 йили қирғизлар ҳам куч йиғиб Моду ва Ўш атрофида бош кўтарадилар. Улар Алимбек барғи Сайид додхо, Пўлод додхо бошчиликларида Мукулмонқулга қарши жангга чиқадилар. Мукулмонқул Қўқон лашкари билан Ўшга келади. Аммо унинг йўқлигидан фойдаланиб маҳаллий аён ашрофлар Олимхоннинг ўғли Муродхонни тахтга кўтариб, Шералихонни ўлдирадилар. Бу хабарни эшитган Мукулмонқул Ўшдан тезлик билан пойтахтга келиб, 11 кун ҳокимлик қилган Муродхонни қатл қилади ва Шералихоннинг ўғли Худоёрхонни хон қилиб эълон қилади. Ёш хонга ўз қизини бериб, унга қайнота бўлгач, оталик унвонини ҳам олади. Ҳукумат асосан қипчоқ бийларининг қўлига ўтади.

Шералихон катта ўғли Саримсоқбек (Абдурахмонбек)ни Тошкент мулкида, Худоёрхонни Андижонда ҳоким этган эди⁶⁶.

Мукулмонқул Шералихонни тахтдан олиб ўлдиришига фасл қўл урган руҳонийлар - Зокирхўжа шайх ул-ислом, домла Холмухаммадраис, домла Хўжамқули аълам, Сулаймонхўжа, шаҳар ва заминдор ашрофларидан Раҳматилла додхо, Сотиболди додхо, Охун додхо, Мухаммад Карим халифа, Мулла ханифа ва бошқаларни ўлдирди.

Ёш Худоёрхон қайнотаси Мукулмонқул ва қипчоқлар таъсирида қолиб, умуман давлат бошқарувидан четлатилган эди. «Шундай замон

⁶⁵ Жангономаи Худоёрхоний, 5⁶, Зафономаи Худоёрхоний, 6⁶.

⁶⁶ Манбалар маълумотига қараганда Шералихоннинг хотини бағиш қабиласидан бўлган. Лекин шуниси аниқки, қирғиз қизи Сунаойимдан Маллабек ва Сўфибек, талаш қабиласига мансуб Ёркинойимдан Саримсоқбек, Худоёрхон ва Султон Муродбек оламга келган. Шералихоннинг учта қизи Норчучук ойим, Офтоб ойим ва Моҳларойим бўлган. Қар.: Тарихи Азий, 315⁶⁶

бўлдики, - деб ёзади замондош муаррих Аваз Муҳаммад, - ҳар ким ўзича ҳукм суради. Хон унвони маъносиз бўлди. Мукулмонқули ва қипчоқнинг бошқа ашрофлари ўлкани ўзаро бўлиб олдилар⁶⁷. Мукулмонқули мингбошилиқ лавозимига эга бўлди. Қипчоқлар ўз авлодлари билан гуруҳ-гуруҳ бўлиб Қўқонга кириб яшай бошладилар. Шаҳардаги аҳолини ҳайдаб чиқариб, ер, мол-мулкларига эга бўлиб олдилар. Манбаларда хабар берилишича, Мукулмонқули, ҳатто, эски Ўрда ерини ҳам ўз қабиладошларига бўлиб берган⁶⁸.

Қўқон атрофидаги ҳокимиятни қўлга киритгач, Мукулмонқули Хўжандни Турдибой қипчоққа номзод қилди, Тошкентни ҳам ўз тасарруфига ўтказиш учун Абдураҳимбек (Саримсоқхон)ни алдаб Қўқонга олиб келиб, Балиқчиға ҳоким этиб қўяди. Олдига Худойберди додхоҳни ботурбоши этиб тайинлайди, аммо тез орада уни ўлдиради. Мукулмонқули Тошкент ҳокимлигини аввал Мулла Холбекка, уч ойдан сўнг эса Азиз парвоначиға тақдим этади. Кировучи эса Нор Муҳаммад қипчоққа берилади. Мулла Холбек ҳокимиятдан маъзул бўлиб Қўқонга қайтади. Шундай қилиб, қипчоқлар ўртасига низо тушади. Туркистон ҳокими қаноатшоҳ эса янги хонни тан олмайди ва Азиз парвоначиға эътироз билдиради. Азиз парвоначи Қаноатшоҳға қарши чиқиб Туркистонни етти ой давомида қамалға олди ва шаҳарни сувға бостириб қўлга олади. Қаноатшоҳ Бухоро амирлигига чиқиб кетиш шарти билан омон қолдирилади. 1846 йили Мукулмонқули бошқа қипчоқ зодагонларининг маслаҳати билан Ўратепаға юриш бошлайди. Шаҳарни қамал этиб, унинг атрофини талон-тарож қилдилар. Қайтишда хон ва Мукулмонқули ораларида адоват пайдо бўлади. Мулла Холбек қўшбеги, қипчоқларни бошқа бир гуруҳнинг бошлиғи - мингбоши бўлади. Мукулмонқули қураманинг Овлиқига сургун қилинди.

Тошкентға қайтгач, Азиз парвоначи Мукулмонқулининг мингбошилиқдан тушганини эшитиб, бунға қарши чиқади. Мукулмонқулининг ўрниға Мулла Холбек мингбоши бўлган эди. Энди қипчоқлар ҳокимияти учун ўзаро урушларни бошладилар. Бироз ўтмасдан Овлиққа сургун қилинган Мукулмонқули Азиз парвоначи ёрдамида иккинчи маротаба

⁶⁷ Тарихи жаҳоннамойи, II.194^а

⁶⁸ Тарихи жаҳоннамойи, II.194^б

(1847 й.) мингбошилик мансабига кўтарилади. Мулла Холбек қипчоқ (гулом) Мусулмонқулининг ўрнига вазир бўлганида қипчоқ ашрофларининг талабларини қондира олмади. Қипчоқлар кенгаши унинг вазирлигига қарши чиқдилар. Бу низолардан фойдаланиб, Норбўтахоннинг набираси Пошшоҳўжа қўзғолон кўтариб хон бўлмоқчи бўлди. Бундан хабардор бўлган қипчоқлар Урганжий деган жойда унинг тарафдорлари Муҳаммад Диёр кўрбоши (Абдурахмон) офтобачи билан тўқнашиб қолдилар. Суиқасдчилар тарафдорлари қипчоқлардан мағлуб бўлиб, баъзилари Тошкентга қочдилар, қолганлари қипчоқларнинг кўлига тушиб ўлдирилди.

Азиз парвоначи ҳам ўз ҳомийси Мусулмонқулининг вазирликдан тушишини эшитиб Кўқонга қаршилик кўрсатди. Шунда қипчоқлар Тошкентга юриш қиладилар. Аммо шаҳарни ололмай, юриш қийинчиликларидан қайтишга мажбур бўладилар. Қайтишда Тилав қишлоғида (курама яқинларида) кенгаш қилиб, Мусулмонқулини қайта мингбошилик лавозимига кўтариш учун тил бириктирадилар. Оқ-ота қариясида Мусулмонқули Худоёрхон билан учрашиб, қайта учинчи маротаба (1848 й.) мингбоши этиб тайинланади. Бундай натижалардан норози бўлган қипчоқларнинг бошқа гуруҳи Мулла Каримқул дастурхончи, Хотамқули рисолачи, Муҳаммад Назар Кўрўғли, унинг ўғли Холмуҳаммад додхоҳ, Кировчи вориси Нормуҳаммад додхоҳ ўз кўшини билан Азиз парвоначига қарши уруш қилиб, Тошкентни оладилар. Нормуҳаммад кўшбеги Тошкентга ҳоким бўлади. Тошкент халқи қарийб уч йиллик Азиз парвоначининг зулмидан озод бўладилар. Уларнинг 1847 йили кўтарган қўзғолонларидан қипчоқларнинг шу гуруҳи фойдаланган эди. Қўзғолон тафсилотининг шоҳиди бўлган, ўша кунлари Тошкентнинг Жанггоҳ маҳалласида яшаган Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий шундай ёзиб қолдирган:

«Азиз парвоначи қипчоқлар қамалидан озод бўлиб, хазинасини бўшаб қолганини билгач, ўз яқинлари маслаҳати билан вилоят аҳолисига «музофотпули» деган солиқ солади. Тошкентнинг ҳар кўча ва маҳаллаларига солиқ пули белгиланади. Бу хабар Азиз парвоначи зулмидан азоб чекаётган шаҳарликларга етиб борди ва улар Муҳаммад Юсуфбой парчабоф бошчилигида қўзғолон кўтардилар. Шаҳар

атрофларидан бир неча киши Кировучи ҳокими Нор Муҳаммад қўшбеги қипчоқ олдиға юборилди.

Азиз парвоначи кўзғолончиларға қарши тўп ва қуроллар билан чиқади. Кўзғолончилар Жангтоҳ, Парчабоф ва Мисгар маҳаллаларида йиғилиб турардилар. Жангда Азиз парвоначининг ботурбошиси Раҳимбек ибн Қозоқ яраланади. Бешёғоч маҳалласидан ҳам мингга яқин кишилар топган нарсалари билан қуролланиб, Парчабоф маҳалласига келдилар. Азиз парвоначи ўз Ўрдасида паноҳ топади. Шу пайт Шодмонхўжа парвоначи Қурамадан Нор Муҳаммад қўшбеги билан етиб келади. У Тошкентнинг ўн икки дарвозасини ёпиб, халқ ёрдамида Ўрдани қамал қилди. Нор Муҳаммад қўшбеги ҳам етиб келди ва Бешёғоч дарвозаси олдида кўнди. Азиз парвоначининг лашкар маҳрамлари қамалнинг икки ҳафтасидан кейин уни ташлаб кета бошладилар. Шу ҳолатда Азиз парвоначи таслим бўлганидан сўнг, уни оила аъзолари билан Қўқонга жўнатдилар. Кейинчалик уни Ўтаббий олдиға, яъни Марғилонга юбордилар. Икки-уч ойдан сўнг уни қаршилик қилишда айблаб, Қўқонга олиб келиб қатл этдилар ва катта қабристонга дафн этилди. Нор Муҳаммад қўшбеги Тошкентга ҳоким бўлди»⁶⁹.

1848-1849 йиллар қирғизлар ҳам бу ўзаро урушларға қўшилди ва қипчоқлар билан Балиқчи атрофида жанг қилиб мағлуб бўлдилар. Қирғизлар билан бўлган тўқнашув қипчоқларни бирлаштиради. Муслмонқулиға қарши бўлган қипчоқлар ўз бошлиқлари Мулло Холбек, Муҳаммадёр додхоҳ, Жумабой додхоҳ, Раҳимқули додхоҳлар билан Қўқон-Андижон воҳасига кетдилар. Тўрт ойлардан сўнг Қўқонга қарши қилган юришлари натижасиз тугади. Уларнинг бошлиқлари эса Муслмонқули томонидан қатл этилди.

Тошкент мулки Нормуҳаммад қўшбеги ҳокимлиги даврида ҳам, Муслмонқули мингбоши бўлган замонда ҳам мустақиллигини сақлади. Муслмонқули ва қипчоқлар ҳокимиятидан норози бўлган хонлиқнинг кўп табақа ва халқлари тошкентликлар билан тил бириктириб, мингбошиға қарши чиқдилар. Муслмонқули Тошкентга келиб уни босиб олишға ҳаракат қилди. Шаҳарни ололмай Хўжандга келгач, уни Бухоро

⁶⁹ Тарихи жаҳоннамойи, I.200-2014

амири қўшинидан ҳимоя қилиб, амир Насруллои қайтишга мажбур этди. У Бухоро қўшини ўртасида варақалар тарқатиб, уларни қўрқитди. Жигдалик қишлоғида ҳарбий машварат ўтказиб амир Насруллога махсус мактуб юборди. Унга қипчоқлар томонидан мағлуб бўлиш оқибатларини тушунтириб, «бир кўчманчи халқ» устидан ғалаба қозонишнинг ўзи шармандалик эканини айтади⁷⁰. Мусулмонқулининг дипломатик санъати катта тўқнашув олдини олди, амир Насрулло Бухорога қайтди.

Мусулмонқули Бухоро қўшинларини қувиб, Ўратепа мулкини талон-тарож эта бошлади. Аммо уни бу дафъа ҳам ололмади. Фақат тўртинчи юришида, узоқ ва қаттиқ жанглардан сўнг Ўратепа забт этилди. Оқ-ўйлувда бўлган Исобек Юз қайта Ўратепада ҳоким бўлди. Тез орада Исобек Қўқон тасарруфидан чиқиб, Мусулмонқулига қарши чиқади. Икки марта қўшин тортганидан сўнг Ўратепа таслим бўлади. Манбалар маълумотига қараганда хон ҳар йили беш маротаба Ўратепага қарши юриш ташкил қилар экан. Ҳатто болалар Қўқонда «Ўратепага юриш» номли ўйинни ўйлаб топдилар⁷¹.

1848 йили Ўратепа Қўқонга тобе бўлди ва Исобек ўрнига унинг амакиваччаси Али Шакурбек ҳоким этиб тайинланди. Шу воқеадан сўнг қипчоқлар орасида яна низо пайдо бўлди. Мусулмонқули иккинчи маротаба мансабидан туширилиб, ўрнига Муҳаммад Диёр қипчоқ вазир бўлади. Қипчоқларнинг ўзаро олишувидан фойдаланган Али Шакур Қўқон тобеятидан чиқмоқчи бўлиб, қўзғолон кўтарди. Худоёрхон Фарғона аҳолисидан қўшин йиғиб, Ўратепага қарши борди. 1848 йили ақраб ойида Муғ қалъаси ҳужум билан олинди. Али Шакурбек асир олинди, Исобек юз қўли билан ўлдирилади. Шу урушда асир тушган 900 ўратепаликлар қатл этилиб, бошларидан калла минора қурган эканлар⁷².

Ўратепа ҳокимлиги Гофурбек ибн Муҳаммад Раҳимбек оталиққа берилди. Шу вақтда Мусулмонқули вазирлик мансабини қайта қўлга киритиш учун Қўқонга юриш қилмоқчи бўлади. Муҳаммад Диёр Қўшбеги ҳам ўз одамларини йиғиб унга қарши урушга чиқди. Аммо

⁷⁰ Ансоб ус-салотин ва таворих ал-хавоҳин, 66^б; Тарихи жаҳоннамои, I, 201^б.

⁷¹ Тарихи Фарғона, 78^{а-б}.

⁷² Тарихи жаҳоннамои, I.205^б.

қипчоқ улуси атрофларидан Каримқули дастурхончи, қулбобо рисо-
лачи ва бошқалар ўртага тушиб Мусулмонқулини Андижонга, Раҳмон-
қули додхоҳни Чустга ҳоким қилиб қайтардилар.

Муҳаммад Диёр мингбошига қарши уюштирилган суиқасдда халифа
Эшон Сафони айблаб 1849 йили қатл этилади. Мусулмонқули қипчоқ
яна ўз қабиладошлари ва сафдошлари билан Қўқонга ҳужум қилиб,
Ўрдани босиб олади. Муҳаммад Диёр Ёрмозордан Мулла Холбек ва
Чустдан Раҳмонча додхоҳни ёрдамга чақирди. Аммо Мусулмонқули
учинчи маротаба мингбошилиқ мансабига ўтириб, уларни вазифала-
ридан четлаштирди. Кейинроқ Муҳаммад Диёр, мулла Холбек, Раҳ-
монча додхоҳ, Жумабойлар Дуоб деган мавзегга сургун қилинди. 1844
йили кузида эса Мусулмонқули Қўқонда Нор Муҳаммад қўшбегининг
тўйида юқорида тилга олинган қабила пешволарини тутиб ўлдиради.
Мулла Чўлибек ва Эшбийлар эса Туркистонга сургун қилинадилар.
Энди қипчоқларнинг кўп бошлиқлари Мусулмонқулининг вазирлигидан
норози бўлиб, уни мансабдан туширмоқчи бўладилар. Мусулмонқули
ҳам ўзига қаршилиқ кўрсатган қабила ашрофларига қаттиқ қарши чиқа
бошлади. Унинг шундай сиёсатидан хавфсираб мулла Каримқул
дастурхончи Чодак орқали Тошкентга келади. Унинг ортидан юборил-
ган қулбобо рисолачи ҳам қайта пойтахтга бормай, Нор Муҳаммад
олдида паноҳ топади. Мусулмонқули Нор Муҳаммад қўшбегини ҳам
қаршилиқ кўрсатишда айблаб, Тошкентга қарши юриш қилади. Аммо
тошкентликлар уни қайтишга мажбур қилдилар. Бир неча ойлardan
кейин Мусулмонқули яна лашкар йиғиб Тошкентга келди. Шаҳар
атрофини унинг лашкарлари талон-тарож қилдилар. Шаҳрихон ҳокими
Холмуҳаммад додхоҳ қипчоқ Чимкентга юборилган бўлса ҳам, қайтиб
тошкентликларга қўшилади. Бундан олдинроқ тошкентликлар ташаб-
буси билан хон Худоёр ҳам мингбошига қарши чиқмоқчи бўлди.
Тошкентдан хон олдиға яширинча мулла Каримқул ва қулбобо
рисолачи юборилган эди. Учинчи юришда Мусулмонқули билан Худо-
ёрхон ҳам Тошкентга келади. Мусулмонқули қўшинидан бўлган баъзи
бошлиқлар ҳам Нор Муҳаммад қўшбегига хабар бериб, хон билан
биргалиқда уларга қўшилишларини билдирадилар. Шаҳар яқинида
содир бўлган жангда Наманган ҳокими ҳам тошкентликларга қўшилди.

Эртаси куни бўлган жангда Мукулмонқули мағлуб бўлди. Унинг лашкарбошилари Худоёрхонни олиб Тошкентга кирдилар. Мукулмонқули Чодак тоғлари орқали қочиб, Учқўрғоннинг Кетмонтепа қишлоғига боради.

Тошкент лашкарбошилари ва ашрофлари Муҳаммад Ниёз қўшбеги, Муҳаммад Қосим парвоначи - мингбоши, Муҳаммад Ражаб кўрбоши, Мад Ёқуб қўшбеги, Муҳаммад Юсуф мирзабоши қипчоқлар (аслида Мукулмонқули тарафдорлари)ни йўқ қилиш мақсадида Нор Муҳаммад қўшбеги-мингбошининг розилигини олдилар. Олий хон ҳукуматини Худоёрхонга беришни маслаҳат қилиб, қўшин йиғадилар ва Қўқонга келдилар. Чорбоғи тўра номли боғга тушиб, Худоёрхон билан ҳам тил бириктириб, Қўқон оқсоқолларининг розилигини олдилар. Қўқон шаҳри ва унинг атрофларидаги жойларда қипчоқлар қатли оми бошланди. Қипчоқлардан Ўтаббий ва Нормуҳаммад қўшбегилар тирик қолдилар. Биринчисини хон, иккинчисини Тошкент ашрофлари ҳимоя қилдилар. Энди Худоёрхон амалда (1852 й.) хон ҳокимиятида мустақил бўлди. Ўтаббий қўшбеги мингбошилиқ лавозимига кўтарилди⁷³.

Худоёрхон қолган қўшини билан Тошкентга киради ва унинг мустақил хон бўлиш даври бошланади. Шу орада хон йўқлигидан Абдулбек ибни Пошахўжа фойдаланиб, Қўқонда ҳукуматни қўлга олади. Аммо Тошкентдан Мирзод қўшбеги ва мулло Каримқули дастурхончи етиб бориб, Абдуллобекни ўлдирадилар. Мирзод қўшбеги ўзини хон деб эълон қилади. Унга қарши Худоёрхон Тошкент лашкари билан етиб келиб, уни қатл қилади. Кўчманчилар қўшини ҳам Билқалама деган мавзеда жам бўлишади. Аваз Муҳаммад Хўқандий маълумотига қараганда Худоёрхон Тошкент, Наманган, Андижон ва Марғилонга одам юбориб қипчоқларга жазо бериш ҳақида фармон берган экан⁷⁴. У Тошкентга махсус қўшин юбориб Муҳаммад Ниёз понсад, Қосим понсад, Ниёз Али понсадлар билан тил бириктириб битим тузади. Улар ҳокимлари Нормуҳаммад қўшбеги олдига келиб, Қўқонга бориб Худоёрхонни табриклар келишга маслаҳат берадилар. Тошкент волийси икки понсад қўшин билан Қўқонга олиб келинади. Ҳижрий 1269 йил зу-л-ҳижжа ойининг 28 куни, милодий 1852 йил 14 ноябрда тошкент-

⁷³ Мактубчайи хон, 134-135б; Тарихи муҳожирон, 421.

⁷⁴ Тарихи жаҳоннамойи, 213б.

ликлар Қўқонга кириб келадилар. Қипчоқларнинг уруғ бошлиқлари Ўтаббий ва Нор Муҳаммаддан ташқари бошқа бойлар ва бошлиқлар қириб ташланади. Қипчоқлар жамоаси бу қатли ордан хавфсираб Балқалама мавзеига қочиб борадилар. Уларнинг мактубларини олиб, Мусулмонқули ҳам Иккисувга келади ва олти минглик қўшинга бош бўлади. Хонликнинг аксар шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган бегуноҳ қипчоқлари асирликка олинади, кўплари бола-чақа билан қочиб кетишади. Худоёрхон йиғма қўшин билан қипчоқларга қарши бориб биринчи жангда мағлуб бўлади, ўзи қамалда қолади. Қипчоқлар қўшинининг бир қисми Қўқонга келиб, шаҳарга бостириб кирмоқчи бўладилар. Шунда шаҳар қозиси Муҳаммадназар Иноқ додхоҳ ва Хониқули саркорлар шаҳар мудофаасини ташкил қиладилар. Худоёрхон қўшинида бўлган Сўфибек, Султон Муродбек ҳамда лашкарбоши Хўжа Мўмин, Муҳаммадназар, Сайфуддинлар қочиб кетадилар. «Зафарномаи Худоёрхоний» бунинг сабабини шундай изоҳлайди: хон Мусулмонқулидан озод бўлиб, тахтга ўтиргач, юқорида зикр қилинган кишиларга мансаб ва вазифаларни бериб, баъзиларни алоҳида мулкларга ҳоким этиб тайинлаган. Булар қочиб ҳар бири «ўз мулк»ларига кетмоқчи бўлишган. Фақат Маллахоннинг акаси берган мадади натижасида, Худоёрхон мағлубиятдан ва қамокдан озод бўлиб, қипчоқлардан устун келади. Қипчоқлар Наманган ва Тўрақўрғонга ҳужум қилмоқчи бўлсалар ҳам мағлуб бўлиб орқага қайтадилар. Иккинчи жангда ҳам хон ғалаба қозонади ва қипчоқлар ўзаро маслаҳатлашиб Мусулмонқулини хонга тутиб берадилар. Худоёрхон уни Йўлчибек додхоҳ ҳимоясида Қўқонга юборади ва қатл этади.

Худоёрхон энг кучли бўлган қипчоқ ижтимоий илдизига қаттиқ зарба берди, уларнинг мол-мулкларини мусодара қилиб, ўтроқ аҳоли ишончини қозониш учун ярим баҳосига сотилди. Бироз Қўқон хонлигида бир ором вазият таъмин бўлди. Аммо ўн йил давом этган жанг ва урушлар деҳқон аҳлига катта зарар етказди. Шаҳар ашрофлари ва мулкдорлар сиёсий ҳокимият ва давлат бошқарувидан четлатилган эдилар.

Худоёрхон Мусулмонқули таъсиридан ва қипчоқлар низоларидан озод бўлиб, мустақил хон сифатида ҳукм сура олмади. Маҳаллий ҳокимлардан Абдулғафурбек Ўратепада ва укаси Маллабек Тошкент-

да унга қарши чиқа бошладилар. 1853 йили чор қўшинлари ҳам Оқ мачит орқали Қўқон хонлигининг ерларига босиб киришни давом эттирдилар. Худоёрхон уч томондан бўлаётган тазйиқлар остида қолди. У лашкарийғиб Ўратепага бормоқ мақсадида бўлиб Маҳрамга келади. Шу мавзуда Маллабек томонидан Кўр Қўлдош юз элчи бўлиб келди. Аммо Худоёрхон элчини ўлдириб, Хўжанддан Тошкент томон йўл олади. Хон Кировучидан Маллабек номига дабир Мавлоно Муҳаммад Ражаб муншийга буюриб хат ёзиб юборади ва уни қаршиликдан тўхтатмоқчи бўлади. Аммо Маллабек Қўқон ашрофлари, ҳарбий бошлиқлар ва укаси Худоёрхонга итоат этмайди. Худоёрхон Тошкент уруши давомида Ўратепага қарши Қосим мингбошини юборган эди. Аммо Тошкент қамалидан олдин хон Қосим мингбошини қайта чақиради ва биргаликда Маллабекка қарши чиқадилар. Маллабек урушларда мағлуб бўлиб, 1853 йили баъзи лашкарбошилари билан Бухорога кетади. Худоёрхон Шодман хўжа парвоначини Тошкент вилоятига волий этиб Қўқонга қайтади.

Ана шу уруш ва низолардан чор ҳукумати олдиндан режалаштирилган Туркистонни босиб олиш мақсадларини амалга ошириш учун ҳаракат қила бошлади.

1853 йили Оқ мачит граф Перовский томонидан босиб олинади⁷⁵. Қалъа ҳокими Тўракул (Абду Вали) ва қалъа ҳимоячилари ҳалок бўладилар. Манбаларнинг хабар беришича, қамал давомида 30 нафар қўқонлик, ҳужум вақтида эса 212 киши ҳалок бўлган экан, шулардан 4 нафар аёл, 2 нафар бола, 217 нафар захмдорлар билан бирга руслар томонидан асир олинган экан⁷⁶.

Шу вақтда Худоёрхон Ём ва Зомин қалъаларини ўз тасарруфига киргизиб, Қўқонга қайтади. У тез орада лашкарийғиб бир неча понсод қўшинни Карим шайх пансодбоши ибн Аби Убайд бошчилигида Тошкентга юборди ва Шодмон хўжа лашкар бошчилигида Оқ мачитга боришларини буюради. Шодмон хўжа 1853 йили ёзда Тошкент ва қурама лашкари ҳамда Қўқон қўшини билан чор ҳукуматига қарши

⁷⁵ М а к ш е в А. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских.-Спб, 1890. С. 182-204.

⁷⁶ Қаранг: А в а з М у х а м м а д А т т о р Х у қ а н д и й. Тарихи жаҳоннамоӣ. // Шарқ юлдузи. 1991, 8-сон . 56-б.

чиқмоқчи бўлиб, Туркистонга келади. Кейинроқ Оқ мачит олдидаги урушда мағлуб бўлиб, қайта Туркистонга, у ердан Тошкентга қайтади. Худоёрхон Қўқон лашкарбошиларини кўрқоқлик ва жангдан қочишда айблайдди. Қўқонга қайтган Шодман хўжа, Саримсоқ додхоҳ ва Муҳаммад Карим шайхларга Ўрда майдонида аёллар кийимини кийдириб қўядилар. Уларни таҳқир қилиб, сўнг ўз қўшинларига юборадилар.

Тошкент ҳокимлиги Сўфибек ибн Давронбек додхоҳ Кўҳистонга берилади. Ҳижрий 1269 йили (1852-53 й.) Исобек ибн Баҳодирбек юз Эшон халифа Олтмиш тўхматига учраб, Ўрда дарвозаси олдида ўлдирилади.

Шундай қилиб, Оқ мачит мағлубияти билан Қўқон-Россия муносабатларининг янги босқичи бошланади. Қўқон мулкларининг кейинги босқинигача анча йиллар ўтган бўлса ҳам, Россия-Қрим урушларидан сўнг Туркистон босқинини жадаллик билан олиб борган.

Шундай қилиб, Қўқон хонлигининг XIX аср биринчи ярмидан сиёсий вазиятларнинг таҳлили тадқиқотчиларнинг кўнглига хуш келмайдиган хулосаларга олиб келади. Хон ва унинг оила аъзолари, ҳокимлар, моддий ва сиёсий ва ҳарбий жиҳатларидан кучайиб кетган задогонларнинг тож ва тахт учун ўзаро курашлари XIX асрнинг 40-йилларидан бошланган. Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги низолар хонликни иқтисодий ва хўжалик ҳаётига салбий таъсир кўрсатди. Қўқон хонлиги минтақада ҳарбий қудратга эга бўлган мамлакат бўлса ҳам, Россия империяси олдида жуда заиф эди. Россия империяси ўзининг жосуслари ва турли манбаларида хонликнинг ички ва ташқи аҳволидан хабардор бўлган. Ҳатто тахминимизга кўра Россия империяси Муслмонқули қатлидан сўнг, қирғиз қипчоқларининг ўтроқ аҳоли билан бўлган қаршиликларидан фойдаланади. Оқ мачитга ҳужум қилиб уни босиб олганлар.

Хонликдаги энг юқори ва масъул мансабдорлар ташқи тажовузнинг олдини олиш ўрнига ўзаро уруш ва тартибсизликка қўл урганлар. Бобнинг иккинчи бўлимида Қўқон хонлигининг фожиали ниҳояси ҳақида кенг сўз юритилади.

II БОБ. Туркистонни чоризм томонидан босиб олиниши арафасида Қўқон-Россия элчилик алоқалари

XIX асрда Қўқон хонлигининг Россия билан олиб борилган дипломатик алоқалари тарихини ёритишда хонликдаги сиёсий, ижтимоий, хўжалик ҳаётини ўрганиш ўта муҳимдир. Юқоридаги масалалардан хонликнинг сиёсий тарихи жуда ҳам аҳамиятлидир. Ўрта Осиё ҳудудларида Қўқон хонлигининг ташкил топиши ва унинг қарийиб икки асрлик даврида Марказий Осиёда етакчи ўрин эгаллаши бу давлатнинг халқаро муносабатларда эгаллаган мавқеидан дарак беради. Элчилик икки давлат ўртасидаги муносабатлар ва турли алоқалар шу мамлакатларда мавжуд бўлган сиёсий тизимдан келиб чиқиши ҳаммага маълум.

2.1. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари тарихидан

Қўқон хонлигининг нафақат Россия, балки Хитой ва қўшни хонликлар билан олиб борилган сиёсати ва турли алоқаларини ўрганиш бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Чор Россияси ўзининг империалистик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда XIX асрда ҳам ўзининг манфаатлар чегарасини кенгайтириб борди. Унинг узоқ Шарқ, Кавказ, Қозоғистон ерларидаги ҳарбий манфаатлари Ўрта Осиёда Қўқон ҳудудларига етиб келди. Англиянинг Афғонистон ерларида қаттиқ қаршиликка дуч келиши, чор Россиясининг Қрим урушидаги мағлубияти вақтинча бу иккала давлат ўрталаридаги таранглашган муносабатларни пайсалга солди. Лекин Россияда бошланган пул ва мол муносабатлари рус саноати учун янги хом ашё манбалари ва ташқи бозорни талаб қилди. Шу омиллар чор Россияси империясини Туркистонни босиб олиш учун янги ҳаракатларни бошлашга мажбурлади.

Қўқон хонлигининг чор Россияси билан алоқалари ўзининг мураккаб ва ўта мазмунли тарихига эга. Маҳаллий манбалардан «Мунтахаб-ут-таворих» (Муҳаммад Ҳакимхонники), «Тарихи Алиқули Амирлаш-

кар» (Тоибники), «Хулосат ул-аҳвол» (Абу Убайдуллоҳ Тошкандий) асарларида ҳамда архив ва мавжуд адабиётларда бу мавзу кенг ёритилган.

Қўқон хонлиги билан Россия ўртасидаги элчилик алоқалари XIX асрнинг бошларидан эътиборан кучайди.

Айрим архив материалларига кўра, Қўқон хони Олимхон 1804 йилда Ўрта Қозоқ ўрдасидаги Қоракесек волостининг султони Букей¹ орқали чор ҳукуматиغا мурожаат қилиб, Россия ва Қўқон хонлиги ўртасидаги савдо алоқаларини Тошкент орқали олиб бориш учун унинг ҳокимини кўндириш кераклигини илтимос қилади.

1809 йилда Тошкентнинг Қўқон хонлигига қўшиб олиниши катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳар иккала давлат ўртасидаги элчилик ва савдо алоқаларида Тошкент муҳим ўринни эгаллади.

Олимхон шу даврдан эътиборан Тошкентдан Фарбий Сибирь орқали рус давлатига борадиган карвон йўллари орқали Қўқон элчиларини рус давлатига юборишга ҳаракат қилган.

Полковник Струков ўзининг чор ҳукуматиغا юборган рапортида Қўқон хони Олимхон Тошкент орқали Россия билан ўртадаги алоқаларни дарҳол боғлаб уни кенгайтиришга ҳаракат қилаётганлигини ёзган эди².

Ўз навбатида Россия империяси ҳам Қўқон хонлиги билан алоқа ўрнатишдан турли манфаатдорлиги ҳақида архив маълумотлари мавжуд³.

Россия билан элчилик алоқаларини самарали давом эттириш мақсадида Қўқон хони Олимхон Тошкентдан Россияга қайтаётган рус савдогарлари билан бирликда тошкентлик Раҳматуллабой бошчилигида ўз элчиларини Петропавловскга юборади. У элчилар орқали Сибирь маъмуриятига савдо алоқаларини ривожлантиришни таклиф этади. Лекин элчиларнинг ўз вазифаларини қандай бажарганликлари ҳақидаги маълумотларга эга эмасмиз.

¹ Букей - Россиянинг ўзбек хонликларидаги савдо алоқаларини йўлга қўйишда фаол иштирок этганлиги учун рус ҳукумати томонидан бир неча марта мукофотланган эътиборли киши эди.

² Санкт-Петербургдаги Россия Давлат Тарихий Архиви (кейинчалик СПб РДТА), 13-фонд, 2-рўйхат, 1043-иш, 1-3 б.

³ СПб РДТА, 560-фонд, 4-рўйхат, 2-иш, 72-б.

Кейинги 1810 йилда Сибирь линияси бошлиғи генерал-летенант Глазенап ўзаро савдо-сотиқни жонлантириш таклифи билан Қўқонга Султон исмлик ўрта жуз султонларидан бирини юборади⁴. Глазенапнинг ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш ҳақидаги таклифи Қўқонда хайрихоҳлик билан кутиб олинади. Чунки, Ўрта Осиёда йирик хонлик ҳисобланган Қўқон бозорларида Россия молларига талаб кучли эди.

Айни бир вақтда Россияда Қўқон хонлиғи моллари учун ҳам талабчан бозор мавжуд эди. Шунинг учун ҳам ҳар икки томон бир-бирларига элчи юбориб турганлар. 1811 йил апрелда Сибирь орқали таржимон Мамедьяров бошлиқ рус вакиллари Тошкентга келадилар. Улар Тошкентда 11 кун турганларидан кейин Қўқонга ўтиб кетадилар. Бу рус элчилари Қўқон хонлиғи билан элчилик муносабатларини жонлантириш ва савдо алоқаларини кучайтириш таклифи билан келганлар. Булар савдога доир масалаларни ўзаро келишиб олиш учун Қўқон хонидан Россияга элчилар юборишни сўраганлар⁵. Бироқ бу элчилар фаолиятига доир маълумотлар тўла сақланмаган.

Рус элчиларининг таклифига жавобан 1812 йилда Қўқон хони Умархон Шакурбек Оталиқ бошчилигидаги ўз элчиларини Россияга юборади⁶.

1812 йилнинг феввалида Петербургда Қўқон элчиларини рус императори қабул қилади. Элчи бошлиғи Шакурбек ўз хони номидан императордан Сибирь шаҳарлари орқали ўзаро савдони кенгайтириш ва хонлик савдогарларини Россия шаҳарларида эркин равишда савдо-сотиқ қилишларига рухсат беришини сўраган. Шунингдек, Петропавловск, Омск ва Семипалатинскда яшовчи қўқонликларнинг уйларига ҳарбий кишилар қўйишни тўхтатишни талаб қилди⁷.

Қабул маросими юқори савияда ўтган. Император Қўқон элчилари талабларининг бажарилишини маълум қилди. Бу ҳақда 1812 йили давлат маслаҳатчиси Вергин исмли шахс Семипалатинск чегара

⁴ СПб РДТА, 560-фонд, 1-рўйхат, 262-иш., 1-2 б.

⁵ Омск Вилоят Давлат Архиви, 3-фонд, 1-рўйхат, 425- иш, 54-б.

⁶ Омск Вилоят Давлат Архиви, 2-фонд, 1-рўйхат, 158-иш, 108-б.

⁷ ҚР МДА, 478-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 59-б.

божхона бошлиғига қуйидаги хабарни берган эди: «Кўқон хони ва уларнинг фуқаролари учун Сибирда эркин савдо қилишларини таъминлаш мақсадида юборган элчилари императоримиз томонидан мамнуният билан қабул қилинди ва ўзаро савдони кучайтириш тadbирлари белгиланди. Ҳамда уларнинг савдо қарвонларини Петропавловск ва Иртиш линиясидаги Коряковск форпостида, одатдаги бож қонунқоидаларига асосан қабул қилишга рухсат берилди»⁸.

Чор ҳукумати Кўқон хонлиги билан бўладиган савдо алоқаларини ривожлантириш учун энг зарур чора ва тadbирларни белгилайди. Чунончи, Семипалатинск божхона бошлиғига берилган махсус кўрсатмада, божхона ходимларидан, кўқонлик савдогарларга нисбатан хушмуомалада бўлиш талаб этилади. Акс ҳолда божхона хизматчиларининг айби билан кўқонлик савдогарлар Россия билан алоқа қилмай қўйса, божхона ходимларининг ҳаммаси ўз амалидан бўшатилиб, қонунга мувофиқ энг қаттиқ жазо олади⁹, - дейилган эди.

Шу билан бир қаторда Семипалатинск божхона бошлиғидан, Кўқон хонлиги билан савдони бориши ҳақида ҳар ҳафтада бир марта Петербургга маълумот бериб туриш талаб қилинади¹⁰.

Шунингдек, Кўқон элчиларининг икки талабига ҳам бироз ён берилди. Чунончи, чор ҳукумати даставвал ҳарбийларини квартирант сифатида маҳаллий аҳоли уйларига, уларни ҳам жойлари етмай қолган тақдирдагина ўртаосиёлик савдогарларнинг уйларига қўйиш ҳақида қарор қабул қилади¹¹.

Чор ҳукумати томонидан кўрилган бу тadbир Сибирда яшовчи кўқонлик ва бошқа ўртаосиёликларни қаноатлантирмади. Шунинг учун ҳам уларнинг оқсоқоллари Мирқурбон Ниёзов шу масала юзасидан 29 август 1823 йилда хат орқали, гарбий Сибирь бош бошқармасига мурожаат қилиб, юқоридаги тартибни ўзгартиришни талаб қилди. Чор ҳукумати Кўқон вакилининг бу талабини кўриб чиқиб, уни қондирилмаслигини маълум қилди. Чунки бу вақтда Сибирь йўналишидаги ҳарбий кишилар учун уй-жой танқислиги жуда кучли эди.

⁸ Омск Вилоят Давлат Архиви, 3-фонд, 158-иш, 108-б.

⁹ Уша жойда, 478-Фонд, 36-иш, св. 4, 59-б.

¹⁰ Уша жойда, варақ 61.

¹¹ З и я е в Х. Ўрта Осиё ва Сибирь /XVI-XIX асрлар/. -Т.: Фан, 1962. 164-б.

Шундай қилиб, бу масала тўла ҳал бўлмасдан қолади.

Ғарбий Сибирь йўналишларида бўлганидек, Оренбург йўналишида ҳам Ўрта Осиё савдогарлари билан бир қаторда Қўқон хонлигининг Тошкент ва бошқа жойлардан бориб жойлашган савдогарлари ҳам бор эди. Улар чор ҳукуматининг турли солиқ ва мажбуриятларидан озод қилинган эди. Бироқ, маҳаллий ҳокимият тазйиқи билан уларнинг имтиёзларини бекор қилиш ёки чегаралашга қаратилган маҳаллий ҳокимияти у ерда яшовчи ўртаосиёликларнинг, шу жумладан, Қўқон ва тошкентликларнинг уйларига ҳарбий квартирантлар қўя бошлаганлар. Шунинг учун Ўрта Осиё савдогарлари Оренбург ҳарбий губернатори Г. С. Волконскийга шикоят қилиб ариза бердилар. «Бухороликлар, хиваликлар ва тошкентликлар, -деб ёзилган эди аризада, - узоқ вақтлардан бери Бухородан, Хивадан ва Тошкентдан келадиган Шарқ молларини Россия савдогарларига сотиш учун Сайид слабодқасидаги ўз уйларида яшамоқдалар. Ҳазрат олийнинг 1734 йил 7 июнда Оренбург шаҳрининг барпо бўлиши ва кейин 1745 йил 18 августда берган имтиёзларига... асосан, Сайид слабодқасидаги уйлар ҳарбийларни қўйишдан озод этилган эди»¹². Шу билан бир қаторда улар чор ҳукумати томонидан берилган имтиёзларга кўра, таъриф бўйича савдо божларидан бошқа ҳеч қандай мажбуриятларни бажармай келаётганликларини маълум қилиб, улар ўз уйларига ҳарбийларни қўймасликларини сўраганлар. Ушбу ариза муносабати билан Оренбург Земский полиция бошлиғи Оренбург ҳарбий губернаторлигига шуни маълум қилдики, тошкентлик, бухоролик ва хивалик ҳамда бошқа ўртаосиёликлар фақатгина савдо билан шуғулланибгина қолмай, жамоат ерларида деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Бу ҳақда, шундай деб ёзган эди: «Мен Сайид слабодқасида узоқ вақтлардан бери яшовчи бухоролик ва хиваликларни ва тошкентликларнинг кўпчилигини жамоат ерларида бошқа аҳоли билан бир қаторда деҳқончиликда фойдаланганлигини ва уларнинг қай бирларини уч ва тўрт хоналик уйларига, ундан ташқари хонликлардаги ёрдамчи хоналарга эга эканликларини аниқладим»¹³. Бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда 3-4 хоналик уйга эга бўлган ўртаосиёликларникига ҳарбийларнинг қўйили-

¹² Оренбург Вилоят Давлат Архиви 6-фонд, 10-руйхат, 40-иш, 1-б.

¹³ Оренбург Вилоят Давлат Архиви 6-фонд, 10-руйхат, 40-иш, 3-4 б.

ши, қўшин сонини кўпайиши муносабати билан зарурлигини Земский полиция уқтириб ўтди.

Шундан сўнг Оренбург ҳарбий губернатори бухоролик, хивалик ва тошкентликлар уйдан дарҳол ҳарбийларни чиқариш ва фақат иккита уйи борларникига ҳарбийларни қўйиш ҳақида буйруқ чиқаради. Шундай қилиб, Оренбургда тошкентликларнинг сўрови қондирилган бўлса-да, икки уйи бўлган йирик савдогарларникига ҳарбийларни қўйиш жорий этилди¹⁴.

Қўқон хонлиги билан алоқаларни давом эттириш мақсадида чор ҳукумати 1813 йилда ўз ватанига қайтаётган Қўқон элчилари билан биргаликда Филипп Назаровни Қўқонга юборади.

Ф. Назаров 1813 йил май ойида Қўқон хонлигига жўнаётган савдо қарвони¹⁵ билан биргаликда Омскдан чиқиб, Петропавловск орқали Тошкентга қараб йўл олади. Элчилар ва савдо қарвонини чор ҳукумати ҳарбий отряди кузатиб боради. Улар Дашти қипчоқни кесиб ўтиб, Туркистон ва Чимкент орқали Тошкентга келадилар. Ф. Назаровнинг маълумотларига қараганда, 1812 йилда Қўқондан икки кишидан иборат Россияга элчилар юборилган бўлиб, улардан бири касалланиб Петропавловскда вафот этган. Иккинчиси эса ўша жойга сургун қилинган рус солдати билан танишган. Бу солдат элчининг пул ва нарсаларини олиш учун уни ўлдирган. Ана шу кўнгилсиз воқеани тушунтириш учун Сибирь линияси корпуси командири томонидан уни Қўқон хонлигига юборилган эди¹⁶.

Тошкент қўшбеги элчиларини яхши қабул қилади. Улар бу ерда 4 кун турганларидан сўнг Қўқонга жўнайдилар. Қўшбеги таклифига мувофиқ рус савдо қарвони ва элчиларни кузатиб келган қозоқлардан 15 киши (улар ҳаммаси бўлиб 40 киши эди) Тошкентга келадилар. Ф. Назаров бошлиқ элчилар 1813 йил октябрнинг бошларида Қўқонга борадилар.

Қўқон элчиси Петропавловскда ўлдирилган бўлишига қарамай, рус

¹⁴ З и я е в Х. Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар -Т.: Фан, 1963, 30-б.

¹⁵ Қарвон 100 туядан иборат бўлиб, уларга 200 минг сўмлик турли моллар ортилган эди.

¹⁶ Записка о некоторых народах и землях Средней части Азии Филиппа Назарова, отдельного Сибирского корпуса, переводчика посланного в Коканд в 1813 и 1814 гг. СПб., 1821. С. 2.

элчиларини хон ва унинг амалдорлари томонидан ҳамма элчилик қоидаларига мувофиқ ҳурмат ва иззат билан қарши олинади. Назаров чор ҳукумати томонидан Умархонга йўлланган ёрлиқ ва эсдалик совғаларини топширади.

Элчиларга Қўқон шаҳар кўчаларида ва бозорларида бемалол юришлари учун рухсат берилади.

1814 йилнинг бошида рус элчисининг ҳамроҳларига ўз ватанларига қайтишлари учун рухсат берилди. Бироқ, Ф.Назаров ўзига эса ҳозирча Қўқонда қолиши ва баҳорда Қўқон элчиларининг ўлими сабабларини аниқлаш учун Сибирга юборилган Қўқон хони вакиллари ҳамда савдо карвони билан биргаликда Сибирга жўнатилиши маълум қилинади¹⁷.

Шу билан биргаликда Ф. Назаровнинг Сибирь орқали Россия билан хонлик ўртасида савдо йўлини очишга келганлиги сабабли баҳорда рус давлатига борувчи карвонлар билан биргаликда ўз ватанига қайтиш мақсадга мувофиқ деб кўрсатилди.

Қўқондан 1814 йил август ойида Ф. Назаров савдо карвони билан биргаликда 200 га яқин Қўқон аскарларининг кузатувида Тошкентга ва у ердан Россияга қараб йўлга чиқади. Қўқон хони Филипп Назаров билан биргаликда икки кишидан иборат ўз элчиларини Россияга юборади¹⁸.

Шундай қилиб, Ф. Назаров элчилик фаолияти Қўқон элчиларининг ўлими сабабларини Россияда маълум қилиш ва савдо карвонларини бошқариш билан чегараланди холос. Шунга қарамай Ф. Назаров Қўқон хонлиги ва савдо йўллари ҳақида айрим қимматли маълумотлар қолдиради. Бу маълумотлар бўйича Қўқон хонлиги ўзбек хонларининг орасида салмоқли ўринни эгаллаган бўлиб, Бухоро, Хива, Туркистон, Хитой, Афғонистон, Шарқий Туркистон ва қолаверса, Ҳиндистон, Қашгар ва Эрон билан савдо алоқаларини муваффақиятли олиб борган.

¹⁷ Ўша жойда. 57-б.

¹⁸ Записка о некоторых народах и землях Средней части Азии Филиппа Назарова, отдельного Сибирского корпуса, переводчика посланного в Коганд в 1813 и 1814 гг. СПб., 1821. С. 57-59.

XIX асрнинг 20-йилларида Тошкент орқали у Қўқон ҳамда Россия билан савдо-сотиқнинг кенгайишига карвон йўлларидаги талон-тарожликлар ҳалақит бермоқда эди. Қўқон хонлигидан чиққан савдо карвонлари қароқчилар томонидан тез-тез таланиб туриши архив маълумотларда кўп таъкидланади¹⁹. Бу эса Қўқон хонлигига карвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифасини қўяди.

Шундай қилиб, ҳар икки томоннинг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга ҳаракат қилиши улар ўртасида элчилик алоқаларини жонланишига олиб келди.

1816 йил апрелда Сибирь йўналишининг бошлиғи генерал-лейтенант Глазенап ўзаро савдо-сотиқни жонлантириш таклифи билан Қўқон хонлигига Усов бошчилигида 3 кишидан иборат элчиларини юборди²⁰.

Элчилар Россия шаҳарларида савдо қилиб ўз ватанларига қайтаётган тошкентлик савдогарлардан Назар Мирзо ва Бобохонов бошлиқ карвон билан Петропавловскдан жўнайдилар²¹.

Рус элчилари Тошкентда ҳурмат ва эҳтиром билан қабул қилинади. Усов генерал-лейтенант Глазенапнинг Қўқон хонлигига нисбатан бўлган ҳурмат ва дўстлигини намойиш қилиш учун Умархон номига ёзилган ёрлиқ ва совғаларини²² хонга топшириш учун Тошкент ҳокими ва Аскар бошлиғига тақдим этади.

Элчилар Тошкентда бир ҳафта бўлганларидан кейин Қўқон хони Умархоннинг таклифи билан Тошкент лашкарбошисининг кузатувида Қўқонга борадилар. Хон ҳузурида рус элчилари ҳурмат билан қабул қилиниб, уларга эсдалик совғалар топширилди. Шунингдек, генерал-лейтенант Глазенап номига хон томонидан ёзилган ёрлиқ қимматбаҳо совғалар билан топширилди. Ёрлиқ мазмунига кўра; Умархон Қўқон хонлиги билан чор Россияси ўртасида одатга айланиб бораётган дўстлик ва савдо алоқаларини доимо давом эттириш ва рус карвон-

¹⁹ ҚР МДА, 338-фонд, 1-рўйхат, 662-иш, 320-325-326 б.

²⁰ Оренбург Вилоят Давлат Архиви, 3-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 1-2 б.

²¹ Ўша жойда, 5-б.

²² Совғалар - Англия мовути, Туркия гилами, қимматбаҳо пўстин, бир бўлак олтин, ойнадан ишланган идишлар, олтин соплик ҳанжар ва бир неча метр парча ва атласлардан иборат эди.

ларига нисбатан ўзининг ҳар доимги ғамхўрлигини кўрсатишга тайёр эканини маълум қилади²³.

Рус элчилари 1817 йил июнь ойида ўз ватанларига қайтиб кетадилар. Шунинг учун ҳам биз бу вақтда Сибирга келган Қўқон элчиларининг маҳаллий ҳукумат олдига кўпроқ карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш масаласини қўябошлаганлигини кўрамыз.

1824 йил июн ойида, Хонкелди Бобожонов ва Ғанихўжа Зулфиқор эшонлардан иборат Қўқон вакиллари Омскка бордилар. Улар Қўқон хони Мадалихон ва Тошкент қўшбегиси томонидан юборилган эдилар. Бу элчилар Ғарбий Сибирь орқали Петербургга бориб, императорга Мадалихоннинг хатини совғалар билан топширишлари керак эди. Хатнинг мазмунига кўра, Каркарали округи аҳолиси томонидан Қўқон карвонлари таланаётганлиги ҳақида хабар қилиниб, босқинчиларга нисбатан қатъий чора кўришликни императордан илтимос қилади²⁴. бироқ номаълум сабабларга кўра Қўқон элчилари Петербургга боришлари учун ғарбий Сибирь маъмурияти томонидан рухсат берилмайди ва улар узоқ вақт Омскда ушлаб қолинади. Юборилган элчиларни Ғарбий Сибирда ушлаб қолинганлигининг сабабларини аниқлаш ва ўзаро дўстона муносабат ва савдо карвонларини қароқчилардан ҳимоя қилиш масаласи юзасидан фикр алмашиши учун, Омскга 1825 йил 14 майда Қўқон хонлигининг элчиси тўқсабо Соатбек Султонбеков бошчилигидаги элчилар юборилади²⁵. Улар Қўқон хони Муҳаммад Алининг оғзаки буйруғига мувофиқ Тошкент қўшбегиси томонидан юборилган эди. Бу элчилар эса султон Худойминди Ишимхон одамлари томонидан таланиб, икки киши билан биргаликда мол-мулк ва оти ушлаб қолинади. Бундан норози бўлган С. Султонбеков Омск области бошлиғи, полковник Броневскийга талончилар устидан шикоят қилиб, Россия империясининг тобеси бўлган султонга нисбатан чора кўришни талаб қилади²⁶. Омск область бошлиғи Броневский, султон Худойминди Ишимхонга ушбу мазмунда буйруқ беради: «Омскга етиб келган Қўқон тўқсабоши - элчи С. Султонбеков сиз ва қариндошларингиз

²³ Оренбург Вилоят Давлат Архиви, 3-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 5-7 б.

²⁴ Омск Вилоят Давлат Архиви, 3-фонд, 425-иш, 16-18 б.

²⁵ ҚР МДА, 338-фонд, 1-рўйхат, 621-иш, 25-27 б.

²⁶ Уша жойда, 4-б.

Жапақ устидан шикоят қилиб, йўлда сизнинг одамларингиз томонидан унинг икки одами ва мол-мулки ҳамда оти ушлаб қолинганлигини маълум қилди. Ушлаб қолинган нарсалар одамлар билан Каркарали приказига келтириб топширилсин ва бу ҳақда бизга маълум қилинсин»²⁷.

Полковник Броневский ўзининг кўрган ушбу чораси ҳақида элчиларга хат орқали хабар бериб, уларни Омскда кутаётганлигини билдирди²⁸.

1825 йили июн ойида элчилар Омскга етиб бориб, Тошкент кўшбегисининг иккита хатини ва у тортиқ қилиб юборган 2 аргумоқ отни топширади.

Қўқон элчиси С. Султонбеков Омск область бошлиғига ўз номидан ёзган хатида бундан 3 йил илгари юборилган Қўқон элчиларининг нима учун ушлаб қолинганлигини суриштириб, уларнинг қайтаришларини сўрайди²⁹. Шунингдек, элчи Сибирда яшовчи қўқонлик савдогарлардан айрим маҳаллий ҳукумат вакилларининг қонунсиз солиқ олаётганлигига норозилик билдириб, уни тўхтатишни ҳам сўрайди³⁰. Яна ушбу хатда Қўқондан сургун қилинган мингбоши Юсуфбекнинг назорат остига олинишини ва 1822 йилда Тагаев волостидаги карвонбоши Хайирбек карвоннинг Султон Султонғози қоянчи томонидан таланганлигига қарши чора кўришликни талаб қилди³¹. Шу билан биргаликда кўчманчиларнинг талонига бутунлай барҳам берилишини сўради.

«Менинг илтимосим шуки, деди, С. Султонбеков хатнинг охирида, ҳар икки томон ўртасидаги савдо-сотиқ хавф-хатарсиз бўлсин. Чор ҳукумати менга бир кишини қўшиб юборсин, мен у кишини соғ-саломат яна Россияга келтириб қўйиш мажбуриятини оламан»³².

XIX асрнинг иккинчи ўн йиллигида чор ҳукуматининг қозоқларни ўз тобелигига киритишга ҳамда улар устидан ўз таъсирини мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракати кучайган эди.

²⁷ Ўша жойда, 10-б.

²⁸ ҚР МДА, 338-фонд, 1-рўйхат, 621-иш, . 25-27 б.

²⁹ ҚР МДА, 338-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, св. 96, 29-33 б.

³⁰ Омск Вилоят Давлат Архиви, 3-фонд, 425-иш, 11-14 б.

³¹ Ўша жойда, 14-б.

³² Ўша жойда 14-15 б.

Ўзаро урушлардан тинкаси қуриган Катта жуз аҳолиси ўзларининг Россия империяси тобелигига қабул қилинишини сўраб чор ҳукуматига мурожаат қиладилар. 1819 йил январда чор ҳукумати уларнинг илтимосларини қондиради, ҳамда Катта жузнинг Россия империяси тобелигига ўтганлигини расмий равишда эълон қилади³³.

Шунингдек, бу даврда чор ҳукумати Катта жузда ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида бу ерда округлар ташкил қилишга киришади.

Маълумки, Тошкент шимоли-ғарбида кўчиб юрувчи Катта жузнинг кўпгина уруғлари Олимхон, сўнгра Умархон томонидан Қўқон хонлигига бўйсундирилиб, закот тўлашга мажбур қилинган эди.

Бундан ташқари Умархон бу вақтда Катта жузни бутунлай Қўқон хонлиги тобелигига киритиш ҳамда Қозоғистонда ўз таъсирини кучайтиришга интилмоқда эди. Шунинг учун ҳам Катта жузнинг Россия тобелигига ўтиши ва чор ҳукуматининг бу жуз устидан ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилиши Қўқон хонлиги ҳукмронлиги доираларининг норозилигини вужудга келтирди.

Қўқон хонлигидаги мана шу кайфият Тошкент қўшбегисининг Сибирь маъмуриятига юборган хатларида ўз аксини топди. Қўқон элчиси тақдим этган хатлар ва унинг талабларига жавобан, Омск область бошлиги полковник Броневский Сибирь генерал-губернаторининг топшириғи ва кўрсатмасига мувофиқ, Тошкент қўшбегиси номига хат ёзиб Соатбек Султонбековга топширади.

Ушбу хат мазмунига кўра, Сибирь маъмурий ҳокимияти Қўқон хонлигининг даъвосини нотўғри деб исботлашга ҳаракат қилди. Бошқа тақлифларнинг ҳаммасини қабул қилди³⁴.

Шу равишда, хатда Тошкент қўшбегисининг даъвоси ўринсиз эканлиги кўрсатилган. Қозоқларнинг мажбурий йўл билан эмас, балки ихтиёрий йўл билан чор ҳукумати тобелигига ўтганлиги ва бу ҳақда Катта, Кичик жуз Айиртиш дарёсидан то Қўқон чегарасигача бўлган ерларда яшайдиган аҳолининг ҳаммаси гувоҳлик бериши мумкинлиги айтилган³⁵.

³³ Б е к м а х а н о в Е. Б. Присоединение Казахстана к России. -М.: Из-во АН СССР, 1957, С. 132-133.

³⁴ Омск Вилюят Давлат Архиви, 3-фонд, 425-иш, 16-б.

³⁵ Ўша жойда, 15-б.

Шунингдек, қозоқларнинг ўзлари ёрдам сўраб мурожаат қилганликлари туфайли чор ҳукумати томонидан уларнинг ораларидаги жанжал, урушларни бартараф қилиш учун ва Ўрта Осиё савдогарларининг хавфсизлигини таъминлаш учун қўшин юборилганлиги ва Каркарали, Кўк отов бошқармаларининг ташкил қилинганлиги баён этилган³⁶.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган ҳужжатлар XIX асрнинг 20-йилларида Қўқон хонлиги ва чор Россияси сиёсий алоқаларида ҳар икки ўртадаги савдо масалалари кўтарилганлигидан далолат беради. Қўқон хонлиги ва чор ҳукумати манфаатларининг бир-бирига дуч келганлигини кўрамыз. Бу масала бундан кейинги йиллардаги Қўқон хонлиги ва чор Россия алоқаларида ҳам муҳим ўрин тутади.

Омск область бошлиғи Ғарбий Сибирь генерал-губернаторига 25 июн 1825 йилда юборган ахборотида Қўқон хонлиги билан ўзаро савдо алоқаларини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилганлигини хабар қилади: «Оренбург линияси орқали, - дейилади ахборотда, - Бухоро билан савдони кенгайтиришга қаратилган ҳамма ҳаракатларимиз хиваликларнинг ҳужумлари ҳамда Кичик жуздаги нотинчликлар натижасида деярлик йўққа чиқарилган бир вақтда қўқонликларнинг савдони ривожлантиришга мойиллиги бу ерда, яъни Сибирь линиясида, савдонинг гуллаб-яшнашига олиб келди».

Ахборотнинг охирида Омск маъмурияти Қўқон хонлиги орқали Бухоро ва бошқа Ўрта Осиё шаҳарлари билан савдо-сотикни ривожлантириш мумкинлигини уқтиради.

Бундай дейилади ахборотда: «Қўқон ва Бухоро хонликлари ўртасида дўстона муносабат савдони ривожлантиришга тўла имконият берди. Шунингдек, Омск область маъмурий Ғарбий Сибирь генерал-губернаторидан ўзаро иқтисодий алоқалар юзасидан фикр алмашиш ҳамда чор ҳукуматининг Қўқон хонлигига нисбатан дўстона муносабатда эканлигини маълум қилиш учун Қўқонга ўз вакилини юборишини илтимос қилади»³⁷.

³⁶ Омск Вилоят Давлат Архиви, 3-фонд, 425-иш, 17-б.

³⁷ ҚР МДА, 338-фонд, 621-иш, 45-46 б.

Чор ҳукумати Қўқон хонлиги ва умуман Ўрта Осиё билан Сибирь орқали савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида ва шунингдек, Қўқон хони Мадалихоннинг илтимосига биноан ҳарбий отряд билан махсус вакиллардан Тошкент ва Қўқонга юбориш тўғрисида Сибирь маъмурияти кўрсатма беради³⁸.

Тошкент қўшбегисининг хатларида, ҳамда С. Султонбековнинг оғзаки Сибирь маъмурияти олдида қўйган талаб ва илтимосларига чор ҳукуматининг муносабатлари Омск область бошлиғининг Тошкент қўшбегисига ёзган жавоб хатида баён қилинган эди.

Ҳатто, даставвал кўчманчиларнинг Россия тобелигида эканликлари таъкидланиб, улар орасида чор ҳукумати таъсирини кучайтириш ва шу йўл билан бу ерда давом этаётган ўзаро урушларни тугатишга интилишдан мақсад Қўқон хонлиги ва умуман Ўрта Осиё билан савдо-сотиқни кенгайтиришдан иборат эканлиги уқтириб ўтилган эди. Шунингдек, Сибирь маъмурияти карвон йўлларидаги мавжуд нотинчликларни тугатиш чорасини кўриш ниятида эканлигини хабар қилди³⁹.

Сибирь карвонларининг таланишига қарши чор ҳукумати 1800 йилдаёқ чора кўрган эди. Чор ҳукумати Семипалатинскда чегара суди ташкил қилиб, бунда таланган карвонлар масаласи кўчманчилар вакиллари иштирокида комендант раислигида кўрилади. Суд карвон таланишига айбдор кўчманчиларни рус давлатининг жиноий қонунлари асосида жазога тортар эди. Аммо шунга қарамай карвонларни талаш тўхтатилмаган эди.

Сибирь маъмурияти Қўқон элчиси С. Султонбековнинг илтимосига мувофиқ, 1825 йил июнда Омскдан Ғарбий Сибирь генерал-губернаторига рапорт юбориб, карвон йўлларида нотинчликларни бартараф қилиш чорасини қўллаш тадбирини маълум қилди⁴⁰.

Юқорида келтирилган ҳужжатлар шуни исботлайдики, ўзаро алоқалардан фақат Ўрта Осиё хонликларигина эмас, балки чор Россияси ҳам манфаатдор бўлган. Шунинг учун ҳам Россия савдо карвони

³⁸ Омск Вилоят Давлат Архиви, 3-фонд, 1-рўйхат, 425-иш, 20-б.

³⁹ Ўша жойда, 16-19-б.

⁴⁰ Ўша жойда, 12-14-б.

йўллариининг хавфсизлигини сақлаш учун ҳомийлик қилган.

Шундай қилиб, Сибирь маъмурияти Тошкент орқали Қўқон хонлиги билангина эмас, балки Бухоро хонлиги билан ҳам иқтисодий алоқаларни олиб боришга интилади. Бу Тошкентнинг Ўрта Осиё ва Россия муносабатларида муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатади.

Қўқон хонлигининг шимолий худудларини босиб олиниши арафаси ва жараёнида чор Россияси дипломатиясининг ҳақиқий ниятларини ўрганиш имкониятлари 1951-1990 йилларда, яъни совет даврида анча чекланган эди. Бу йилларда фақат С.Соатов Шералихон (1842-1845) давридаги Қўқон-Россия дипломатик муносабатларига оид озгина маълумот беришга эришган. Ваҳоланки, бу даврда чор Россияси билан дўстлик ва савдо алоқаларини тиклаш ва давом эттиришга Қўқон томонидан фаол ҳаракатлар бўлган. У «Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув қўлланмаси» китобида шундай ёзади: «Хива хонлиги билан чор Россияси ўртасида тузилган шартнома бошқа ўзбек хонликларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Улар ҳам шу каби шартнома тузишга интила бошладилар. Чунончи, Қўқоннинг янги хони Шерали (1842-1845) 1844 йил 3 июлда Ниёз Муҳаммад Неъмат бошлиқ дипломатик элчиларни Семипалатинскка жўнатиб, уларнинг 1841-42 йилларда Россияга юборилган Муҳаммад Халил бошчилигидаги дипломатик элчилар бошлаган ишни давом эттиришларини билдириб, Қўқон хонлиги билан чор Россияси ўртасида шартнома тузилиши зарурлигини маълум қилган эдилар.

Шералихон рус подшоси номига ёзган ёрлиғида Муҳаммад Халилнинг Петербургда бўлган вақтида Қўқон хонлиги билан Россиянинг ўзаро дўстона муносабатларини ривожлантириш борасида кўрсатган хизматларига юксак баҳо бериб, «бундай муносабатлар бизлар учун жуда ҳам маъқул ва истак-хоҳишимизга мос бўлиб, бирдан-бир оқилона ва халқлар учун фойдалидир» деб таъкидлади ва шу сиёсатни давом эттиражagini билдирди.

Омск генерал-губернаторлигидан Шералихон номига ёзилган жавоб мактубида ҳар иккала мамлакат ўзаро муносабатларининг борган сайин яхшиланиб бораётганлиги кўрсатилган, бундан сўнг ҳам ҳар иккала давлат ўртасидаги иқтисодий ва дипломатик муносабатларни

янада ривожлантиришга даъват этилган»⁴¹.

Юқоридаги парчадан С.Соатов Қўқон элчилари ташрифи ҳақида қисқа ахборот берганлиги кўриниб турибди. Унинг фикрича, Қўқон элчилари Семипалатинскка 3 июлда жўнатилган. Аслида эса (архив маълумотларига қараганда) улар Семипалатинскка 3 июлда етиб келишган. Демак, Шералихон ҳокимиятга келгач, дарҳол Россияга ўз элчиларини юборган. Омск генерал-губернатори номига юборган мактубида у чор Россияси ва Қўқон муносабатлари азалдан мавжудлигини, Россияга охирги марта борган Эшон Соҳибзоданинг элчилигига муносиб баҳо бериб, ўзи юбораётган Ниёз Муҳаммад элчининг расмий мақсадини ёзган ва дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ниятини баён этган.⁴² 1844 йил 17 июлда эса Омск генерал-губернатори княз Горчаков Санкт-Петербургга - граф Иван Илларионович Воронцов-Дашковга юборган хабарида қўқонлик элчи хоннинг унинг номига ёзилган хати билан Семипалатинскка 3 июлда етиб келганлигини баён этади⁴³.

Генерал Горчаков ҳам жавобида Шералихоннинг дўстликни мустаҳкамлашга интилишини юқори баҳолаб, тўла қўллаб-қувватлаётганлигини ёзган⁴⁴.

Архив ҳужжатларига қараганда, элчи Ниёз Муҳаммаднинг генерал Горчаков хузурига ташрифининг асосий мақсади, даставвал Россия императорига Қўқон хонининг ҳурмат-эҳтиромини билдириб, дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш ва ундан сўнг рус императорига муносиб совғалар ортилган махсус карвон юбориш эди. Лекин Қўқон хонида бундай имконият йўқлиги туфайли савдо карвонини юбориш вақтинчалик кечиктирилган. Ниёз Муҳаммад олиб келган қиймати 500 кумуш рублга тенг бўлган совғаларни эса генерал-губернатор қабул қилиб олиб, уларга мос жавоб совғалар қилган. Сўнгра қўқонлик элчи Семипалатинск орқали биринчи карвон билан ўз ватанига кузатиб қўйилади⁴⁵.

⁴¹ Архив министерства иностранных дел России, там же. ЛЛ.2-2 об; Яна қар.: И ш қ у в а т о в В. Т. XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари, 62-б.

⁴² И ш қ у в а т о в В. Т.: XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари, 62 ва кейинги б.

⁴³ Архив Министерства иностранных дел России, ф. Главный архив, 1-6, 1844, д-1. ЛЛ.7-9.

⁴⁴ Там же. ЛЛ. 10-10 об.

⁴⁵ Там же. ЛЛ. 6-6 об.

Ниёз Муҳаммад элчилигининг тарихий аҳамияти жуда катталигини олимлар ҳам тан олишган. Маълумки, 1841 йили Муҳаммад Алихон Россияга Миён Халил Эшон Соҳибзодани элчи қилиб юборган эди. У Санкт-Петербургда яхши кутиб олиниб, деярли барча талаб ва илтимосларига ижобий жавоб олиб ватанига қайтаётганда, Бухоро амири Қўқонни босиб олади. Бундан хабар топган Эшон Соҳибзода қўрқиб, Семипалатинск шаҳрида қолиб кетган эди. Шу муносабат билан деярли барча тарихчилар Соҳибзоданинг Россияга ташрифи натижасиз қолди, деб ёзиб келишган. Ваҳоланки, Шералихоннинг хатига кўра, Эшон Соҳибзода Қўқонда тинчлик ўрнатилгандан кейин ўз ватанига қайтиб келиб, Россия императори бериб юборган совғаларни ва хатни Шералихонга топширади.

1847 йил 28 ноябрда Қўқон хонлигининг Мулла Абдулла муфти бошчилигида дипломатик вакиллари ёрлиқ билан Омскга жўнаб кетадилар. Вакиллар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни давом эттириш асосида савдо карвонларини ривожлантириш истагини билдирганлиги, савдо карвонларининг йўллардаги дахлсизлигини таъминлаш учун қароқчиларга қарши кураш чораларини кўриш зарурлигини, чегараларнинг ҳар иккала томондан бузилишига йўл қўймаслик, шу билан бирга чор Россияси Сирдарёнинг қуйи оқимида кўрғонлар қуришни тўхтатишини илтимос қилганлигини қисқа таъкидлаб ўтган. Мулла Абдулла бошлиқ элчиларнинг асосий мақсади ва улар олиб борган хатларда Қўқон хонлиги билан Россия ўртасидаги чегара масалаларини ҳал этишга қаратилгани ва бу ҳақда XIX асрнинг 50-йилларида Хива хонлиги билан чор Россияси ўртасида ҳам кенг музокаралар бошланганлиги, аммо княз Горчаковнинг Мусулмонқул номига ҳамда рус подшосининг Худоёрхон номига ёзган ёрлиқларида Сирдарёнинг қуйи оқимида Раим кўргони Қўқон хонлигига қарши бирор ёмон ният билан эмас, балки Россия фуқаролигидаги қозоқларни ҳимоя қилиш, Сирдарёнинг қуйи оқимларида тинчликни сақлаш, савдо карвонларини қароқчилардан қўриқлаш мақсадида қурилганлигини баён этган. Ҳақиқатда эса, бу кўрғонни қуришда подшонинг келажақда Ўрта Осиёнинг ичкарасига ҳарбий юриш уюштириши учун муҳим қалъа бўлиши кўзда тутилганлигига эътиборни қаратишимиз лозим.

Бирок, В Ишқуватов аниқлашича, элчининг исми хужжатларда «Мулла Абдулла» эмас, «Муфти Абдулла Мулла Ашуров» («Муфти Абдулла Мулла Ашур ўғли») шаклида учрайди. «Мулла» сўзи Абдуллага эмас, унинг отаси Ашурга тегишли экан⁴⁶.

Собиқ совет даврида Қўқон хонлиги тарихи билан махсус тадқиқот ишларини олиб борган тарихчилар⁴⁷ ҳам ўз асарларида Муфти Абдулла Мулла Ашуровнинг Омскга ташрифи ҳақида ҳеч нарса ёзмаганларини В. Ишқуватов исботлаб берган⁴⁸.

Юлдошбой Мирзажонов элчилиги ҳақида Р.Н.Набиевнинг «Қўқон хонлиги тарихидан» номли монографиясида Қўқон хони Худоёр, Россия империясининг тажовузкор сиёсати кучайиб боришини, муносабатни яхши томонга ўзгартириш мақсадида қилаётган хатти-ҳаракатлари беҳуда бўлиб, ижобий натижа бермаслиги аниқ эканлигини билганлигини баён этган. Шундай бўлса-да, Худоёрхон 1853 йили ўз элчисини ёрлиқ ва совғалар билан Россияга юборганлигини ва улар июль ойининг бошларида Омск шаҳрига етиб келганлигини ёзади. Шунингдек, уларнинг асосий мақсади - Россия билан дўстлик алоқаларини тиклаш ва Қўқон хонлигида зулм ўтказган қипчоқлар жазоланганлиги ва хонликда тинч-тотувлик ўрнатилганлиги ҳақида маълумот бериш эканлигини таъкидлайди. Р. Н. Набиев ўз монографиясида Фарбий Сибир генерал-губернатори билан бўлиб ўтган норасмий суҳбат давомида Қўқон элчиси Россия императорига Сирдарё бўйларида жойлашган Қўқон қалъаларига босқинчилар томонидан хужумлар уюштирилганлиги ҳақида арз қилиш ҳам топширилганлигини баён этган. Шунинг учун Россия императори Фарбий Сибир генерал-

⁴⁶ И ш қ у в а т о в В. Т. Кўрсатилган асар, 68-б.

⁴⁷ Масалан, Н а б и е в Р. Н. Из истории Кокандского ханства. -Т.: 1973; Б о б е к о в Х. Н. Историческая литература о Кокандском ханстве. Дисс. канд.ист.наук. -Т.: 1977; Ф а ф ф о р о в Ф. XIX асрнинг биринчи ярми ва 60-70-йиллардаги Россия билан Қўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар. Тарих фан.номзоди дисс. -Т.: 1970; М а х к а м о в А. Роль города Коканда в развитии экономических связей Средней Азии с Россией и с сопредельными странами в XIX начале XX века. Тарих фан. номзоди дисс. -Т.: 1988; Х а л ф и н Н. А. Россия и ханства Средней Азии. -М.: 1974; Т р о и ц к а я М. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. -М.: 1969; ва бошқалар.

⁴⁸ И ш қ у в а т о в В. Т. Кўрсатилган асар, 68-б.

губернаторига қўқонликлар илтимосини рад этиб, Россиянинг манфаатини кўзлаган ҳолда элчиларни Омскдан нарига юбормасдан хон ёрлигини олиб қолиб, аммо совғаларни олмасдан, ватанларига қайтариб юборишни тавсия этганлиги ва хон ёрлиги жавобсиз қолдирилганлиги таъкидланган⁴⁹.

Архив маълумотларига қараганда, Мирзажонов авваллари карвонбоши сифатида Россияда бир неча марта бўлган. Бу сафар эса у Қўқон хонининг расмий элчиси сифатида келиб, Россия императорига хат, 5 та зотли от ва бир неча тўп матолардан иборат совғалар олиб келганди⁵⁰.

Р. Н. Набиевнинг хулосаларини архив ҳужжатлари ҳам тасдиқлаганини мутахассислар ҳам тан олишмоқда⁵¹. Манбалардан бирида кўрсатилишича, Мирзажонов Омскга келганда норасмий йигилишда очиқдан-очиқ ўз фикрини баён қилади. Унга қараганда элчининг келишидан асосий мақсад Оренбург ҳокимининг хатти-ҳаракатидан норозилигини билдириб, агарда бундан рус императорининг хабари бўлмаса ва унга ногўри хабар етказилган бўлса, Россия императорини огоҳлантириб, Қўқон хони номидан бу келишмовчиликни бартараф этишни сўрайди⁵². Аммо, Юлдошбой Мирзажонов бошчилигидаги элчилик ҳам муваффақиятсизлик билан тугалланди. Бунинг асосий сабаби рус генераллари Қўқон хонлигига, аниқроғи, Оқмачитга ҳарбий юришга жадал ва маҳфий тайёргарлик кўришаётгани эди.

Мирзажоновнинг Санкт-Петербургга сафари эса бунга тўсқинлик қилиши аниқ эди. Шунинг учун рус генераллари Қўқон хонлигининг элчиларини чегарадан ўтказмасликка ҳаракат қилдилар ва ўз мақсадларига эришиб, Қўқонликларни орқаларига қайтариб юборишди. Натижада 1853 йилнинг июль ойида дипломатия қоидаларини поймол қилган Россия генералларидан Перовский катта куч билан Сирдарё соҳиллари сари силжиб борди ва Оқмачитни бир ойга яқин қамал

⁴⁹ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. -Т.: 1973, 49-50-б.

⁵⁰ ЎзР МДА. И-715-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 262-б. Яна қар.: Ишқуватов В. Т. XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари, 67-б.

⁵¹ Ишқуватов В. Т. Кўрсатилган асар, 83-б.

⁵² ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 262-б; Набиев Р.Н. Ўша асар. 49-50-б.

қилиб, бир неча кунлик шиддатли ва шафқатсиз ҳужумлардан кейин, қалъани босиб олди.

Қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамасдан, кучлар тенг бўлмаганлиги сабабли қўқонликлар енгилдилар. Р. Н. Набиев ва Ҳ. Н. Бобобековлар ўзларининг монографияларида бу ҳақда қисқа маълумотлар беришган⁵³. Бироқ чор қўшинлари Оқмачитни босиб олаётганда қўқонлик ватанпарварларни шафқатсиз равишда қириб ташлаганликларини совет даврида очиқ-ойдин ёзиш мумкин эмас эди. Ваҳоланки, бу ҳақда кўплаб архив ҳужжатлари мавжуд ва маҳаллий тарихчилардан Аваз Муҳаммад Аттор ҳам кенг маълумотларни берган⁵⁴.

Масалан, генерал-майор Падуровнинг расмий маълумотига қараганда, 1853 йил 29 июль куни Оқмачит жангида 300 нафар қўқонликдан 212 (эркаклардан 206 та, аёллардан 4 та ва кичик болалар 2) таси ҳалок бўлган. 52 қўқонлик (35 та эркак, 7 нафар аёл, 10 нафар кичик болалар) ярадор бўлган.

Чор ҳукумати томонидан эса 25 киши ҳалок бўлган, 40 таси лазаретга тушган, (17 таси оғир жароҳатланган), 32 таси даволаниб чиққан⁵⁵.

Искандар Батиришқиннинг ёзишича қўқонликлар қамал кунларида ҳам, чор ҳукумати қўшинлари ҳужуми вақтида содир бўлган даҳшатли портлашлардан кейин ҳам руҳий тушкунликка тушмай мардонавор жанг қилдилар⁵⁶. Фарбий Сибирь генерал-губернаторига 1853 йил 3 август куни Оқмачитдан юборилган хабарномада ёзилишича, қалъа 28 июль куни забт этилган. Унда тирик қолган қўқонликларнинг ҳақиқатдан ҳам мардонавор жанг қилганликлари айтилади⁵⁷.

⁵³ На б и е в Р. Н. Ўша асар. 49-50 б; Б а б а б е к о в Х. Н. Народные движения.... 38-б.

⁵⁴ Қар.:// Шарқ юлдузи, 1991, № 8. 64-72-б.

⁵⁵ ЎзР МДА. И-715-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 297-298 б; Яна қар.: А в а з М у ҳ а м м а д А т т о р Ҳ ў қ а н д и й. Тарихи жаҳоннамои // Шарқ юлдузи, 1991, № 8. 64-72-б.

⁵⁶ Россия Марказий Давлат Тарих Архиви (Россия МДТА), 1021-фонд, 1-рўйхат, ед.хр. 102, 81-б.

⁵⁷ Россия Марказий Давлат Тарих Архиви (Россия МДТА), 853-фонд, 2-рўйхат, 57-иш, 2-б.

Чор Россияси қўшинлари Оқмачитни босиб олгандан сўнг Қўқон хонлигига нисбатан очиқдан-очиқ зўравонлик сиёсатига ўтиб олди ва ўз дипломатиясини ҳам шунга мослаб олиб борди.

Ҳ. Н. Бобобеков қайд этган маълумотларга қараганда, 1858 йил баҳорида Қўқон хони Хива хонига элчи юбориб чор ҳукуматининг босқинчилик ҳаракатларига қарши ҳарбий ёрдам сўраган. Аммо Хива хони унга қатъий рад жавобини берган⁵⁸.

Чор ҳукумати Қўқон хонлиги билан расман дўстона алоқада эканлигини сўзда тан олса ҳам, амалда маҳаллий халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларининг ўрнатилишига қарши эди. Бунга яққол мисол қилиб Сибир корпусининг генерал-инфантерий Г.Госфорднинг 1856 йил 12 октябрда ёзган хатини келтиришимиз мумкин: «... биринчи навбатда Олойорти ўлкасидаги қозоқларни бўйсундириб, ёввойи, тошбағир қирғизларни ўзимизга боғлаб, уларнинг қўқонликларга бўлган қаршилигини қўллаб-қувватлашимиз керак»⁵⁹.

Россия империяси ҳукуматининг полковник Игнатъев бошчилигида Бухорога юборган элчиликка топширган йўриқномаларида ҳам чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларига нисбатан асл муносабати моҳиятини кўришимиз мумкин. Унда таъкидланишича, агарда Бухоро амири чор ҳукуматидан Қўқонга қарши курашда ёрдам сўраса, Игнатъев жавобдан ўзини олиб қочиши керак. Чунки Амир Қўқонни босиб олса, Россия чегараси атрофида Бухоро амирлиги кучли ва хавфли давлатга айланиб қолиши мумкин⁶⁰.

Ҳ. Н. Бобобековнинг монографиясидаги далиллардан рус генераллари ўзларининг ўта реакцион хатти-ҳаракатлари билан Қўқон хонлигига зимдан зиён келтириб, ички сиёсий вазиятини ёмонлаштиришга интилганликлари кўриниб туради.

Дарҳақиқат, Россия империяси ўзининг ташқи сиёсатида турли йўллар билан Ўрта Осиё хонликларидаги миллатлараро ва қабилалараро урушларни қўзғашга, қўллаб-қувватлашга, ҳатто Россия фуқаролари бўлмиш ўртаосиёликлар орасида ҳам низо келтириб чиқаришга ҳаракат қиларди.

⁵⁸ Б а б а б е к о в Ҳ. Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки». 33-б.

⁵⁹ ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-руйхат, 17-иш, 225-б.

⁶⁰ ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-руйхат, 19-иш, 186-б.

Бу хулосаларнинг тўғрилигини архив ҳужжатлари тўла тасдиқламоқда. Масалан, Сибир округининг командири Г. Госфорднинг Олатов округи бошлиғига ёзган хатида: «Биз атабанлар ва сарибағишларнинг бир-бирига қилган қароқчилик (қўй, отларни ўғирлаш)дан келиб чиққан можароларидан фойдаланиб, сўнгги кучли зарбани беришимиз керак. Бунинг учун қўқонликларни ҳам ва қирғиз (қозоқ) қабилаларини ҳам ёмон кўрадиган ва уларнинг чорва молларига қароқчилик юришларини уюштириб турган машҳур Суранчининг хизматидан фойдаланиш керак. Охирида эса Суранчини Умбет-Алига қарши қилиб қўйиш керак»⁶¹, дейилади.

Ҳ. Н. Бобобековнинг юқорида номи келтирилган монографиясида 1858 йили Қўқон хонлигида бир неча йирик кўзғолонлар бўлганлиги баён этилган. Айниқса, қозоқлар кўзғолони Қўқон-Россия муносабатига ҳам салбий таъсир этганлиги ёритилган. Чунки, қозоқлар Қўқон хонидан норози бўлиб чор ҳукумати тасарруфига ўтиб кетмоқчи бўлдилар, кўпчилиги ўтиб ҳам кетишди. Шу муносабат билан чегарадош чор маъмурияти номига Тошкент ва Туркистон ҳокимлари хатлар юбориб туришди. Бу хатларда чор маъмуриятдан Қўқон хонлигининг ички ишларига аралашмасликни, қозоқларнинг чор Россияси тасарруфидаги ерларга ўтиб кетишига йўл қўймаслик ва ўтиб кетганларини Қўқон хонлигига қайтариш сўралган эди. Аммо чор маъмурияти турли баҳоналар билан бунинг аксини қиларди⁶².

Россия империяси Қўқон хонлигининг ҳудудларини босиб олиш олдидан унинг табиий бойликларини билиб олиш мақсадида ўз олимларини жалб қилди. Масалан, «Н. А. Северцов» номли ҳужжатлар тўпламида рус олими Н. А. Северцовнинг Туркистон беклиги табиатини илмий ўрганиш мақсадида келганлиги ва у қўқонликлардан рухсат олмасдан 8 та рус казаки билан Қўқон хонлиги чегарасидан ўтгани учун асирга олинганлиги ҳақида архив маълумотлари бор. Бу эса Россия-Қўқон чегарасида маълум даражада дипломатик муносабатларнинг бузилишига олиб келган. Шунингдек, мавзуйимизга оид бошқа қиммат-

⁶¹ ЎЗР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 292-б.

⁶² Кўзғолонлар ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун. Х.Н. Бобобековнинг «Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки» номли китобига қаралсин.

ли маълумотлар ҳам ушбу китобда чоп этилган. Бу тўпламдаги ҳужжатларга қараганда қўқонликлар Н. А. Северцовнинг асирга олинганлиги ҳақида чор ҳукуматига хабар беришган. Чор Россияси қўмондони генерал-майор Данзас эса, дипломатик йўл билан мазкур масалани ҳал қилиш ўрнига, қурол ишлатиш билан дўқ-пўписа қилади. Ўз сўзларини исботлаш учун, у 1858 йил 10 май куни форт Перовский (собиқ Оқмачит қалъаси)дан 300 та қуролланган отлик аскар ва икки тўп билан Қўқон хонлигига қарашли Жўлак қалъа томон юриш қилади. Шу пайтда Туркистон беги унга хат йўллаб, рус олими Н. А. Северцовни озод қилиши ҳақида хабар беради. Генерал-майор Данзас «ховуридан тушиб», форт Перовскийга қайтиб кетади, бир неча кундан кейин эса рус олими озод этилади⁶³.

Чор Россиясининг бу пайтдаги асл нияти - бир неча тоғ ёнбағридаги қалъаларни босиб олиш эди. Шу сабабли чор ҳукумати дўстлик ҳақидаги ҳужжатларга имзо чекишдан ўзини олиб қочар эди. Чунки, ҳукумат дўстлик ҳақида шартномага имзо чекса, бу шартнома генералларнинг босқинчилик хатти-ҳаракатига тўсқинлик қилиб қўйиши мумкин эди.

Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланаётган бир муҳим ҳужжатда, аниқроғи, 1859 йил 19 январда ёзилган махфий хатда (Сибир корпусининг бўлим командири ва Сибир генерал-губернаторининг «Записка»сида) ёзилишича, «Чу дарёсининг юқори қисмларини босиб олиш ва бунга олдиндан тайёргарлик кўриш» режаси Россия императори Николай I фармойишига биноан кўриб чиқилади. Муҳокамада ҳарбий ишлар вазири князь Долгоруков, граф Перовский ва инфантерий генерали Г. Госфорд иштирок этади. Улар бир овоздан Тўқмоқ, Пишпак, Авлиёота, Сузоқ, Туркистон ва унга қарашли бўлган атрофдаги ерларни қўшиб Сирдарёгача босиб олишга қарор қилишади. Катта обрўга эга, халқнинг ишончини оқлаган, пухта сиёсатчи Маллахоннинг тахт тепасига келганидан хавфсираган рус генераллари юқоридаги босқинни «узоғи билан бир йил ичида 1860 йилдан 1861 йилгача бажарилиши шарт»⁶⁴ деб кўрсатишади.

⁶³ Северцов Николай. Месяц плена у Какандцев. Отд. Отт. СПб.: Б.И. 1860. С. 27-28.

⁶⁴ ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-руйхат, 21-иш, 89-92-б.

Оренбург округи ва Ғарбий Сибир масаласига оид 1859 йил 24 январда бўлиб ўтган кенгашда «Записка» ҳам муҳокама қилинди. Унда Николай Сухозанет, князь Александр Горчаков, Николай Метмен, Александр Княжевич, Густав Госфорд, Александр Катенин, Барон Ливен, Егор Ковалевский ва Николай Игнатъевлар қатнашдилар. Бу кенгашда Россия императорининг ўзи ҳам иштирок этади ва Г.Госфорднинг «Записка»си маъқулланади.

Шундай қилиб, Чу дарёси ўлкасининг эгалланиши, агар кутилмаган тўсиқларга дуч келинмаса ва жуда катта харажат талаб қилинмаса, 1860 йилгача амалга ошиши керак, деб белгиланди⁶⁵.

Кўқон хонлигининг чор кўшинлари томонидан секин-аста босиб олиниш жараёнини ўзбекистонлик кўплаб тарихчи олимлар ўз тадқиқотларида ёритишган. Аммо Маллахон давридаги дипломатик алоқалар ҳақидаги тадқиқотлар жуда кам.

Р. Н. Набиев ва Ҳ. Н. Бобобековнинг монографияларида⁶⁶, В. Ишқуватовнинг диссертациясида Маллахон даврида Кўқон-Россия дипломатик муносабатлари ҳақида, жумладан, чор генераллари томонидан Кўқон хонлигига қарашли қалъа ва унинг атрофидаги ҳудудларнинг қурол билан босиб олиниши, Маллахон Россияга ўз элчиларини жўнатишга ҳаракат қилганлиги тўғрисида қисқа маълумотларни берадилар.

Ҳ. Н. Бобобеков ўз монографиясида айрим генераллар адолатли дипломатияни поймол этиб, ўта шафқатсизларча иш қилганликларини ёзади. Масалан, Густав Госфорд Сибир корпусининг кўмондони бўла туриб, 1860 йил 9 майда Иссиқкўлга ача бўлган Кўқон отрядларини тормор этиш, агарда Мурод-Али ва Чонғорач бошлиқ қабилалар кўқонликларнинг ёнини олса, бошқа қабилаларга ибрат бўлиши учун, уларни ҳам қириб ташлаш ҳақида барча отрядлар бошлиқларига йўриқнома берганлигини баён қилган⁶⁷.

Россия империяси ҳукумати ўзининг Кўқон хонлиги билан диплома-

⁶⁵ ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, - 101-103-б.

⁶⁶ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. -Т.:1973; Бобобеков Х. Н. Народные движения... -Т.: 1990.

⁶⁷ Бобобеков Х. Н. Народные движения... С. 38; ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 24-иш, 675-б.

тик муносабатларини кучлар нисбатига қараб ўрнатар эди. Масалан, 1862 йил 12 ноябрда Россия ҳарбий қўмондонии: «қўшни давлатларга хавф солган тақдирдагина, бу бизга қарши босқинчилик юриши; деб Қўқон хонлигидаги жонсараклик вазиятидан фойдаланиб қолишимиз керак»⁶⁸, - деб ёзган эди.

Қўқон хонлигининг чор Россияси билан дипломатик муносабатлари 1867 йилдан бошлаб асосан Тошкентда ҳал қилинадиган бўлди. Ўрта Осиё хонликлари билан ўзаро битимларга имзо чекиш ваколати Туркистон генерал-губернатори К. П. фон-Кауфманга берилган эди. Шунинг учун ҳам хонликлар Россия билан эмас, балки Туркистон генерал-губернаторлиги билан шартнома тузиш маъқул эди. Бу эса дипломатик ва маънавий нуқтаи назардан қаралса, мустақил давлатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситишдан бошқа нарса эмас эди.

Чор Россияси генераллари дипломатик муносабатларни поймол этиб, 1862 йил май ойида Қўқон хонлигига қарашли Оқсув, Пиштепа ва Чолдевор қалъаларини, 1863 йил май ойида эса Туркистон шаҳри томон қўшин суриб, 8 июнда Чўлоқ қўрғонини босиб олган. Маълумки, полковник Верёвкин генерал Черняевдан ёрдам олиб, Туркистон шаҳрини 1864 йил 12 июнида босиб олади.

Қўқон-Россия дипломатияси ҳақида сўз борганда, шуни ҳам эсда тутиш лозимки, кўп ҳолларда чегарада турган генераллар Санкт-Петербургдаги раҳбарларининг кўрсатмалари ва дипломатия тамоийилларини менсимасдан ўзбошимчалик қилар эдилар. Бунга Тошкент шаҳри босиб олиниб, чор Россияси расмий дипломатиясининг поймол қилиниши ёрқин мисол бўла олади.

Дипломатик ва ҳарбий тазйиқ остида қолган Қўқон хони чор давлати билан урушмаслик, тинчлик муносабатларини ўрнатиш, унинг барча талабларини бажаришни лозим топган ва ҳатто хонлик тахтига ўтиришда унга амалий ёрдам берган Бухоро амири Музаффарга империя қўшинларига қарши курашда ёрдам бермасликка қарор қилган. Р.Набиевнинг ёзишича, Худоёрхон Туркистон генерал-губер-

⁶⁸ А х м е д ж а н о в Г. Советская историография завоевания Туркестана и установления господства России в Средней Азии.: Дисс. д-ра ист. наук. -Т.: 1991. Яна қар.: А х м а д ж о н о в Г. А. Россия империяси Марказий Осиёда: -Т.: М.Ч. «Ta'lim manbai», 270-б.

натори К.П.Кауфман билан тузилган савдо битими ҳақида умумий фикр билдиради ва бу битим тахминан 1867 йилда имзоланган деб фараз қилади⁶⁹, аммо шу муносабат билан кечган дипломатик алоқалар жараёни ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган.

Ушбу битим ҳақида «Ўзбекистон ССР тарихи» номли китобда «Кауфман Қўқон хони Худоёр билан сулҳ тузиб, 1868 йилда Бухоро амирига қарши уруш ҳаракатларини давом эттирди»⁷⁰, дейилган, холос. Нима ҳақида, кимлар томонидан ва қачон сулҳ тузилганлиги номаълум бўлиб қолган. «История Коканда» номли китобда эса 1867 йил 14 ноябрда К. П. фон-Кауфман ўз элчиларини А. В. Шауфус бошчилигида Худоёрхон номига ёзилган хат билан Қўқонга юборди. Унинг асосий мақсади Тошкент-Қўқон карвон йўлларини, хонликнинг ички кайфиятини, унинг Россияга муносабатини аниқлаш, хонликдаги бойликларни ишлаб чиқариш масаласини ечиш ва рус савдогарларининг хонликда ва унинг шаҳарларида бемалол савдо қилишларини таъминлаш эди. 1868 йил 13 февралда Худоёрхон чор ҳукумати билан битимга имзо чекиши натижасида Россиядан товарларнинг келиши тезлашди⁷¹, дейилган.

Умуман олганда, тарихчилар собиқ совет даврида полковник Шауфус эчилиги ҳақида тўлиқ маълумот беришмаган. Чунки бу эчилик натижасида Россия империяси томонидан босиб олинган ерларнинг Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудига «тегишли» эканлиги расмийлаштирилиши лозим эди. Буни эса тарихчиларимиз очик ёза олмас эдилар. Бундай очик ёзиш фақат Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мумкин бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, Қўқон хонлигининг ноширлари XIX асрда ҳам Буюк Ипак йўлининг Россияга олиб борадиган йўналишлари бўйича Россиянинг турли шаҳарларида савдо ишларини олиб борганлар. Шу тижорат ишлари ҳар иккала томон учун фойдали бўлган. Қўқон хонларидан Олимхон ва Умархон

⁶⁹ Н а б и я в Р. Н. Ўша аср. 71-72-б.

⁷⁰ Ўзбекистон ССР тарихи. -Т.: 1974, 166-б.

⁷¹ История Коканда. -Т.: 1984, 19-20 б; Яна қар.: Б а б а б е к о в Х. Н. Народные движения... С. 40.

давридаги ҳудудий ўзгаришлар, яъни Тошкент ва Туркистоннинг босиб олиниши Қўқонни Дашти Қипчоқ бўйлаб чегарасининг шимол-ғарбга кенгайиши уни чор Россияси билан яқинлашишига олиб келди. Қозоқ хонлари ва султонларининг Россия ҳукуматининг ҳимоясига ўтишлари эса Россияни Ўрта Осиёга кириб келишига ҳам асосий сабаблардан бирига айланди.

Шундай қилиб, Қўқонни Россия империяси билан олиб борган тижорат алоқаларида биз элчилик муносабатларини ҳам кўришимиз мумкин. Айнан шу муносабатлар вақт ўтиши билан сиёсий ва кейинчалик ҳарбий мазмунга эга бўлди.

2.2. XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлигидаги сиёсий жараёнлар ва чор Россияси тажовузининг бошланиши

Оқ мечит урушларида мағлуб бўлган Қўқон амирлашкарлари хон саройи олдидаги майдонда халқ оммаси ҳузурида жазоланганда, хон ва унинг яқинлари қандай душманга дуч келганларини ҳали тасаввур қила олмас эдилар.

1853 йилнинг охирларида Худоёрхон Қосим мингбошини чор қўшинига қарши Оқ мечитга юборади ва унга яна Қурама, Тошкент, Туркистон қўшинларини ҳам беради. Қосим мингбоши Фарғонадан лашкар йиғиб 17 тўп ва бир неча юз пилта милтиқлар билан қуролланиб Тошкентга келади. Шу ерда Қурама ва Тошкент ҳокимлари Қосим мингбоши билан маслаҳат қилди ва юришни баҳорга қолдириб, яхшироқ тайёргарлик кўрмоқчи бўладилар. Аммо хон тез ва фақат Оқ мечитга юриш қилишни буюради. Хут ойида Қўқон лашкари фақатгина 17 та тўп ва замонавий қуроллар билан қуролланган чор қўшинига қарши чиқадилар. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий Мирзахожи Кўлобий тилидан қуйидаги воқеани китобида келтирган:

Оқ мечитга яқинлашиб қолган юриш куни Мирзо хожи ҳам бор кийими ва қуролларини олиб Қосим мингбоши ҳузурига келади. Саломдан кейин Мирзо чор қўшини томонга қўл силкиб, бақириб уларни узоқ жойдан кўрқитмоқчи бўлади ва: - Эй кофирлар, тезроқ

йўқ бўлинглар! Бўлмаса, ҳолларингиз ёмон бўлади. Мингбоши буни эшитиб ундан бу қилмишини сўраса: - Шундай аҳвол билан узоққа боролмаймиз: қор кўп, иссиқ кийимлар ва қуролларимиз йўқ. Музлаб кетаяпмиз. Шу ердангина уларга сиёсат қилишимиз қоляпти холос⁷², - дебди Мирзо.

Қўқон хонлигининг чоризм билан муносабати ёмонлашиб қолди. «Бунинг энг асосий сабаби чор ҳукуматининг Ўрта Осиё давлатларига нисбатан босқинчилик сиёсати эди. Натижада, Сирдарё пастликларида огир вазият юзага келади. 1853 йили чор қўшинлари Қўқон истеҳкоми Оқ мачитни босиб олади. Шу даврда Қўқон хонлиги шу қалъа кейинчалик Туркистон, Алма ота, Янгиқўрғон ва бошқа истеҳкомлар учун чор қўшини билан жанг олиб боради»⁷³.

Мусулмонқули мингбошилиқ ва вазирлик қилган даврида ҳамма хонзода ва тўраларни Худоёрхон атрофига, ҳатто яқинлашишга қўймай ҳар томонга уларни сургун қилиб бевосита тахтга даъвогарларни ўлдирган эди. Тахтга даъвогарлик қилувчилар орасида Рустамхон тўра - Маҳдуми Аъзам авлодларидан ҳам бўлиб унинг онаси Чучукойим бинти Норбўтахон ибни Абдурахмон бий ибни Абдулкарим бий эди⁷⁴. У Худоёрхонни йўқ қилиш учун бошқа гуруҳлар бошлиқлари билан тил бириктирди. Улар Андижон ҳоқими Сўфибек ўғлининг суннат тўйида Худоёрхонга суиқасдни амалга оширмакчи бўлдилар. Худоёрхонни пойтахтда йўқлигидан фойдаланиб Рустамхон тўра, Қосим мингбоши, Қамбарбек, Сўфибек тожик, Мирзо қаландар Хўжандий, Мирзо Мунаввар, мулла Муҳаммад Сафо, Муҳаммад Карим кўса, Бекмуҳаммад мирохур ва бошқалар кўзғолон кўтардилар. Аваз Муҳаммад Мирзо Мунавварга «ишнинг асосий ташкилотчиларидан»⁷⁵, - деб баҳо берди.

Худоёрхон Андижонда туриб Муҳаммад Ниёз мингбошини Қўқонга юборади. Исён бостирилиб, сўнг бошлиқларнинг баъзилари сургун

⁷² Тарихи жаҳоннамойи, II. 227^а.

⁷³ Қар.: П л о с к и х В. М. Кўрсатилган асари 45, 19; Яна қар.: Р о м а н о в с к и й Д. И., Заметки по среднеазиатскому вопросу. С приложениями и картою Туркестанского генерал-губернаторства. СПб, 1866. С. 24.

⁷⁴ Тарихи жаҳоннамойи, 239^а.

⁷⁵ Ўша жойда.

қилинади, баъзилари ўлдирилади. Рустамбек тўра аввал Қоратегин сўнг Кўлобга сургун қилинади. Тўра кейинчалик Кўлобдан Хисорга келиб, у ердан Бухорога бориб, амир хизматида уч йил қолади ва 1858 йили Маллахон замонида Қўқонга қайтади⁷⁶.

Худоёрхоннинг биринчи хонлик даври Шарқий Туркистондаги вазият ҳамда Қўқон ички ва ташқи вазиятига таъсир этарди.

Шундай қилиб, Қўқон хонлигининг оғир аҳволи ҳокимларнинг ўзаро урушлари, Урусияни босиб олиш сиёсати натижасида хонликнинг Шарқий Туркистонда фаол даҳолат қилиш олдини оларди. Бир вақтлар кучли бўлган бу давлат Шарқий Туркистон халқларининг хурриятига бўлган умид-орзуларини оқламади, уларга керак бўлган ёрдамини беролмади.

Худоёрхон замонида ашрофлар ва қабила задагонлари янги мансаб ва вазифаларга кўтарилди. 1852 йили Нор Муҳаммад Қўшбеги ўрнида Мирзо Аҳмад Тошкент ва Дашти қипчоқ вилоятига ҳоким бўлади. Лекин у зулм қўлини шаҳар ва теварак-атроф аҳолининг бошига чўзиб, саҳро аҳолисига ҳам зулм ва ситам қилади. Айниқса кўчманчиларга жабр этадики, бунинг тафсилоти ақл чегарасидан чиқади. У қўшпули ва кўкпули (солиқларини) талаб қилади, қозоқларни болаларини сотишга мажбур қилади. Натижада уруғ ва жамоалар маслаҳатлашиб ортиқча солиқларни бермай қўядилар⁷⁷.

Ҳижрий 1273 (милодий 1857) йилда қўзғолон Жанубий Қозоғистон ерларида бошланади. Кўчманчиларни босиб жазо бермоқчи бўлган Мирзо Аҳмад қўшини билан Авлиё ота қалъасида қамал қилинади. Чимкентга юборилган Мирзо Аҳмаднинг жияни Мирзобий сергили, кўнғирот ва бошқа қабилалар дасталари томонидан тутиб ўлдирилади. Бу воқеаларнинг тафсилоти Абу Убайдуллоҳнинг «Хулосат ул-аҳвол» асарида келтирилган (160а-167б вар.). Охири қозоқлар қўзғолони Худоёрхон юборган Маллабек ва Шодмон хўжа парвоначи бошчилигидаги қўшин томонидан бостирилади. Тошкентга қайтгунча Мирзо Аҳмад туҳмати билан Шодмон хўжа мингбошилиқдан олиниб, Ёрмозорга сургун этилади.

⁷⁶ Тарихи жаҳоннамои, 240^а.

⁷⁷ Тарихи жаҳоннамои, 242^{а,б}.

Аммо хоннинг акаси Маллахон унинг номзодлигига, ҳамда Дўст Муҳаммаднинг дастурхончи бўлишига қатъиян қарши эди, 1857 йили Муҳаммад Ниёз мингбоши ўлади. Унинг ўрнига Мирзо Аҳмад мингбошиликка кутарилади⁷⁸.

Шу орада Рустамбек юз Ўратепада Худоёрхонга қарши бош кутаради. Худоёрхон юборган кўшин Олма Барози дарёсида тўла тормор этилади. Бу кўшинга бошчилик қилган Фозилбек қорақалпоқ мингбоши Самарқандга қочади. Аммо Бухоро амири уни дорга осиб, Ўратепага ҳужум қилади. У шаҳарни фатҳ қилиб Рустамбек юзни ўлдиради ва Хўжандга яқин келади. Фарғона водийсида «амир қайта шаҳарни олади» деган овоза тарқалади.

1857 йили Бухоро амири босқинчилигига қарши бўлган халқ урушга шайланиб, Хўжанд ва Қўқон атрофларини мудофаа воситалари билан ўраб олишади. Лекин шу ташқи истилолар шароитида хонлик тахти учун Маллахон ўз курашини қайта бошлайди. Ўша замоннинг тарихчиси ёзади: «Худоёрхон даврида кўзғолон ўз ҳадига етди, Хўқонди латиф салтанати ва амирлигида бузғунчиликлар пайдо бўлди. Амирлар ва вузаро ҳукуматда умуман ўз ишлари билан машғул бўлмасдилар. Натижада кўтарилган исёнлар оқибатида давлат ишлари инқирозга дуч келди, тинчлик ва роҳат қуши-Анқога ўхшаб номаълум томонга учиб кетди. Жаҳолат ва бўйсинмаслик натижасида раъият ва аҳолининг шараф эшикларига ёпишди. Ҳаёт қийинчиликларидан ўлка ва аҳоли ўртасида қаҳру ғазаб олови ёнди. Болалигидан Худоёрхон давлат туғини разиллар қўлига бериб унинг оқибатларини билмасди»⁷⁹.

Амир Насрулло қўлидан Хўжандни қутқариш учун, ҳамда акаси хон бўлишни мақсад қилиб қўйиб Маллахон исён кўтарди. Худоёрхон уни тутиб олиб ўлдирмоқчи бўлганида Маллахон Кулжага қочиб, Алимбек ибни Ҳасан бий ибни Шоҳ Мирзо бий қирғиз (Алимкули) олдига келади. Бу ерда қирғиз жамоаларининг раҳбарлари Сайидбек додхоҳ, Пўлат додхоҳ, Чўтал, мулла Мурод, Куйчи бий ва бошқалардан мадад олиб, Қорасувга келади. Кейин Андижонга келади ва катта кўшин жамлаб,

⁷⁸ Тарихи жаҳоннамои, 245⁴, Амирлашкар жангномаси, 65⁴⁻⁵; Хулосат ул-аҳвол, 83.

⁷⁹ Тарихи жаҳоннамои, 246⁴⁻⁵.

Маллахон Риштоннинг жануб томонида жойлашган Хўжа Илғор мавзесида қўш уради. Бу орада амир Насрулло бирдан Хўжанд қамалини тўхтатиб, Бухорога қайтади. Худоёрхон Маллахонга зарба бериш учун Қашгар қишлоққа яқин бир жойга қўнди. 1275 йили Раби ул-аввал ойининг 16 куни (милодий 1858 йили 25 октябрда) ака-ука ўртасида жанг бўлиб, Худоёрхон қўшини тор-мор бўлади. Худоёрхон кам аскар билан Қўқонга қочиб келиб арқда яширинади. Мирзо Аҳмад ўз қўшини билан Бухорога кетади. Маллахон келиб Қўқонни қамал қилади. қуршовнинг 21-кунида Худоёрхон сулҳ қилмоқчи бўлиб, Маллахон олдида эшон Шайх ул-ислом Сулаймон хўжани, Эркабий додхоҳ юз, Қаноатшоҳни юборади. Лекин уларнинг кетларидан Андижон ҳокими Сўфибек, Марғилон ҳокими Шоҳ Муродбек, Қосим мингбоши, Шодмон хўжа додхоҳ, Яқуббек понсадбоши, Юлчибек понсад, Муҳаммад Назар парвоначи Тўрақўрғон ва Наманган қўшини билан чиқиб Маллахонга қўшиладилар. Буни эшитиб Худоёрхон укаси Султон Муродбек билан қочиб Хўжандга, кейин Бухорога кетади.

Раби ус-соний ойининг 6-куни, жума эрталаб (милодий 1858 йил 13 ноябрь) Маллахон Қўқонга кириб тахтга ўтиради⁸⁰. Кўп вақт ўтмасдан Маллахон ҳам Ўратепа ва Жиззахга юриш қилади. 1859 йили баҳорида амир Насрулло Ўратепа ва Жиззахни босиб олди, Хўжандга яқинлашиб, Нов қалъасига Қаноатшоҳни ҳоким этиб тайинлайди. Лекин Қаноатшоҳ кейинроқ Қўқон ҳукуматини тан олиб ўзи пойтахтга келади. Маллахон қаноатшоҳни амир-лашкар этиб, қаротегинга Худоёрхон ва Султон Муродбекка қарши юборади. У Фарм қалъасини муҳофаза қилиб, Худоёрхонни у ердан кетишга мажбур қилади. Худоёрхон Жиззахга келади. Шунда Маллахон ҳижрий 1276 йили ражаб ойида (1860 йил 24 январида) Жиззахга қарши Саримсоқ курама билан Душабой понсадни юборади. Мирза Работ мавзеида Худоёрхон билан жанг бўлади. Худоёрхон қўшини мағлуб бўлиб, 76 киши асирликка олинади. Асирлар пойтахтга олиб келиниб, қатл этилди⁸¹.

Шу йили Хитой давлатига Абдулфаттоҳ Маҳдум элчи қилиб юборилади. Лекин уни Ёрканд ҳокими 27 нафар ҳамроҳлари билан ўлдиради.

⁸⁰ Тарихи жаҳоннамойи, 252-а.

⁸¹ Тарихи жаҳоннамойи, 254-.

Иккинчи марта юборилган Маҳдум Конибодомий бошчилигидаги элчилар ҳам Қошғардан қайтариб юборилади.

Ҳижрий 1276 йили рамазон ойида (1860 йили 23 мартда) Маллахон яна қўшин бошлиқлари: Ўтаббой Қўшбеги-қипчоқ, Сайидбек додхоҳ қирғиз (Хўжанд ҳоқими), Нов ҳоқими мулло Қосим қирғиз, Овлиқ ҳоқими Муҳаммад Амин Мирзо, Ирисали понсад ва Душабой понсадларга Ўратепа вилоятини босиб олишга буюради. Қоратепа яқинидаги Айлонлик мавзеида Ўратепа лашкари Бозорбой Тўқсабо бошчилигида уларга ҳужум қилиб қаттиқ зарба беради. Сайидбек додхоҳ ва Ирисали понсадлар асирликка тушадилар, қолганлар қочиб Хўжандга келишади.

Бу воқеани эшитган Маллахон Ўшдан Хўжандга келиб қўнади. Маллахон ҳукмронлиги даврида чор қўшинига қарши бир неча юришлар ташкил этади. Ҳижрий 1277 йили муҳаррам ойида (милодий 1860 июль-август) Маллахон Тошкентга келиб унинг ҳоқими Қозоқбой оқсоқолни, Қурама ҳоқими Нор Муҳаммад қўшбеги билан бирга чор қўшинларига қарши Тўқмоқ қалъасига юборади. Қўқон қўшини Қаноатшоҳ бошчилигида ва Андижон сипоҳи Олимбек додхоҳ бошчилигида бу юришда иштирок этадилар. Лекин чор қўшини билан жанг қилаётган вақтда бошлиқлар ўртасида низо чиқиб, Қўқон сипоҳларидан бошқа қўшин Тошкентга қайтиб келади. Тўқмоқ қалъаси яқинида Қаноатшоҳ ҳам мағлуб бўлади.

Амир Насрулло ўлимидан сўнг (1277 ҳижрий йили раби ул-аввал ойида, милодий 1860 йили) Абдулғафур Нов қалъасидан Ўратепага ҳужум қилиб уни олади. Лекин мустақилликка даъво қилган бу ҳоқим ҳам, амир ҳам Маллахон қаршилигига дуч келадилар. Амир Музаффар (1860 йил) Маллахонга қарши Иброҳим Хаёл манғитни юборади. Маллахон эса Марғилон ва Ёрмозор ҳоқими Алимқули эшиқоғасини сафарбар этади. Бу орада Абдулғаффорбек юз Иброҳим Хаёл билан тил бириктириб Бухоро қўшинини шаҳарга киргизди. Лекин Алимқули уларни чиқиб кетишга мажбур қилиб, 560 нафар Бухоро лашкарини асир олди⁸². Амир ғазабланиб Иброҳим Хаёлни Шерободга ва Абдулғаффорбекни Чоржўйга сургун этиб, Ўратепага Баротбекни ҳоқим қилиб юборади. Буни эшитиб Маллахон шаҳарга қайтиб, 80 кун

⁸² Тарихи жаҳоннамойи, 239⁶.

уни муҳосира қилганида, халқ тазйиқи остида Баротбек мажбур бўлиб, Қўқон итоатига киради⁸³. Шу орада Шаҳрисабз беклари қўзғолон кўтариб, ҳукуматларини қайта тиклаш учун Маллахондан мадад сўрайдилар. Маллахон амир диққатини ўзига тортмоқчи бўлиб, Жиззах ва Самарқанд вилоятига ҳужум қилади. Буни эшитиб амир Музаффар Шаҳрисабз юришини қолдиради, Самарқандга келади ва у ердан Янгиқўрғонга келиб қўнади. Маллахон амир олдига Бобоҳўжа шайх ул-исломни элчи қилиб юборади. Музокаралардан сўнг амир Музаффар ва Маллахон ўрталарида сулҳ тузилиб, икки давлат чегараси аниқланади. Қўқоннинг ғарбий чегараси Қозоқ-булоқ мавзесидан ўтадиган бўлади. Маллахон бу шартни Хўжандга келиб қабул қилди ва шартномага муҳрини босади.

Ҳижрий 1277 (милодий 1862) йили Қаноатшоҳ Авлиё ота ва Пишпақка юриш қилиб, аҳолидан катта закот олгач, Тошкентга қайтади ва Маллахон буйруғи билан Жўлак атрофида чор қўшинига қарши юриш қилади. Лекин у Жўлак яқинидаги жангда мағлуб бўлгандан сўнг Тошкентга қайтади.

Қаноатшоҳ бу мағлубиятдан кейин, Маллахондан уни Тошкент ҳокимлигидан олинишини талаб қилади, лекин Маллахон Қаноатшоҳни Чордаррага келган Худоёрхонга қарши жўнатади. Қаноатшоҳ Худоёрхонни тақиб қилиб, Ём, Зомин ва Ўратепага келди, кейин Қўқонга ўтиб, яна Тошкентга қайтади.

Шу ўртада Ўратепа ҳокими Баротбек исён кўтаради. Аммо Ўратепа халқи унга қарши чиқиб уни ўз яқинлари билан Бухоро амирлигига тобе бўлган Мастчоҳга чиқиб кетишига мажбур қилишади. Маллахон Ўратепа мулкини Душабой додхоҳга беради.

Ҳижрий 1278 йили хут ойининг 6-куни (1862 йил 25 февраль)да Маллабек суиқасд натижасида ўлдирилади. Манбалар маълумотига қараганда, суиқасд раҳбарлари Олимбий парвоначи, Хидирбий эшикоғаси, Шодмон хўжа парвоначи, Худойназар додхоҳ, Дўст Меҳтар, Муҳаммад Иброҳим мирзабоши Косоний бўлган эканлар⁸⁴.

Суиқасдчилар Шоҳмуродхон ибни Абдурахмонбекни тахтига кўта-

⁸³ Тарихи жаҳоннамои, 258* 262*

⁸⁴ Тарихи жаҳоннамои, 269*

радилар. Унинг даврида хўжалик ва иқтимоий ҳаёт кескин оғирлашиб кетади, қимматчилик бошланади. Бир ботмон буғдой уни 12 танга, гуруч 121 танга, уч нимхўрда маккажўхори 1 танга, думба ёғи ярим тилло туради⁸⁵.

Маллахон ўлимини эшитиб Қаноатшоҳ оталиқ қаттиқ норозилик билан Жиззаҳда турган Худоёрхонга мактуб йўллаб, унга мадад беришга ваъда беради. Худоёрхон 1862 йили март ойида Тошкентга келади ва Туркистондан келган Қаноатшоҳ ёрдамида қўшин йиғиб, Қўқонга қарши юришга ҳозир бўлади. Тошкент аҳолиси ҳам Худоёрхонга мадад бермоққа ваъда берадилар. Тошкент руҳонийларидан мулло Солиҳбек Охунд Маллахон қотилларини ўлдиришга фатво берган эди⁸⁶.

Шоҳмуродхон ҳам Худоёрхон қаршилигини йўқ қилмоқ учун Тошкентга келиб, уни қамалга олади. Худоёрхон ёрдам сўраб, амир Музаффар олдига Мирзо Аҳмад парвоначини юборади. Амир рози бўлиб, Ўратепага ҳужум қилади. Бу воқеани эшитиб Шоҳмуродхон ва Фарғона амирлари қамалдан воз кечиб, Қўқонга қайтмоқчи бўладилар. Ҳижрий 1278 йили 14 зу-л-қадъда ойида (1862 йил 13 май куни) улар Хўжа Ягона мавзеига қўнадилар. Маллахон қотиллари ичида низо чиқади. Улар икки гуруҳга бўлинадилар. Бир гуруҳ бошлиқлари Шодмон хўжа мингбоши, Олимқули амирлашкарлар, Пўлат додхоҳ парвоначи, Чўтан додхоҳлар бўлиб, иккинчи гуруҳга Марғилон ҳокими, Хидир парвоначи, Худойназар парвоначи, Идрис қули додхоҳлар бошчилиқ қилардилар. Улар бир-бирларига айб қўйиб, қаттиқ жанжал кўтарардилар. Охири бир гуруҳи Шоҳмуродхон билан тил бириктириб, Хидир парвоначи, Худойназар парвоначи, Идрис қули додхоҳ ва бошқаларни тутиб ўлдирадилар⁸⁷. Шоҳмуродхон Қўқонга қайтади, Худоёрхон Тошкентга чиқиб, Нов қалъасида амир Музаффар билан учрашиб иккаласи Хўжандга келадилар. Худоёрхон Қўқонга ҳужум қилмоқчи бўлиб турганида шаҳар аҳолиси шимолий дарвозаларини очиб, Худоёрхонни пойтахтга киргизадилар. Хон аъёнлари Шоҳму-

⁸⁵ Тарихи жаҳоннамои, 269^о.

⁸⁶ Тарихи жаҳоннамои, 273^о.

⁸⁷ Алиқули Амирлашкар жангномаси, 78-83-б, ва Тарихи жаҳоннамои, 273^о.

родхон қўшинларидаги кўп қипчоқ-қирғизларини ўлдиришади. Бухоро амири эса Хўжандга Маллахондан қолган ҳамма қурол-аслаҳаларини, яъни 29 тўп, 150 катта қароқундоқ, 900 дона милтиқларни олиб Қароқчиқумга ва Маҳрам ўртасида қўш уради⁸⁸. Шу манба муаллифи яна илова қиладики, мангитлар 6 кун давомида Маҳрамдан Конибодомгача бўлган мавзелар - Ниёзбек, Хамиржўй, Кучгак, Қораянтоқ қишлоқларини талон-тарож қиладилар. Ҳюкрий 1278 йили зул-ҳижжанинг 6-куни (милодий 1862 йил 5 май) чоршанбада Худоёрхон Қўқонга кириб келиб, иккинчи марта хонлик тахтига ўтиради.

Шоҳмуродхон амирлари Шодмон хўжа мингбоши, мулла Алимқули, Мингбой додхоҳ, Бек Муҳаммад, Жарқинбой додхоҳ ва бошқалар Тоғлик дарвозаси орқали чиқиб кетган эдилар⁸⁹. Пойтахтда Худоёрхон амир Музаффарни катта тантана ва шукуҳ билан қабул қилмоқчи бўлади. Қаноатшоҳ амир мадади билан хон душманлари иттифоқига зарба бериб, уларни бутунлай тор-мор этишни таклиф қилади. Лекин амирлар Мирзо Аҳмад қўшбеги, Рустамбек додхоҳ ва хоннинг укаси Султон Муродбек унга қарши чиқиб, амирни Хўжанддан қайтаришни талаб қиладилар. Улар шундай даъво қиладиларки, «бу Музаффар Қўқонни босиб олган ўша Насруллонинг ўғлидир ва унинг ваъдаларига ишониб бўлмайдиган»⁹⁰. Хон ҳам бу фикрга рози бўлиб, Қаноатшоҳ оталиқни элчи қилиб Хўжандга амир Музаффар олдига юборади. Амир бу таклифга рози бўлиб Бухорога қайтмоққа розилик бериб, қаноатшоҳни ўзи билан олиб кетиб ўлдиртириб юборади.

Худоёрхон Султон Муродбекни Марғилонга, Дўстумбойни Андижонга, Дўст Муҳаммад эшикоғаси қорақалпоқни Балиқчиға ҳоким этиб, кўчманчи жамоасига қарши Андижонга мулло Султон ва Худойназарни лашкар билан юборади. Исён кутарганлар билан музокара эса натижасиз ўтади (уларнинг олдларига Сулаймонхўжа аълам юборилган эди). Қирғиз-қипчоқ қўшини Андижондан Марғилонга, кейин Асакага келиб қолган уруғ ва қабилалардан ёрдам сўради. Худоёрхон

⁸⁸ Тухфат ут-таворихи хоний, 350.

⁸⁹ Тухфат ут-таворихи хоний, 351^{а,б}.

⁹⁰ Тарихи жаҳоннамойи, 274^б.

янги кўшин йигиб Яккатутга келади. Қўқон аҳолиси ҳам дасталар тузиб Фозил Аҳадшайх (ҳазрати Соҳибзода), Сулаймонхўжа, Худойназар амин-муҳтасиб раҳбарлигида Яккатутга келадилар. Заркент анҳори олдида уларга Шодмон хўжа ҳужум қилиб, Қўқон дасталарини тор-мор этади. Шу орада қирғиз ва қипчоқ жамоалари Шоҳрух исмли бир кишини ўзларига хон кўтаргандилар. Бу қабила иттифоқи Марғилонни қамал қилиб ололмай, Қўқонга ҳужум қилиб, уни муҳосира қилади. Бу қамал ҳижрий 1279 йили рабиул-аввал ойининг 12-куни (1862 йил 6 сентябрда) бошланади. Улар шаҳарга элчиларини юбориб Худоёрхоннинг мағлуб бўлиш хабарини бериб, шаҳарга киритишларини талаб қиладилар. Шаҳар аҳолиси Марғилонга одам юбориб, бу хабар игво эканлигини билгач мудофаага ўтадилар. Чорчаман деган мавзеда шаҳар мудофаачилари қирғиз-қипчоқлар билан жанг қилиб, уларни қайта Асакага боришга мажбур қиладилар.

Худоёрхон ҳам келиб тахтга ўтирди. Лекин қирғиз-қипчоқлар яна куч йигиб Косон, Чуст атрофида кўзғолон кўтарди ва Тўрақўрғонга ҳужум қилишади. Улар, ҳатто Тошкент атрофидаги элотиya улугларига ҳам хатлар ёзиб, хон қилиб кўтарилган Шоҳрух билан маслаҳат қилиб, мадад беришларини сўрадилар. Шунда Тошкент атрофидаги қозоқлар кўзғолон кўтариб, Тошкентни қамал қилишади. Бу кўзғолонни бостириш учун хоннинг укаси Султон Муродбекни Дўст Муҳаммад додхоҳ билан сафарбар этади. Кўчманчилар кўшни Камолон дарвозасидан (Йўлдошбек деган киши ёрдами билан) шаҳарга киради. Лекин Сағбон, Кўчина, Себзор, Шайхонтоҳур маҳаллалари аҳолиси Дўстмуҳаммадга ёрдам бериб, Жанггоҳ мавзеида кўчманчиларни тор-мор этадилар. Кейинчалик улар яна Исмоил ота мавзеида ҳам жангда мағлуб бўлиб, кўшинлари тарқатиб юборилади. Дўст Муҳаммад бу иши учун парвоначи унвонини олади. Ниёзали ва Шерали додхоҳ Тошкент волиси ноби бўладилар.

Шу орада қирғиз-қипчоқларнинг бошлиқлари Шоҳруҳхон ўрнига «насаби тоза, хонзода бўлган» бошқа бировни тахтга кўтармоқчи бўлиб номзод қидира бошлайдилар. Шодмон хўжа ва Алиқули Маллахоннинг куёви Сайид Маҳмудхон тўрага одам юбориб ундан

Маллахоннинг ўғли Султон Сайидхонни уларнинг қўшинларига хон қилиб кўтариш учун юборишларини сўрайдилар. Султон Сайидхон ибни Маллахон Шохруҳ ўрнига хон қилиб кўтарилади. Сохта хон Шохруҳ эса ўлдирилади.

Султон Сайидхон Шодмон хўжа, Сайид Маҳмуд тўра, Алиқули билан Марғилон атрофидан келиб Андижонни қамал этиб, кейин босиб оладилар. Улар Андижон уруғлари ва бойларини гаровга олиб, эвазига пул ва мол йиғишади. Андижон атрофидаги Балиқчи, Қува, Асака, Шаҳрихон, Ўш, Пойтуғ мавзелари талон-тарож этилади. 1279 йили шаъбон ойининг 21-куни (1863 й. 11 феврал) Марғилон қамали бошланади. Апрель ойида Марғилон ҳокими Мирзо Аҳмад хиёнати натижасида Марғилон қирғиз-қипчоқлар қўлига ўтади. 1863 йили 26 апрелда бу жамоалар қўшини Мингтутга келиб Қўқон муҳосарасини бошлайдилар. Бухоро амири Худоёрхонга ёрдам бермоқчи бўлиб, Ўратепа ҳокими Оллаёрбек ва Жиззах ҳокими Ёқуббекни қўшинлари билан юборади. Орада бўлган қаттиқ урушда икки томон ҳам кўп талофат кўради. Ахири кўчманчилар қўшини чекиниб, Оқ тепа мавзегига кетишади. Сўнг улар Ёрмозорда мудофаага ўтиб турадилар. Орада Бухоро амири ҳам Фарғонага келади. Бухоро ва Қўқон қўшинлари бирлашиб Олтиариқ қишлоғига келганда, душман лашкари Асака томонга кетиб, Қороғулча дарасига кириб ҳимояга ўтади. Амир ва Худоёрхон юборган элчилар мақсадларига эришолмай қайтиб келадилар. Қабилалар иттифоқи бирлашган қўшинлардан Марғилонга чекинишларини талаб қиладилар. Худоёрхон ва амир Музаффар лашкарлари билан Марғилонга келишади. Лекин Мирзо Аҳмад ва Ёқуббек эшик оғаси кўзғолончилар томонига ўтиб, Қороғулчага боришади. Бу эса иккала ҳоким учун ҳам оғир ҳодиса бўлади. Амир ва хон қайта кўзғолончилар олдига элчи юборганларида, улар амирдан Худоёрхонни Хўжандга кетиш ва Дўст Муҳаммад ва Ниёзалини ўз вазифаларидан олиб, Султон Муродбекни эса Тошкентга юбориш шартларини Мирзо Аҳмад кўшбеги маслаҳати билан кўядилар. Худоёрхон амир талаби билан бу шартларни қабул қилади. Исёнчилар иккала лашкарни бир-биридан ажратиб, аввал Ўзган, кейин Асака, сўнг Марғилон томонга йўл оладилар. Амир Музаффар бу жамоа ҳийла-

сидан хабарсиз уларнинг олдиларига элчи юбориб, Марғилонга сулҳ тузиш учун қабила улуғларини юборишларини сўрайди. Элчи Асакада кўзғолончилар раҳбарлари билан учрашади ва қуйидаги жавобни олади: «Ҳозирча биз Бухорои Шариф ҳукмдори жаноби амирни ҳурмат қилиб келдик ва уни муносиб ҳоким деб билиб, унинг ёрдамида Фарғона мулкида тинчликни ўрнатмоқчи бўлдик. Энди эса билдикки, жанобнинг мақсадлари ўлка тинчлиги ва тотувлиги бўлмай, битим имзолаш баҳонасида бизни ўлдириб, Фарғона диёрини босиб олиш экан. Вақтида оталари амир Насрулло ҳам шундай қилган эди. Биз ўз зарарини фойдасидан ажратиб ололмайдиган нодонлардан эмасмиз. Бухоро амири ҳурмати учун биз уч кун муҳлат бериб, Бухоро лашкарининг кетишини кутамиз. Агарда шу мактубни олиб Бухорога кетмасангиз, тўртинчи куни Марғилон ёнида урушга тайёр бўлиб туринг. Албатта, зафар ва голибият сирлари парда остида бўлиб, Тангрининг иноятига боғлиқ, лекин жангдан олдин Аллоҳ бир томонга зафар ва нусратини берганлар. Агарда биз мағлуб бўлсак ор қилмаймиз, чунки хонимиз ҳали гўдак ва бизлар бир кўчманчи жамоамиз. Лекин Оллоҳ инояти ва марҳамати билан амир мағлуб бўлиб тор-мор бўлсалар, Бухоро давлатининг шаъни ва шарафи қолмай дўст-у душман олдида шарманда бўладилар. Бу шармандалиқнинг оқибати қиёматгача Бухоро амирлари елкаларига юкланади. Жангимиз Фарғонанинг ўртасида ўтади ва агарда Бухоро қўшини мағлуб бўлса, бухороликлардан бирор киши тирик қолмайди»⁹¹.

Амир бу даъводан хавфсираб, Бухорога қайтмоқчи бўлади, лекин Қўқонга келиб, пойтахтга ҳамма моҳир усталар, ҳунарманд-қосиблар ҳамда асли бухоролик бўлган усталарни ҳам оилалари билан Бухорога олиб кетади. Қўқон хазинаси, қурол-аслаҳалар, пойтахтнинг энг гўзал хотин-қизлари, ёш болаларни зўрлик билан олиб, 1863 йили сафар ойида (июль ва августга мувофиқ амир Ёрмасжидга, кейин Бешариққа келади («ТЖ» 296-300а). Шу ердан у ўз паноҳида олиб юрган Шохмуродхонни қирғиз-қипчоқлар олдига юборади. Бу жамоа бошлиқлари Қўқонни олганларидан сўнг Шохмуродхонни, Хўжасайидбий-

⁹¹ Тарихи жаҳоннамойи, 298.

нинг ўгли билан Маҳдуми Аъзамни тахтга даъво қилмасликлари учун Қорасувга юбориб, Ҳазрат Юнус ва Аюб мозорларида қатл этадилар⁹².

Султон Сайидхон ибни Маллахон ҳижрий 1280 йили сафар ойининг 7-сида (1863 йили 24 июль) Қўқон тахтига кўтарилди. Алиқули Фарғона амир лашкарини бўлиб олиб ҳамма қудратни ўз кўлига олади. Шодмон хўжа Тошкент ва Туркистон вилоятига волий бўлади. Мингбой Алиқулига ноиб этиб тайинланади ва Хўжандни босиб олиш учун юборилади. Хўжанд мудофаасида Бухоро амири дастаси ҳамда ўратепаликлар дастаси ҳам қатнашарди. Лекин манғитлар ва Дўст Муҳаммад ҳукуматига қарши шаҳар аҳолиси бош кўтариб, шаҳар дарвозаларини Мингбой сипоҳига очиб берадилар. Дўст Муҳаммад таслим бўлиб, кейин Бухорога қочиб кетади. Хўжандга Мирзо Аҳмад ҳоким бўлади.

Султон Саидхон Алиқули маслаҳати билан Тошкент вилоятига бориб, Шодмон хўжани 1280 ҳижрий йили рабиул-аввал ойининг охири кунлари, пайшанба куни кечаси (1863 йили сентябрнинг ўртасида) қатл этиб, ҳамма мол-мулкни мусодара қилади, Нормуҳаммадни Тошкент ва Туркистонда волий этади.

Шу йили Қўқонда Султон Саидхон учун Ўрда-хон саройи қурилади. Султон Саидхон даврида мулло Алиқули ташаббуси билан чор армиясига қарши бир неча юришлар уюштирилади. Лекин чор армияси кетма-кет Қўқон истеҳкомларини босиб олиб, 1864 йили кузда Тошкентга яқин келадилар. Ниҳоят 1865 йили май-июль ойларида Тошкентни босиб оладиларки, бу ҳақда кейинги бобда муфассал фикр юритамиз.

Тошкент ҳимоясида қаҳрамонлик кўрсатган Алиқули ҳалок бўлади⁹³.

Султон Саидхон Бухоро амири талаби билан Бухорога юборилади. Тошкент тасарруфидан сўнг қипчоқлар Қўқонга қайтиб Шодибий авлодларидан Худойқули ибн Мақсудбек исми кишини хон қилиб кўтарадилар⁹⁴. Бек Муҳаммад мингбоши бўлиб, Мирзо Аҳмад дастур-

⁹² Шоҳмуродхон 1842 йилда туғилиб, Маллабекдан кейин уч ой Қўқонда хон бўлди. Жами 8 йил Андижон ва Наманган (Маллахон даврида) ва Хўжандда (Худоёрхон даврида) ҳокимлик қилди. Қар.: Тарихи жаҳоннамои, 300⁶.

⁹¹ Тарихи жаҳоннамои, 213-222⁶; Тарихи Алиқули амирлашкар, 137-184⁶; Тарихи жадиди Тошканд, 267⁶, 268⁶, II, 2, 4⁶; Яна қар.: И л ҳ о м о в З. А. Алиқули амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида туган ўрни. Тарих фан. номзоди... дисс. -Т.: 2004.

⁹⁴ Жангномаи Худоёрхон, 142⁶.

хончилик вазифасига кўтарилди. Қипчоқлар 14 кун пойтахтда қолиб, чор ҳукуматига қарши газот баҳонаси билан аҳолига 100 минг тилло солиқ соладилар. Шаҳарликлар билан бу кўчманчи жамоа ўрталарида зиддият оғирлаша бошлади. Шунда қипчоқлар 1865 йил 11 июлда шаҳар аҳолиси газабидан хавфсираб, чиқиб кетадилар. Аҳоли Ўрдани талон-тараж қилади. Бухоро амири ҳам Худоёрхонга ёрдам бериш баҳонаси билан хон билан бирга Хўжандга келади. Кейин ҳижрий 1282 йил 20 сафар ойи (1865 йил 15 июл)да амир сипоҳи билан пойтахтга киради. Унинг сарбозлари яна шаҳар атрофидаги мавзеларни талон-тараж қила бошладилар. Амир Оллоёрбек парвоначини лашкари билан қирғиз-қипчоқларга қарши юборади. Арабон қишлоғи яқинида икки қўшин жангга киришади. Қирғиз-қипчоқ лашкари оғир урушлардан кейин мағлуб бўлиб, баъзи раҳбарлари Хол понсад, Юсуфбой Мирзо, Илтаркоб қипчоқ асирга тушадилар. Оллоёрбек қолган жамоа аскарлари орқасидан Модди мавзеига келади. Сўнг бирдан Марғилонга қайтиб келиб амирдан хонни ҳам лашкари билан юборишини талаб қилади. Худоёрхон қўшини билан келганида қирғиз-қипчоқ Тирак девонидан ўтиб, Қошғарга-Ёқуббек Бадавлат олдига кетадилар. Худоёрхон Қўқонга қайтади.

Раббиус-соний ойининг 22-куни амир Музаффар Ўрдадан чиқиб, «шоҳона нарсалар, тўплар, милтиқлар, қурол-аслаҳалар, гиламу қолинлар, ҳамда 300-400 хотин-қизлар, халқнинг болаларини асир қилиб олиб Мўйи Муборакка келади. Сешанба куни амир Қўқон хонлигидан чиқиб кетади»⁹⁵.

Лекин қирғиз-қипчоқларнинг бошқа гуруҳ раҳбари Абдурахмон офтобачи (Мусулмонқулининг ўғли), Карим қули дастурхончининг ўғли, Муҳаммад Диёр қўшбегининг ўғли ва Тошқаро ўз қабила-уруғлари билан келиб Худоёрхонга тобе бўладилар. Лекин буларнинг бари тутиб олиб ўлдирилади.

Шу даврда чор ҳукуматининг Туркистонни босиб олиш сиёсати янада авж олади. Ўзаро уруш ва низолардан фойдаланиб, чор қўшини ҳижрий 1282 йили рамазон ойларида (1860 йили феврал) Жиззахни босиб олиш учун Тошкентдан чиқиб, Учтепага келадилар. Жиззах

⁹⁵ Тарихи жаҳоннамойи, 324*

ҳокими Ёқуббек улар билан урушмоқчи бўлмай, бир неча туяда озиқ-овқат ва отларга ем-хашак юбориб улар билан дўстона муносабатда бўлади. 300 нафардан иборат рус қўшини оғир шароитда чўл орқали қайта Тўйтепага келадилар. Ана шу ҳолатда Бухоро амири 1866 йили март ойида яна Фарғона мулкига қайтади. Фарғона аҳли амирдан ёрдам кутади. Кучларни бирлаштириб, русларни Турон заминидан ҳайдаб юборишга умид қилдилар. Тарихчи Аваз Муҳаммад Аттор ёзади: «Хўқанди латиф вилоятида балойи ом юз берди. 27 йил бўлдики, бу ерда ҳар йили, ҳар ой ва ҳар куни низо ва исёнлар бўлиб ўтаяпти. Жасур кишилардан бирор бир мард йўқки, душманга қарши чиқа олса. Мана 10 йилдирки ўруслар билан жанг бўлаяпти. Хўқандликлар бир неча марта Оқ мачит, Олой, Авлиё ота, Мерка, Пишпак, Алмоота, Жўлак ва Қўрғонга қўшин тортдилар. Босқинчиларга қарши жангларда кўп киши нобуд бўлди. Бу бало бизнинг замонимизда юз берди. Бундан ҳамма хабардор. Шу ҳикоямиз даврида очлик ва қимматчилик узоқ йиллар давом этди. Одамлар шундай оғир аҳволга тушдики, ҳатто Хўқанди латиф вилояти ва унинг аҳолиси ҳам бу фалаки бебунёд зулмига гирифтор бўлди. Халқ охирги кучи ва қудрати билан қадқоматини ростлаб, амир ва Худоёрхонни кўтарди. Чор Россияси жангларига қўшимча (амир) ҳамиша бечора хўқандликларни урушга сафарбар этиб, ўзи вилоятга гоҳ бу ерида гоҳ бошқа жойида оғир зарарлар етказарди... Бу разил (амир) ишларининг тафсили шундан иборатки, Хўқанди латиф аскарларини олдин душман жангига юбориб, ўзи бир-икки манзил орқада юрар эди. Ўзи тирик қолмоқчи бўлиб, хўқандликларни халок бўлиб кетишларига парвоси йўқ эди»⁹⁶.

1866 йили апрел ойида Худоёрхон амир талабларига бошқа итоат қилмай чор армиясига қарши жангдан воз кечди, қайтиб Қўқонга келади.

Қўқон хони 1867 йили январ ойида чор ҳукумати билан савдо битимини имзолаган эди. Қўқонда тинчлик 1873 йилгача давом этган бўлса ҳам, хон зулм ва ситами, яқинлари ва маҳаллий ҳокимлар жабри натижасида ҳамда қирғиз-қипчоқларнинг қайта бош кўтарилишидан хонлик ҳудудида ўзаро низолар ва халқ чиқишлари бошланганди. 1873-1875-йиллари Ўзганд ва Ўш Қирғиз жамоалари Маъмур Мирғани-

⁹⁶ Тарихи жаҳоннамои, 331*

ев (Мирганиев) раҳбарлигида бош кўтардилар. Уларга қарши 2 марта Султон Муродбек юриш қилиб, қаттиқ жазо беради. 3 мартаба Худоёрхон Абдураҳмон офтобачи ва Исо Авлиёни катта қўшин билан юбориб, бош кўтарган қирғиз-қипчоқларни қирғин қилади. «Тарихи Азизи»нинг муаллифи Муҳаммад Ризо Марғилоний бу юриш ҳамда кўчманчиларга нисбатан кўрсатилган зулмни муфассал баён қилган⁹⁷.

Маъмур Мирганиев Худоёрхон илтимоси билан Тўқмоқ вилоятига сургун қилинади. Лекин у 1878 йили Етимхонга амирлашкар бўлиб, чор ҳукуматига қарши чиқади. Туркистон генерал-губернатори К. П. фон-Кауфман буйруғи билан Андижонда «халқ ибрати учун» 1879 йили 25 январда дорга осилади⁹⁸.

Худоёрхон 1868-1873 йиллар давомида Россия билан муносабатни яхши қилмоқ учун Тошкентга кўп тўхфа ва тортиқлар юборади. У Россия тожиклари учун қулай шарт-шароитларни таъмин қилиб беради. Лекин шу орада ички зулм ва сиёсат қаттиқлашиб боради. Худоёрхон буйруғи билан Қўқонга қайтган Султон Саидхон ибни Маллабек 1868 йили қатл этилади.

1870 йилларнинг бошларида Худоёрхон қўшинлари ададини кўпайтириб, суворий лашкар сонини 12 мингга етказиб, қурол-аслаҳа билан ҳам жиҳозланади. Халқ меҳнатидан фойдаланиб, шаҳар ва қишлоқ жойларидан мардикор йиғади, Модарихон мадрасасини ҳамда Улуғнаҳр ариғини қазиб тугатади. Бу ариқни қазишда хон саркори Отақул боҳодурбоши кўрсатган зулмни Муҳаммад Ризо Мирғиноний қуйидагича баён қилади:

«Ботурбоши (Отақул) бу мардикорларга шу даражада қаттиқ азоб берадики, (агар) қари мўйсафидлар чарчаб дам олиб турганини кўрса, ё эшитиб қолса, дарҳол калтакка ётқазадур. Иттифоқан бир кишини оёғига бир мардикорни кетмони тегиб, оёғини мажруҳ қилибдур, ўрнидан туролмасдан йиғлаб қолибдур. Узоқдан келаётган ботурбоши кўзи тушиб, отини югуртириб келуб, баланд овози билан ҳақорат қилуб, «нима учун ўтирибсан, ишламайсан - дебдур.-Унга мўйсафид кетмон теккан оёғини кўрсатуб, йиғлаб турубдур. Дарҳол бир гуруҳ

⁹⁷ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. 1999.

⁹⁸ Қар.: ЎзМДА, 19-фонд, 1-рўйхат 275-иш, 17-28-б.

мардикорни чақириб буюради «оёғини тагига ётқуз» деб. Мардикорлар ётқуздирдилар. «Устига тупроқ тортиб кўмиб юбор», - деб, устига тупроқ тортиб босиб ташлашдилар. Ботурбоши кетганидан кейин шунча адад мардикорлар йиглаб кўз ёшларимиз тўхтамади ва кечаси билан дуойи бад қилуб чиқдук»⁹⁹. Шу муаллиф яна Ёрмозорнинг бир ясавули номидан шундай маълумот келтирадики, Улуғнаҳр остидан чиққан сув тўхтамаганидан сўнгра, сув тўхтасин деб оти «Тўхтамиш» бўлган бир неча кишини олиб келиб сув урган жойга кўмиб қўйган эканлар»¹⁰⁰

Бунинг устига 1873 йили Худоёрхон «васиқа баробар» ёки «Маҳрум мерос» - меросдан маҳрум деган буйруқ чиқарди. Унинг мазмуни шу эдики, Худоёрхон 45 ёшга киргани муносабати билан шу даврда қилган васиқаларни бекор қилиб, одамлар меросига ҳам ўзини қўшиб, бир қисмини тортиб олади. Халқ бош кўтарди. Қарши чиққан уламоларга жазо берилади. Фармон Хўқанд, Марғилон, Андижон, Ўш ва Наманганда тарқалади. Шу йили мулло Исоқхон Ҳасанбой ўғлининг қўзғолони бошланади. Уни қирғизлар Пўлатхон номи билан хон қилиб кўтариб Худоёрхонга қарши чиқадилар.

Ўрдада Абдурахмон офтобачи ҳам мулло Исо Авлиё билан тил бириктириб Сайид Насриддинбекни, Худоёрхоннинг ўғлини хон қилиб кўтармоқчи бўладилар. У Султон Муродбекни қипчоқларга топшириш учун ваъда беради.

Султон Муродбекни Иккисувга юборишади. Абдурахмон Офтобачи Пўлатхон билан алоқа ўрнатади. Косон яқинида Офтобачи билан Қўқон амирлари Маҳмудхон тўра Тошкандий (Пскентий), Холиқули эшикоғаси қурама, Қосим эшикоғаси, Турсун тўқсабо, Муҳаммад Сайид ҳудайчи, Сайид Маҳмудхон ҳудайчи (Сақавтўра), Назарқули парвоначи, Зулфиқорбек Фозилбек дастурхончи ўғли, Гадойбой ва Миролим эшикоғаси, Саримсоқ додхоҳ ҳудойчи, қипчоқия сардорларидан Қийиқбой парвоначи, Мерганбой эшикоғаси, Худоёрхон ва Наримон эшикоғаси, Мулло Йўлдош ва Нор Муҳаммад эшикоғаси, Нур

⁹⁹ Тарихи Азизий, 312⁶

¹⁰⁰ Ўша асар, 312, 313⁶.

Муҳаммад тўқсабо, Хол Муҳаммад, Мирзо Атоий тўқсабо, ғойиб Мирзо, кенегас жамоаси улуғларидан Худоёрхон додхоҳ, Йўлбоши, мулло Раҳмонқули эшикоғаси, мулло Олимжон, Мирзо эшикоғаси, Муҳаммадқули тўқсабо, Муҳаммадали эшикоғаси, Мусо тўқсабо, Ботир тўқсабо, Ёқуббек тўқсаболар 12 минг қўшин билан Хитой сойига келдилар¹⁰¹. Сайид Насриддинбек ҳам офтобачи олдига келади ва унинг томонидан хон қилиб кўтарилади. Улар Хўқандга ҳужум қилмоқчи бўлганида Худоёрхон Хўжандга қочади ва шу ерда ўгли Насриддинбек фойдасига тахтдан воз кечади. Манбалар хабар беришича, Худоёрхон Қўқондан 22 арава хазина бойликни бир қанча тилло, кумуш ва мисдан ясалган идишлар, қалин гиламлар, тарихий ва диний китобларни, 150 та тўп ва замбараклар, милтиқларни ўзи билан Тошкентга олиб келиб, чор маъмуриятига топширмоқчи бўлган¹⁰².

Йўлда 3 арава хазина аскарлар ва аҳоли томонидан талон-тарож бўлади. Маҳмудхон тўра эса яна 2 арава хазина бойликни, учта замбарак ва суворий лашкарни Қўқонга қайтаради¹⁰³.

Худоёрхон Қўқондан чиқиб кетганида хон ўрдаси аҳоли томонидан талон-тарож бўлади. Отабек шарбатдор ва Тошкентдаги Қўқон намояндалари бўлмиш Мирзо Ҳаким уйларини ҳам талон-тарож қиладилар¹⁰⁴.

Хўжандда Офтобачи томонидан юборилган қўшин Отакул баҳодурбоши Кичикбой қипчоқ раҳбарлигида шаҳарга кириб, бу вилоят хазинасини бўшатадилар. Насриддинхонни яна оқ кигизга солиб, Қўқонда хон қилиб кўтардилар. Офтобачи чор қўшинларига қарши хонлик аҳолисини сафарбар қилмоқчи бўлади. Офтобачи йиққан қўши Маҳрамга келиб чор Россияси қўшинига қарши мавқе эгаллайди. Абдурахмон офтобачи буйруғи билан Зулфиқор ибн Фозилбек ва Мақсудхон тўраларни Тошкентга юриш қилмоқчи бўлгани учун Қурамага юборишади. Лекин уларни генерал фон-Кауфман бошчилигидаги

¹⁰¹ Тарихи жаҳоннамойи, 99⁶.

¹⁰² Тарихи Азий, 319, 320; Тарихи жадидаи Тошканд, 107а-108⁶.

¹⁰³ Тарихи жадидаи Тошканд, 109⁶.

¹⁰⁴ Тарихи жадидаи Тошканд, 120⁶.

қўшин қарши олишиб зарба беришади. Чор ҳукуматининг бошқа дастаси генерал Скобелев қўмондонлиги остида Хўжандга келади. Скобелев лашкарига кейин қўшилган Кауфман дастаси билан бирга кучайиб Маҳрамга келиб, Офтобачи қўшинига яқин келади. Чор қўшинида Шаҳрисабз беклари Жўрабек ва Бобобек ҳам иштирок этадилар¹⁰⁵.

Маҳрам яқинидаги урушда Офтобачи қўшини тор-мор бўлиб, ўзи қочиб Марғилон яқинидаги Карпил мавзеига боради.

Қўқонда қолган Насриддинхон чор Россияси аскарларини раҳбарлари билан кутиб олиб, чор ҳукуматини тан оладиган лашкар Марғилонга ҳужум қилади. Бу вақтда Иккисувдан қочиб келган Султон Муродбек вилоятда ҳоким эди. У Россия тобелигини қабул қилган бўлса ҳам, ўрнига чор ҳукуматига келиб таслим бўлган Отақул баҳодурбошини Марғилон ва унинг атрофига ҳоким этиб танлаб, зиммасига уруш жаримаси-лакпули (40 минг тилло) йиғиб олиш юклатилади. Босқинчилар Андижон ва Ўш аҳолисидан ҳам ўзларига қарши чиққанлари учун жарима оладилар. Чор ҳукуматига қарши хонликнинг шарқий худудида яшайдиган аҳоли бош кўтаради. Марғилон аҳолиси Отақул баҳодурбошини «бу чор ҳукуматига сотилган хонин» деб, тутиб олиб ўлдирадилар. Шаҳар аҳолиси қўзғолонига Валихон тўра, Ҳайитбой эшикоғаси бошчилик қиладилар. Пўлатхон чор армиясига қарши катта қўшин жамлайди. Хўқандга ҳужум қилмоқчи бўлганида Насриддинбек 13 кун энди мустақил хонликка ўтириб, 1875 йили 25 сентябр чор Россияси ҳукумати билан битим тузади. Бундан хабардор бўлган аҳоли яна қўзғалиб ўрдага ҳужум қилади. Насриддинбек Хўжандга қочади.

Пўлатхон ҳам чор қўшинларига қарши аҳолини сафарбар қилмоқчи бўлади. Шаҳарликлар, кўчманчи жамоалар, мадрасалар талабалари Пўлатхон аскарига қўшилмоқ учун Марғилонга келадилар. Пўлатхон буйруғи билан чор ҳукумати билан ҳамкорлик қилган кишилар тутиб олиниб қатл этиларди¹⁰⁶.

Пўлатхон хонзодаларни ҳам тутиб, қатл қилишни одамларига буюрган эди¹⁰⁷.

¹⁰⁵ Тарихи жадидаи Тошканд, 114⁶, 127⁶-128⁶.

¹⁰⁶ Қар.: ЎзМДА, Ф.И.-19-фонд. 1-рўйхат, 29-30-б.

¹⁰⁷ Тарихи Азизий, 169⁴.

1293 хижрий муҳаррам ойида (1876 йилнинг феввали) Наманганда турган генерал Скобелев генерал-губернатордан шоҳ имзоси билан Қўқон хонлигини бутунлай босиб олиш учун фармон олади. Скобелев хийла ва найранг билан Абдурахмон офтобачи ва Пўлатхонни Асака ва Андижон орасида қўлга киритади. Пўлатхонни тутиб олишга ёрдам берган Ўрозбой Худоёрхон ва Ҳошимберди Шамбаров чор ҳукумати томонидан тилла нишонлари билан тақдирланадилар¹⁰⁸.

Абдурахмон Офтобачи муҳаррам ойининг 20-куни Русиянинг Екатеринбург губерниясига сургун этилади¹⁰⁹. Насриддинхон эса Владимир губерниясига юборилади. Пўлатхон (Исоқбой ибни Ҳасанбой қирғиз ўғли) эса Сайид Мавланбек ва Алиакбарбек ибни Саидмуродбек талаблари билан Марғилонда 1876 йили 1 март куни дорга осиб қатл қилинади. Унинг ҳомийси мулло Абдулмўмин ибни Муҳсинбек Тошкандий ҳамда Абдулмўминни Тошкентга олиб бориб Салар анҳори лабида дорга осиб қатл этилади 1876 йили 19 февралда Қўқон хонлигининг ерлари тўла чор қўшинлари томонидан босиб олиниб, Фарғона вилояти тузилади. Шундай қилиб, 150 йилдан кўпроқ умр кўрган Қўқон давлати барҳам топади.

XIX асрнинг 70-йиллари ўртасида Туркистон ерлари чор Россияси давлатига қўшилади. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги расман ўз мустақиллигини сақлаган бўлсалар ҳам, аслида чор Россияси давлатига бутунлай тобе бўлиб қолган эдилар. Чор Россияси жанубдаги Аму бўйларигача бўлган ерларни ўз тасарруфига киритади¹¹⁰.

Чор Россияси босқинчилиги даврида Ўрта Осиё халқлари ерга нисбатан эгаллик муносабатлари даврида эдилар. Ерга эгаллик муносабатлари емирилиши натижасида ижтимоий қарама-қаршилик ва зиддият кучайиб кетади. Бу зиддиятлар XIX асрнинг ўртасида содир бўлган уруш ва низоларда ўз аксини топган. Бўлимда баён қилинган Россия-Қўқон алоқаларидаги жуда оғир ҳарбий ва сиёсий воқеалар билан тўла тарихий даврда бўлиб ўтганига гувоҳ бўламиз. Тарихий шароит ва халқаро тарихий жараёнлар кейинги бир ярим аср давомида Туркистон халқлари нинг тақдири ва келажагини Россия империясига боғлаб қўйди.

¹⁰⁸ ЎзМДА, Ф.И. 19-фонд, 1-рўйхат 30-иш.

¹⁰⁹ Унинг тақдири ҳақида қар.: ЎзМДА, 19-И фонди. 10475, 11043, 11087 рўйхатлар.

¹¹⁰ В о х и д о в Ш. Аваз Мухаммад Аттор и его сочинение «Тарихи жахоннамойи» (исследования, перевод и примечания). С. 8.

III БОБ. Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилиши арафаси ва давридаги Қўқоннинг чор Россияси билан элчилик муносабатлари

Шуни таъкидлаш лозимки, Қўқоннинг чор Россияси билан алоқалари Тошкент мулки ва Дашти қипчоқ ҳудудлари орқали амалга оширилган. 1809 йили Тошкент босиб олингач, у ерда ҳам Қўқон хонининг ҳукумати ўрнатилди. 1816 йили Умархон даврида Туркистон шаҳри унинг атрофидаги ерлар ҳамда ҳозирги жанубий Қозоғистон ҳудудлари Қўқон давлати таркибига кирди. Қўқонликлар карвон йўллари бўйлаб бир қанча қалъа ва истеҳкомларни Сирдарё соҳилларида қурдилар. Қўқонликларнинг қозоқлар яшайдиган ерларга қилинган юришлари ҳамда Тошкент ҳокимининг чор Россиясига қарши чиқаётган қозоқларни қўллаб-қувватлагани чор Россияси маъмурларининг норозилигига сабаб бўлар эди. Навбатдаги бўлимда биз Қўқон хонлигининг Россия билан элчилик муносабатлари тизимида Тошкент ва Дашти қипчоқ ўрнини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

3.1. Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилиши арафасида Қўқон ва чор Россияси муносабатлари

XIX асрнинг 20-йилларида чор ҳукуматининг Қўқон хонлиги, шу жумладан, Тошкент билан қизиқиши кучайганлиги кўринади. Бу вақтда чор маъмурлари Қўқон хонлиги, шунингдек, Тошкент хўжалиги, савдоси, ўз қўшинлари билан муносабати ва бошқа масалалар юзасидан маълумотлар олишга қизиқади. Шубҳасиз, чор ҳукумати бу маълумотлардан Тошкент орқали Қўқон ва Бухоро хонликлари билан савдосотиқни кенгайтириш, шунингдек, сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланиш ниятида бўлган.

Шу даврда Қошғарда Хитойнинг Цин династияси ҳукумронлигига қарши кўзғолон бошланади. Натижада Қўқоннинг Қошғар билан савдо алоқаси узилиб, Қошғардан Қўқонга бутунлай мол келмай қолади. Хонлик шаҳарларида Қошғарнинг рўмол, ипак, чой ва ипакли молларига бўлган талаб кучайиб бормоқда эди.

Бу молларни Қўқон хонлигига Сибирь линиялари орқали келтириш мумкин эди. Шу мақсадда 1827 йилда Мадалихон томонидан Омскга Котиббек Фозилов юборилади. Қўқон элчиси чор ҳукумати билан Сибирь орқали Қашғар билан савдо алоқасини олиб бориш масаласини келишиш керак эди. Элчи К. Фозилов яқин вақт ичида Қўқондан махсус элчилар Петербургга бориб, Россия тахтига чиққан Николай Павловични табриклашлигини маълум қилади. Қўқон хонининг бундан кейин ҳам Россия билан олдиндан давом этиб келган яхши қўшничилик алоқаларини давом эттириш тарафдори эканлигини билдириб, Россия элчиларини Қўқонга юборилишини сўрайди¹.

Шу билан биргаликда элчи рус маҳаллий ҳукуматидан Сибирь линиялари орқали Қўқон хонлигига, айниқса, кўпроқ чой юбориб туришини сўрайди².

Чор ҳукумати Қўқон элчиларининг талабларини бажо келтиради. Элчилар ўз ватанларига иззат-икром билан кетганлар³. Улар Омскдан Семипалатинскга келиб, сўнгра Тошкентга жўнаган.

Қўқон хонлиги элчилари С. Султонбеков ва К. Фозиловларнинг Россиядаги фаолиятларини самарали тамом бўлганлиги ўзаро элчилик муносабатларининг давом эттириш имконини берди. Айниқса, Қўқон хонлигининг элчилари Сибирга бирин-кетин бориб турди. Чунончи, Мадалихон томонидан ваъда қилинган 14 кишидан иборат Қўқон элчилари 1828 йил июн ойида Турсинхўжа ва Мирқурбонхожи бошчилигида Омскга келадилар⁴.

Элчилар Омскда бир неча кун бўлганларидан сўнг, махсус кузатувчилар ва ҳарбий отряд соқчилигида Петербургга келадилар.

Қўқон элчилари Петербургда ҳурмат билан қабул қилиниб, буларга пойтахтда эркин бўлишлари учун барча қулайликлар яратилди. Ҳатто элчилар бошлиғи Турсунхўжанинг ўғлини кўз касалини даволаш учун пойтахтдаги энг яхши доктор тайинланди⁵.

¹ ҚР МДА, 338-фонд, 1-руйхат, 654-иш, св. 99. 1-4-б.

² Ўша жойда, 8-10-б.

³ Ўша жойда, 31-б.

⁴ ҚР МДА, 338-фонд, 1-руйхат, 662-иш, св. 100. 138-б.

⁵ Ўша жойда, 134-137-б.

Чор ҳукумати Қўқон хонлигидан Петербургда келган элчиларни, хонликнинг Россияга нисбатан ҳурмат ва дўстлигининг ифодаси деб билди. Император томонидан Қўқон элчилари зўр тантана билан қабул қилинди.

Қўқон элчилари Мадалихон томонидан император номига ёзилган ёрлиқ билан 4 та аргумоқ (от) ва 21 та Қўқон туясини совға қиладилар⁶.

Мадалихоннинг табрикномаси ва ўзаро савдони кучайтириш тўғрисидаги таклифи, мамнуният билан қабул қилинди.

Чор ҳукумати томонидан Қўқон хонлигига ҳурмат ва дўстликнинг рамзи сифатида Мадалихонга олтин соплик ханжар, 2000 сўмлик чинни, ва ойнадан ишланган идишлар, 36 газ ҳар хил рангли парча, 36 газ мовут, 36 газ атлас, Турсинхўжа ва Мирқурбонхожиларнинг ҳар бирига эса 24 газдан парча, 10 газдан мовут, 10 газдан атлас, 50 газдан дока ва 30 сўмдан пул совға қилинди⁷. Шунингдек, элчиларнинг ҳамроҳларига ҳам совғалар берилди⁸.

Император томонидан вице канцлер Несельродга Россия ҳудудида ва ҳатто унга тобе бўлган қозоқ ерларида Қўқон хонлигининг фуқароларини хавф-хатарсиз савдо-сотик ишларини олиб боришлари учун гамхўрлик қилиш буюрилади⁹.

Шу билан биргаликда шахсан император номидан ёзилган Мадалихонга ёрлиқ элчиларга топширилади.

Қўқон элчилари 1829 йилнинг бошида Петербургдан ўз ватанларига қайтиш учун Омскга келадилар. Бу ерда вице канцлер Несельрод Мадалихоннинг хатига ушбу мазмундаги жавобни элчиларга топширади: «Бизнинг давлатимиз Қўқон савдо карвонларини ҳозирги вақтда рус табааси бўлган ва Каспий денгиз билан Хитой ерлари ўртасида кўчиб юрувчи қирғизлар хавфидан ҳимоя қилиш учун гамхўрлик қилмоқдалар, у ерларда тартиб ва тинчлик ўрнатиш мақсадида улуғ

⁶ Ўша жойда, 135-136-б.

⁷ Ўша жойда, 135-136-б.

⁸ Ўша жойда, 142-б.

⁹ ҚР МДА, 338-фонд, 1-рўйхат, 687-иш, св. 105. 2-4-б.

подшоҳ амри билан жуда қатъий чоралар кўрилмоқда», - дейди¹⁰. Уларни кузатиш учун чор ҳукумати 13 кишидан иборат ҳарбий отряд ажратади. Бу отрядга Хорунжий Потанин бошчилик қилади. Хорунжий Потанин ҳарбий киши бўлиб, унга элчиларни ватанларига кузатиш вақтида Қўқон хонлигининг ички ва ташқи аҳволи ҳақида разведка маълумотларини тўплаш буюрилган эди¹¹.

1829 йилнинг кузида Қўқон элчилари Х. Потанин бошлиқ отряд кузатуви билан Петербургдан чиқиб Семипалатинск орқали Қўқон хонлигига қарашли Туркистондаги Чўлоққўрғонда бир неча вақт тўхтаб, ундан Туркистон ва Чимкент орқали Тошкентга етиб келганлар. Тошкентда Қўқон элчилари ва уларни кузатиб келган россияликлар ҳурмат билан қабул қилинди. Бу шаҳардан Х. Потанин Қўқон элчилари билан Қўқонга борадилар. Архив материаллари бўйича Қўқонда ҳам руслар яхши қабул қилинган.

Мадалихон томонидан келган вакиллар қабул қилинади. Қабул маросимида Х. Потанин император Николай Павловичнинг Мадалихонга тортиқ қилиб юборган совғалари билан ёрлиқни тантанали равишда топширади. Совғалар - мовут, чинни ва хрустал асбоблар, ойна ва миллиқдан иборат бўлган. Совғаларни 25 қўқонлик кўча бўйлаб кетма-кет юриб хон ҳузурига олиб борганлар. Буларнинг ҳар икки томонида рус аскарлари қиличларини яланғочлаган ҳолда борганлар. Х. Потанин шиғовул ва Қўқон элчилари эса, олдинда отда борганлар. Халойиқ бундай вазиятни зўр қизиқиш билан томоша қилган¹².

Императорнинг ёрлиғи Қўқон хонлиги билан Россиянинг алоқаси қадим замонлардан ўзаро дўстликка асосланганлиги уқдирилиб, бундан кейин ҳам бу аънанани чор ҳукумати давом эттириш тарафдори эканлиги айтилган эди. Хон таклифи билан чор аскарлари саройда ҳарбий машқ кўрсатади. Улар қуроллардан эпчиллик билан фойдаланиб, мустаҳкам ҳарбий интизомларини намойиш қилдилар. Ҳарбий машқ гоят муваффақиятли ўтди. Бу ҳарбий машқлардан мамнун бўлган Мадалихон ва сарой аҳллари Х. Потанин бошлиқ чор ҳарбий отряди қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Жумладан, Х. Потанинга Қўқоннинг энг яхши арғумоқ оти ва чопон, кашмир белбоғи, пул ҳамда

¹⁰ Ўша жойда, 442-б.

¹¹ Ўша жойда, 662-иш, св. 100. 140-141-б.

¹² З и я е в Х. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI-XIX асрлар). 174-б.

бошқа совгалар тортиқ қилинди¹³.

Х. Потанин бошлиқ ҳарбий отряд Қўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида кўпгина тўплаган маълумотлар билан 1830 йил июл ойида ўз ватанларига қайтиб кетади.

Х. Потанин ўзининг Қўқон хонлиги ҳақида ҳукуматга ёзган ахборотида қимматли маълумотлар беради.

Шундай қилиб, Қўқон элчиларининг Петербургда бўлиши ва Х. Потанин бошлиқ отряднинг Қўқон хонлигида бўлиши ҳар икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қўқон элчилари Петербургга келиши ва уларнинг самарали фаолияти натижасида Сибирь линияларида Қўқон хонлиги савдогарлари учун янада қулай шароит туғдириб берувчи махсус фармон чиқарилди. Масалан, 1829 йилда чор ҳукуматининг кўрсатмасига мувофиқ Ғарбий Сибирь генерал-губернатори Ғарбий Сибирга келадиган қўқонликларга нисбатан дўстона муносабатда бўлиш, уларнинг ишларини одилонга ва тезда ҳал қилиб бериш тўғрисида буйруқ чиқарди¹⁴.

Шу равишда Қўқон хонлиги билан рус давлати ўртасидаги элчилик муносабатларида савдодаги тегишли масала муваффақиятли ҳал этилди. Аммо, Қўқон хонлигининг қозоқлар тўғрисидаги даъвоси қабул қилинмади. Чор ҳукумати бу даъвони ўринсиз ҳисоблаб, қозоқ ерларида ўз мавқеини борган сари мустаҳкамлаб борди.

Архив ҳужжатларига кўра, 1825 йилда Қўқон хони Мадалихон Қозоғистонда чор ҳукуматининг ҳукмронлигига қарши султонлардан Саржон Қосимовни қўллаб-қувватлаб, унинг русларга қарашли Каркарали уездига ҳужум уюштиришга ёрдам кўрсатади. Мадалихоннинг мақсади Саржон орқали Қозоғистонни ўзига буйсундириш эди.

Бу масалани амалга ошириш Қўқон хонлиги томонидан Тошкент қўшбегиси Лашкар бекларбегига топширилган эди. Қўшбеги Саржонни маблағ ва қурол-яроғ билан таъминлаб турган. Саржон Қўқон хонлигининг ёрдамига таяниб, 1825 йилда Каркаралида чор ҳукуматига қарши

¹³ Россия МДТА, 24766- иш, 30-б.

¹⁴ ҚР МДА, 338-фонд, 1-рўйхат, 311-иш, св. 63, 11-б.

бош кўтаради. Бироқ, Саржон қўшинлари чор армияси томонидан берилган зарбадан сўнг Тошкентга чекинади. Шундан кейин Саржон ўз одамлари билан Тошкент қўшбегисининг хизматида қолади¹⁵.

Қўқон хонлиги томонидан чор ҳукумати учун хавфли бўлган Султон Саржоннинг бир неча одамлари билан Тошкентга қўшбеги ҳузурида бошпана топиши, келажакда Қўқон хонлигининг Россия империяси билан ўзаро алоқаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди ва вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлди.

Масалан, Қўқон хони Мадалихоннинг буйруғи билан тошкентлик хўжа Мирқурбонов Сибирь линиясига 1831 йилнинг баҳорида келади¹⁶. Элчи Қўқон хони Мадалихон томонидан император номига ёзилган мактуб ва хоннинг бериб юборган эсдалик совғаларини олиб келганлигини билдиради.

Хўжа Мирқурбонов ўз хони номидан олиб борилган музокараларда Қўқон хонлиги ҳудудида олтин ва кумуш захираларининг кўплигини айтиб, бундай ер ости бойликларини Қўқонда олиш учун мутахассисларнинг йўқлигини гапириб, чор ҳукуматидан шундай мутахассислардан Қўқон хонлигига икки киши юборишликни сўраган.

Шу билан бирга Х. Мирқурбонов бир неча артиллерия қуроллари ва бу қурооллардан фойдаланишда тажрибадор бўлган чор офицерларидан бир неча кишини юборишни императордан илтимос қилиши керак эди¹⁷.

Сибирда Қўқон элчиси ҳурмат билан яхши қабул қилинади. Бироқ, чор ҳукуматига қарши бўлган султон Саржонни Мадалихон ва Тошкент қўшбегиси томонидан қабул қилиниб, унга бошпана берилганлигидан норози бўлган.

Чор ҳукумати Қўқон элчиларини қабул қилмайди¹⁸ ва уларни олиб борган совғалари билан ўз ватанларига қайтаради. Шундан кейин бир

¹⁵ История Казахский ССР. Алма-Ата, 1957, С. 303-304. Абу Убайдуллоҳ Тошкандий ўзининг «Хулосат ул-аҳвола» номли асарида Тошкент ва Дашти қипчоқ ўртасидаги муносабатларни кенг ёритган. Муаллиф узоқ йиллар Тошкент ҳокимининг девонида ишлаган. Қаранг: В о х и д о в Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожи. 244-262-б.

¹⁶ Россия МДТА, иш-19251, 28-б.

¹⁷ Ўша жойда, 23-30-б.

¹⁸ Россия МДТА, иш-19251, 87-88-б.

неча вақт ҳар икки давлат ўртасидаги элчилик алоқалари тўхтаб қолади. Чор ҳукумати томонидан Қўқон элчиларининг қабул қилинмаганлиги Мадалихонни, Тошкент қўшбегиси билан биргаликда ташвишга солиб қўйди. Тезда қўшбеги Саржон Қосимовни одамлари билан ўз хузурига чақириб олди. Мирзачўлнинг шимолида Сарисув дарёси бўйича иккита мудофаа қалъасини бири Қоражарда, иккинчиси ундан 120 км. нарида Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Юртқулоқ қалъасини қуради¹⁹. Қўшбеги шу қалъалардан туриб, чор Россиясига қарашли аҳолига ҳужумлар қилиб турган. Қўшбегининг ушбу сиёсатидан раъжиган чор ҳарбий бошлиқлари 1832 йилда Сарисув дарёси бўйидан Семёнов бошлиқ ҳарбий отрядини, иккита артилерия билан юборади. Қалъа мудофаачиларининг қаттиқ қаршилиқ кўрсатишига қарамай, уларни чор қўшинлари тор-мор қилиб, қалъаларини йўқ қилиб ташлайди²⁰.

Шундан кейин Тошкент қўшбегиси чор ҳукуматининг сиёсатидан норози бўлган қозоқлардан 8000 кишини тўплаб Қозоғистонда чор ҳукуматига қарши хавфни вужудга келтиради.

Сибирь линиясидан генерал Броневский унча катта бўлмаган куч билан етиб келгач Мирзачўлнинг шимолий қисмига ҳужум қилиб, тошкентликларнинг қурган Улатау қалъасини вайрон қилади.

Чор Россияси қўшинларини қурол кучи билан енгизга кўзи етмаган Тошкент қўшбегиси 1836 йилда Сибирь чегара бошлиқлари билан келишишга уринади. Қўшбеги Фарбий Сибирь генерал-губернатори ва Омск область бошлиғига хат юбориб, ўзининг қозоқ чўлларидаги ҳаракатини оқламоқчи бўлади²¹. Бундан кейин эса дўстлик алоқаларини олиб боришга ишонтирмоқчи бўлди. Бундан ташқари, қўшбеги савдогарларнинг шикоятлари ва қозоқлар масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш учун ишончли кишиларни Тошкентга юборишини улардан сўради.

Қўқон хони Мадалихон эса чор ҳукумати олдига қуйидаги талабини қўяди: «...сизларнинг кўчманчилар ҳудудида вужудга келтирган Ид-

¹⁹ Ўша жойда, 88-б.

²⁰ Ўша жойда, 88-89-б.

²¹ Ўша жойда, 92-б.

рей, Ку, Кент ва Қизилердаги қалъаларингиз қонунсиз. Бундан кейин бундай қалъаларни қуриш дарҳол тўхтатилсин»²².

Махсус Сибирь корпусининг командири генерал Вельяминовнинг ҳарбий министрға юборган рапортидан маълум бўлишича Қўқон хонлиги Қозоғистон худудида ўз таъсирини кучайтириш ва у ерни чор Россияси таъсиридан сақлаб қолиш мақсадида Омск вилоятига қарашлик Акмолинск ташқи округи атрофидаги қозоқ ерларига ҳужум уюштирган. Ҳаттоки, чор Россиясининг қўл остида бўлган аҳоли устига ҳам юришга интилиш бўлган²³.

Бу ишлар Қўқон хони Мадалихоннинг шахсан топширигига мувофиқ Тошкент қўшбегиси томонидан уюштирилган. Қўшбегининг ташаббуси билан аҳоли ўртасида босқинчиларни ғайри дин ва «кофирлик»да айбловчи варақалар тарқатилган ва улардан ўч олишга чақирилган. Қўшбеги варақаларда чор ҳукуматининг Қозоғистондаги ҳукмронлигини адолатсизлик ва босқинчиликдан иборат деб баҳолаб, уларни чор Россиясидан ажратиб ўзига қўшилишига чақирган.

Хуллас, Тошкент қўшбегиси чор Россияси қўл остидаги кўчманчиларнинг норози бўлган табақаларига таянган ҳолда ўз мавқеини мустаҳкамлаш билан биргаликда, хонлик ерларини кўчманчилар худуди ҳисобига кенгайтирмоқчи бўлган. Буни яхши англаган чор ҳукумати хонликка қарши ҳарбий қўшин тортишга қарор қилган. Чунончи, 1834 йилда генерал-майор Броневский ўз қўшинлари билан Улатовдаги Қўқон қалъасини тор-мор келтиради. Қалъанинг ичида бир қанча Қўқон аскарлари асир олинади. Броневский уларнинг бир нечасини озод қилади ва улэр орқали Тошкент қўшбегисига хат юборади. Хатнинг мазмунига кўра, Қозоғистонда чор армиясининг ҳужумкорлик ҳаракати кучайиб бораётган бўлишига қарамай, қўшбеги томонидан 1832 йилда Сарисувда қалъа барпо қилинганлиги ва бу қалъалар чор қўшинлари томонидан йўқ қилиб ташланганлиги кўрсатилиб, агар бундан кейин ҳам қўшбеги қайсарлик билан ўз сиёсатини чор ҳукуматига қарши давом эттирадиган бўлса, ёмон оқибатлар юз беради, -

²² ҚР МДА, 338-фонд 1-рўйхат 662-иш 132-140-б.

²³ СПб МДА, 1264-фонд. 1-рўйхат, 281-иш 133-б.

дейди. Ҳамда яхши қўшничилик алоқаларни давом эттириш ва ўртадаги савдо алоқаларини муваффақият билан давом эттиришликни таклиф қилади²⁴.

1835 йилнинг феврал ойида Ғарбий Сибирь генерал-губернатори томонидан император Николай I га ёзилган рапортидан маълум бўлишича, чор қўшинлари қозоғистондаги қўшбегига қарши кураши муваффақият билан тугаллиниб, қозоқлар ўртасида тартиб ва тинчлик ўрнатилганлигини, уларнинг чор ҳукумати томонидан белгиланган солиқларни тўлашга тайёр эканлиги ҳамда савдо карвонларининг хавфсизлиги таъминланганлиги хабар қилинган²⁵.

Шу билан биргаликда Тошкент қўшбегисига Қозоғистонда қўлга туширган ўлжаси учун бекларбеги унвони берилганлиги ҳамда чор Россияси қўл остидаги аҳолини талашга рухсат берганлигини уқтиришади²⁶.

Генерал-губернатор қўқонликларнинг Акмольинск томонидан ҳужум қилиш хавфи мавжуд эканлигини ҳисобга олиб, бу масалани ҳарбий вазирлик маҳкамасига тавсия қилади.

Подшодан эса қуйидаги таклифларни амалга оширилишни илтимос қилади:

1. Қўқонга чор ҳукумати томонидан элчи юбориб, Қўқон хонидан Қозоғистондаги Чу дарёсидан нарига ўтмасликка, қозоқларни жосус орқали қўзғолонга ташвиқот қилмасликни ва уларнинг ерларида қалъалар қурмасликни талаб қилиш;

Бу талаб қабул қилинмаган тақдирда, баҳорда Тошкентга ҳарбий экспедиция юбориб, қурол кучи билан Қўқон хони ва Тошкент қўшбегисининг Қозоғистондаги ҳаракатларини тўхтатиш;

2. Қозоғистонни Тошкент хавфидан мудоффа қилиш учун Оқтов ва Улатовда кичик-кичик қалъалар қуриш ва уларнинг ҳар бирида 500 кишилиқ ҳарбий отряд сақлаш²⁷.

Чор Россияси императори Сибирь комитети генерал-губернатори юборган таклифларни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорга келади: Қўқон

²⁴ Ўша жойда, 214 ва 216-б.

²⁵ Ўша жойда, 216-б. орқасида.

²⁶ Ўша жойда, 217-б.

²⁷ СПб МДА, 1264-фонд, 1-рўйхат, 281-иш, 228 ва 229-б. Орқасида.

хонлигининг Қозоғистонда чор қўшинига ҳужум қилади деб айтишга ҳеч қандай асос йўқ. Шунинг учун ҳам бу ерга қалъалар қуришга ҳеч қандай зарурат йўқ. Фақат Қозоғистондаги ҳарбий округларни кучайтириш керак, холос²⁸.

Шунингдек, подшо ҳукумати Россиядан Қўқон хонлигига элчилар юбориш тўғрисидаги таклифини рад этади. Чунки, 1831 йилда Петербургда бораётган рус элчилари чор ҳукумати томонидан қабул қилинмай ўз ватанларига қайтариб юборилган эди. Бу аҳвол Қўқон хонлигида ҳам Қўқон элчиларига нисбатан такрорланиши мумкин эди.

Подшо ҳукумати Ўрта Осиёда салмоқли ўрин тутган Қўқон хонлиги ва у орқали бошқа хонликлар билан савдо алоқаларини олиб боришни кўзда тутиб, Сибирь комитетига у билан муносабатни кескинлаштирмасдан элчилик алоқаларини тиклашни буюради²⁹.

1836 йили Мадалихон Россия билан ўзаро элчилик алоқаларида катта тажрибага эга бўлган С. Султонбеков бошчилигида 5 кишидан иборат Қўқон элчиларини Россияга юборади³⁰. Элчилар Петропавловскга келдилар ва бу ерда қадимдан яшаб, Қўқон хонлиги билан Россия ўртасидаги савдо алоқаларини ривожланишига муҳим ҳисса қўшган йирик савдогар Кенжатойга Мадалихоннинг совғалари билан ёрлиқ ҳам топширадилар. Бу ёрлиқ билан Кенжатой Сибирь линиясига оқсоқол қилиб тайинланган эди. Шундан кейин элчилар Омскга келиб, Ғарбий Сибирь генерал-губернатори ва Омск область бошлиғига Тошкент беклар-бегиси томонидан юборилган мактубни толширадилар. Мактубда ўзаро тинчлик алоқаларини йўлга қўйиш учун ҳар иккала томон тенг ҳаракат қилиши зарурлиги уқтирилади.

Шунингдек, асирларни қайтариш, қозоқлар масаласидаги жанжаллик масалаларини тинч йўл билан келишиб ҳал қилиб олиш масаласи кўрсатилди.

Қўқон элчиларининг деярли ҳамма таклиф ва талаблари Россия томонидан қабул қилинади. Омск область бошлиғи ўзининг жавоб мактубида чор ҳукуматининг Қўқон хонлиги билан доимо дўстлик

²⁸ Ўша жойда, 221-223-б.

²⁹ Ўша жойда, 221-223-б.

³⁰ ҚР МДА, 338-фонд, 1-рўйхат, 263-иш. 37-б.

алоқаларини оғишмай амалга оширишга тайёр эканлигини билдиради. Қўқон элчиларига Мадалихон номига ёзилган ушбу мазмундаги хат император номидан топширилади:... «Ўртадаги савдо ва иқтисодий алоқаларнинг илгари вақтларда бўлганидай, яна қайтадан гуллаб-яшнаши учун сиз томонингиздан ҳам ҳаракат бўлиши керак. Бундан бир неча йиллар илгари, қозоқ ўрдаларидаги ҳудудда қўшбегининг тажовузкорлик ҳаракатлари натижасида бу дўстликка раҳна урилди. Агар сиз ўз ваъдаларингизни бажарсангиз у ҳолда ўртада ҳеч қанча келишмовчилик бўлмайди. У ҳолда бизнинг томонимиздан Сизнинг адолатли таклифларингизнинг ҳаммаси тўлиқ қондирилади».

Қўқон хони чор Россияси билан олиб борилаётган савдога тегишли масалаларни бартараф қилиш мақсадида, 1836 йилнинг ноябр ойида Тошкентдан Омскга Нуравазов бошлиқ бир неча кишилардан иборат элчиларни юборади. Элчиларни Омск области бошлиғи полковник Телезин бошчилигида кутиб олинади. Қўқон элчилари Мадалихон ва Тошкентнинг янги қўшбегиси Йўлдошбекни улар номига ёзилган хатлари билан эсдалик совғалар тақдим этилади³¹.

Хатларнинг мазмунига қараганда чор Россияси қўл остидаги аҳоли томонидан Қўқон савдогарлари таланганлигини маълум қилиб, уларга нисбатан чора кўриш талаб қилинади³². Шунингдек, Сибирга қирғий қуши учун юборилган Келтибек номли Қўқон фуқароси ўз одамлари билан маҳаллий чор ҳукумати томонидан ушланиб қамоққа олинган. Буларнинг сабабини аниқлаш ва уларни озод қилиш учун элчилар юборилган.

Қўқон хонлиги томонидан 1841 йилда июнда Тошкентда Эшон Соҳибзода бошчилигида 35 кишидан иборат элчиларнинг Россияга юборилганлиги маълумдир³³.

Ғарбий Сибирь генерал-губернаторининг ҳукуматга ёзган рапортидан маълум бўлишича, элчилар Қўқон хони ва Тошкент қўшбегисининг

³¹ Ўша жойда, д.61, св.4. 8-б.

³² Ўша жойда, 8-9 б.

³³ Ўша жойда, 415-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 145-б.

хатларини совғалар билан бирликда олиб борганлар. Бу эсдалик совғалари 12 та аргумоқ, бир неча ипак рўмол, чинни идиш ва бошқа нарсалардан иборат бўлган³⁴.

Қўқон хони императорга ёзган хатида, «Қўқон хонлигининг чор Россияси подшолари билан дўстлик алоқаларини қадимдан, ота-боболар давридан бошланиб, бу алоқалар ҳар икки давлат халқларининг бир-бирига яқинлашувига ва савдо алоқаларининг гуллаб-яшнашига олиб келганлигини баён этади. Император жаноби олийлари бизларни бир-бирларимизга юбораётган элчиларимиз сиз билан бизнинг ўртамызда дўстлик ипларини боғловчи восита бўлсинлар. Бизлар эса уларга мадад бериб уларни қўллаб-қувватлайлик. Подшо ва хонларнинг кучи бирликдадир. Бизнинг элчиларимиз сизнинг ҳузурингизда нимаики гапирсалар рост деб биласиз ва уларга марҳаматлар кўрсатасиз. Ғоят сизнинг ҳам элчиларингиз бизда ҳам ундоғ мурувватларга эришгайлар», - дейилади³⁵.

Шунингдек, Тошкент қўшбегиси Сибирь генерал-губернаторига ёзган хатида, Қўқон хони Муҳаммад Шералихон ва ўзи номидан императорнинг меросхўр ўғли (валиаҳди)ни уйланганлиги билан табриклаш ва унга совғалар топшириш учун элчиларнинг Тошкентдан Муҳаммад Соҳибзода бошчилигида жўнатилганлигини айтилиб, уларни Петербургда эсон-омон бориб келишлари учун генерал-губернаторининг ёрдам кўрсатишини илтимос қилади. Шунингдек, элчиларнинг дўстлик мақсади билан подшо саройига бораётганлигини хатда қайд қилинади³⁶.

Элчиларнинг маълумотига қараганда, Англия Қўқон хонлиги билан анчадан бери қизиқиб келган. У билан савдо-сотик ва яхши қўшничилик алоқаларини Ҳиндистон ва Афғонистон орқали олиб бормоқчи. Лекин бунга Қўқон хони рози эмас. Ҳатто Қўқон элчилари Хивадан қайтиб келаётганларида у ердаги Англия вакиллари, Мадалихон номига хат ёзиб, ўзларининг хон томонидан қабул қилинишини илтимос қилган.

³⁴ ҚР МДА, 415-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 146-б.

³⁵ Уша жойда, 338-фонд 1-рўйхат, 99-иш, 146-147-б.

³⁶ Туркестанский край. Том III, 1841. 83-84-б; Яна қар.: ЎзМДА, 415-фонд, 1-рўйхат, 147-б.

Қўқон хони уларнинг хатига жавоб бермаганлигига қарамай, улар юзсизларча Туркистон ва ундан Қўқонга борганлар³⁷.

Подшо Николай I қабулида Қўқон элчиларининг бошлиғи чор ҳукумати олдига қуйидаги таклифларни қўяди: Қўқон ва Тошкент савдогарларининг Сибирь йўналишларида савдо алоқаларини олиб боришларида чор ҳукумати томонидан ҳомийлик кўрсатиш ҳамда улардан ҳеч қандай бож олмаслик. Шунингдек, узоқ вақтлардан бери Семипалатинск ва Перопавловскда Қўқон хонлигининг савдо вакили Кенжатоёв ва яна иккита қўқонлик савдогарни ҳар икки томон ўртасидаги савдонинг ривожлантириш соҳасидаги хизматларини ҳисобга олиб Россия давлатининг медаллари ва пул мукофоти билан тақдирлаш, ҳамда Қўқонда Макка-Мадинага боровчи кишилар учун Россия орқали бориб келишларига рухсат сўрайди³⁸.

Чор Россияси ҳукумати Қўқон элчиларининг таклифини қабул қилади. Ҳамда бу таклифларини бажариш учун Сибирь генерал-губернаторига қўқонлик савдогарларга Сибирь шаҳарларида эркин ва бож-солиқсиз савдо қилишлари учун ғамхўрлик кўрсатиш ҳақида кўрсатма беради.

Шунингдек, савдо алоқаларини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун савдогарлардан Кенжатоёв ва унинг шерикларини 40-100 сўмгача пул мукофот билан тақдирланди³⁹.

Чор Россияси ҳукумати қўқонлик ва тошкентликларнинг Ғарбий Сибирь орқали Маккага бориб келишлари ҳақидаги таклифига агар хоннинг фуқаролари Россиянинг қонун-қоидаларини бузмай унга бўйсунсалар, у вақтда бу ҳудуд орқали уларнинг бемалол қатнашликлари мумкин деб жавоб қилинади⁴⁰.

Шундай қилиб, Қўқон элчиларининг фаолиятлари муваффақият билан якунланиб, дўстлик вазиятида ўтади. Элчилар ва улар орқали Мадалихонга рус қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилади. Элчилар билан борган савдо қарвонларидан бож солиқ олинмайди. Улар ўз ватанларига қайтиб келадилар.

³⁷ Ўз Р МДА, 415-фонд, 1-рўйхат, 147-148-б.

³⁸ Туркестанский край. Том III, 1841. С. 81.

³⁹ Ўша жойда, 96-98-б.

⁴⁰ Ўша жойда, 99-101-б.

XIX асрнинг 40-йилларида Қўқон хонлигининг Бухоро амири Насрулло томонидан босиб олиниши ва Мадалихон 1842 йилда ўлдирилиш орқасида Россия билан элчилик ва савдо алоқалари сусайиб кетади. Шу йиллар мобайнида Қўқон хонлигидан айрим элчиларгина борган холос.

Ғарбий Сибирь корпусининг генерали Горчаковскийнинг ҳарбий министр Чернешовга ёзган рапортидан маълум бўлишича, 1844 йил августида Қўқон хони Шералихон томонидан Ғарбий Сибирга Ниёз Муҳаммад Неъматов бошчилигидаги элчилар юборилади. Элчиларни Омскда чор маҳаллий ҳукумат вакиллари яхши кутиб оладилар⁴¹.

Ниёз Муҳаммад Неъматов Қўқон хони Шералихоннинг Сибирь генерал-губернатори номига ёзилган ёрлигини ва совғаларини топширади.

Бу ёрликда Қўқон хонлигининг Россия билан қадим замонлардан ўзаро давом этиб келаётган дўстлик алоқаларини бундан кейин ҳам давом эттиришликни таклиф қилади ва хон бу ибратли ишни давом эттиришлик учун ўзида бўлган ҳамма чора ва тадбирларни кўришлигини маълум қилади⁴².

Чор ҳукумати вакиллари Қўқон элчиларига ҳурмат кўрсатиб, Сибирь шаҳарларининг бир нечасини уларга кўрсатадилар. Элчилар Сибирда ўзбек хонликларининг Россия билан савдо алоқаларининг йўлга қўйилиши ва ўзаро савдони ривожлантириш билан қизиқадилар.

Генерал Горчаковнинг ҳукуматга ёзган рапортидан маълум бўлишича, Ниёз Муҳаммад Неъматов яхши ўқимишли киши бўлган. Лекин Ниёз Муҳаммад ўз элчилик фаолиятида ўз ватанига тегишли муҳим маълумотларни Сибирь маҳаллий ҳокимиятига бериб, ўз ватанига хоинлик қилган, чунончи, Горчаков, Ниёз Муҳаммад томонидан тузилиб, ҳарбий объектлар ўрнашган ўринларни акс эттирилган ва улар ҳақида аниқ, қисқа ёзма равишда тушунтириш берилган Қўқон хонлигининг харитаси сотиб олинганлиги ҳақида ҳарбий министрга маълум қилди⁴³.

⁴¹ Ўша жойда, 100-б.

⁴² Ўша жойда, 3-б.

⁴³ Туркестанский край. Том III, 1841. С. 4-5.

Бундай фактнинг бўлишидан кўринадики, рус давлатига борган Қўқон элчиларининг айримлари чор Россиясининг хонлик ичидаги жосусларига айланиб, ўз хизматлари эвазига улардан ҳақ олиб турганлар.

XIX асрнинг 50-йилларида чор ҳукуматининг Қозоғистон ҳудудининг катта қисмини эгаллаши ва Қўқон хонлигининг ерларига кириб келиши, ҳатто Қўқоннинг Оқ мачит, Янғқўрғон каби қалъаларини босиб олиши натижасида ҳар икки давлат ўртасидаги вазият ниҳоят даражада кескинлашади. Вазиятнинг бундай кескинлашуви ўртадаги элчилик алоқаларининг муваффақиятли боришига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Ҳатто ҳар икки томон ўртасида ҳарбий тўқнашувлар бўлган. 1855 йил июнида Тошкент қўшбегисининг ташаббуси билан Тошкент ва қўқонликлардан иборат бўлган қўшин чор ҳукумати қўл остида бўлган қозоқлар устига ҳужум қилиб, 400 дан ортиқ хонадонни талаган ва уларнинг мол-мулки ва чорва молларини одамлари билан ҳайдаб олиб кетган⁴⁴. Бу қозоқларнинг айримлари катта тўлов тўлаш ҳисобига қуллик ва асирликдан озод қилинган⁴⁵. Бунга жавобан, Россияда яшаётган қўқонликлар маълум даражада чор ҳукумати томонидан сиқиқ остига олинган.

Қўқон хони чор ҳукумати билан алоқани юмшатиш учун Қўқондан элчиларни юборишни зарур деб билди. 1855 йил ёз ойларида Қўқон хонлигидан Чигатой Тўлаганов бошчилигидаги элчилар Оренбург орқали Россияга жўнайдилар. Бироқ, элчилар Оқ-мачитда генерал-майор Бюрно томонидан ушланиб 1857 йилгача қамоқда сақланади. Элчиларга Қўқон хонлигининг Россиядаги айғоқчиси деб айб қўйилади. Ҳақиқатда эса, элчиларнинг вазифаси Россия билан савдо ва элчилик алоқаларини йўлга қўйиш, савдо карвонларининг кўчманчилар томонидан таланишига барҳам бериш ва ҳарбий асирларни алмаштириш масаласини келишиш эди⁴⁶.

Чор ҳукуматининг Қўқон хонлигига нисбатан тутган мавқеини Оренбург генерал-губернаторининг Тошкент қўшбегиси номига ёзган

⁴⁴ Оренбург Вилоят Давлат Архиви, 6-фонд, 10/3-рўйхат, 5-иш. 253-254-б.

⁴⁵ Ўша жойда, 254-б.

⁴⁶ Ўша жойда, 255-б.

хатидан кўриш мумкин. Хатда чор қўшинларининг Оқ мачит ва Кумуш кўрғонни эгаллаганликлари айтилиб, чор ҳукумати томонидан Сирдарё қозоқларини ўз ҳимояси остига олганлигини айтилади. -Агар, - дейилади хатда, - Кўқон хони биз билан яхши қўшничилик алоқасида яшашни истаса, бундан кейин, чегараларда ҳеч қандай ҳарбий қалъалар қурмасликлари керак. Ҳамда душманлик сиёсатини тўхтатсин. Бу ҳақда хонингизга хабар қилинг ва бизга тезлик билан жавоб қилинг. Шундагина биз сизларнинг юборган элчиларингизни Оренбургда қабул қиламиз, - деган⁴⁷.

Кўқон хонлиги чор Россиясининг бутун Қозоғистонни эгаллаш сиёсатига анча кучли тўсиқ ҳисобланган. Шунинг учун, чор Россияси давлати ўзининг босқинчилик сиёсатини амалга оширишда биринчи галда Кўқон хонлиги билан тўқнашади. Ҳар томонлама кучли ва интизомли чор ҳукуматининг аскарлари бирин-кетин Кўқон хонлигига тегишли қалъаларни тор-мор қилиб, Тошкент томон яқинлашиб боради. Чунончи, Кумуш кўрғон ва бошқа қалъалар чор ҳукумати аскарлари томонидан бузиб ташланади.

Шундай қилиб, XIX асрнинг 50-йилларида чор ҳукумати отряди Еттисувда Таугбек номли Кўқон қалъасини ва йирик ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган Оқ мачит кўрғонини босиб олади. Шу билан биргалликда Қозоғистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олади.

Ниҳоят, 1864 йилда Туркистоннинг чор Россияси томонидан эгалланиши Тошкент ва умуман Кўқон хонлиги учун катта хавф туғдирди.

Чимкентни эгаллаш учун чор қўшини оғир жанглар қилганлар. Лекин галабага эриша олмагач, Кўқон лашкарбошлиғи Алиқули ҳузурига Н. А. Северцов номли элчи келиб сулҳ тузишни таклиф қилади. Бу таклиф хон, сардор ва амалдорлар томонидан муҳокама қилиниб, фикр алмашиув ўтказилади. Айрим амалдорлар сулҳ тузишни қувватлаган бўлсалар-да, бошқа бир гуруҳ кишилар, шу жумладан, Тошкент амалдорлари унга қарши чиқиб, сулҳ тузиш алдашлик нуқтаи-назаридан таклиф этилаётганлигини уқдириб ўтдилар. Пировардида чор

⁴⁷ Г а л к и н М. Краткая записка об исторических правах России на Кокандские города Туркестан и Ташкент. //Туркестанский сборник. -Т.: 21. С. 257-258.

ҳукумати отрядининг Туркистонга қайтиб кетиши ҳақида уларнинг элчиси билан келишилди⁴⁸.

Шунга мувофиқ чор қўшинлари Туркистонга йўл олади. Тошкентдан Бухоро ва Қўқон хонликларига чор ҳукумати отрядларига қарши курашмоқ учун хат билан элчилар юборилади. Қўқонга юборилган элчи йўлда Тошкентдан қочиб бораётган қўқонликларнинг орқасидан етиб бориб, уларга хатни топширади. Лекин улардан ёрдам бўлмайди. Ниҳоят, Тошкент 1865 йил май-июнь ойларида чор Россияси томонидан урушиб олинади. Тошкент мудофааси, Алиқули амирлашкар бошчилигида олиб борилган урушлар, аҳолининг қаҳрамонлиги, Тошкент даҳалари раҳбарларининг олиб борган сиёсатлари маҳаллий тарихчилар асарларида ҳам кенг ёритилган. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий, Муҳаммад Солиҳ хожа, Абу Убайдуллоҳ Тошкандий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида чор Россияси босқинининг тафсилотларини ўқишимиз мумкин. Афсусуки, ҳозиргача бу маълумотлар кенг илмий жамоатчилик ва тарих билан қизиққан ўқувчиларга етиб бормаган.

1865 йил сентябр ойида Оренбург генерал-губернатори Крижановский Тошкентга келиб, шаҳарни мустақил деб эълон қилди. Буни у Тошкент, Қўқон ва Бухоро хонлигининг таъсирига берилиб кетмаслиги учун қилган эди. Чунки бу пайтларда шаҳардаги айрим гуруҳлар орасида Қўқон ва Бухоро хонликларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ҳаракатлари сезилмоқда эди. Бунинг устига Бухоро амири Музаффар Тошкентга элчи юбориб, Черняевдан чор қўшинларини олиб чиқиб кетишини талаб қилмоқда эди.

1866 йили март ойида Крижановскийнинг чор ҳукуматида қилган таклифи билан Черняев ўрнига генерал Д. И. Романовский тайинланди.

Ниҳоят, 1867 йилда Сирдарё ва Семироченск (Еттисув) областларини ўз ичига олган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, бу мансабга генерал - К. П. Кауфман тайинланади. Тошкент эса унинг

⁴⁸ Э и я е в Х. Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши. -Т.: Фан, 1967. 47-б. Яна қаранг: М у х а м м а д Ю н у с Т о й и б. Тарихи Алиқули амирлашкар. // Шарқ юлдузи. 1995. 1-2-сон.

маркази бўлиб қолади. Марказий чор ҳукуматининг кўрсатмаси билан Туркистон генерал-губернаторлиги Қўқон хонлиги билан савдо ва элчилик алоқаларини тиклаш учун йўл-йўриқлар белгилади⁴⁹. 1865 йилда урушлар муносабати билан ҳар икки ўртадаги савдо алоқалари тўхтаб қолган эди. Бу алоқа 1865 йилнинг охирида тикланди. Шу йил Хлудовга қарашли савдо карвони Тошкентдан Қўқонга келади. Хлудов ва унинг гумашталари Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топганидан сўнг биринчи марта Қўқон хонлиги билан савдо алоқаларини тиклашга ташаббус кўрсатган киши эди⁵⁰.

1867 йилда Қўқон хонлиги шаҳарларида савдо қилиш учун Тошкентдан Арзамасцевга қарашли савдогарлар борадилар. Уларни Қўқон хони Худоёрхон ва унинг амалдорлари ҳурмат билан қабул қиладилар. Россиялик савдогарларга Қўқонда муваффақиятли савдо қилишлари учун шароит яратилиб берилади. Ҳар қандай тасодифни олдини олиш мақсадида хон амалдорлари русларни кузатиб борганлар. Шу даврда «Биржовие Ведомости» газетасида, рус савдогарлари Қўқоннинг кўча ва бозорларида пайдо бўлишлари амри маҳолдир. Савдогарларимиз Қўқонга ҳарбий отряд ҳимоясида бориб келаяпти, кўчаларда эса хон амалдорлари томонидан кузатиб юрилади. Шунинг учун ҳам ўзлари билан олиб борган молларини карвон саройларда улгуржисига сотмоқдалар⁵¹, - деб кўрсатган эди.

Хлудовнинг газетага берган ахборотидан аниқланишича, шу йили Тошкентдан савдо қилиш учун Қўқонга борган савдогарларга чор ҳукуматининг айғоқчиси деб айб қўйилган ва улар қамоққа олинган. Уларни қутқариш учун Қўқон хонлигининг бош министрига 15000 сўм пора берган⁵².

Кауфман Қўқон хонлиги билан дарҳол савдо ва элчилик алоқаларини тиклаш мақсадида музокаралар олиб боришни Қўқон хони Худоёрхонга таклиф этган. Чунки Тошкентни Туркистон генерал-губернаторлигининг марказига айлантириш билан савдо маркази

⁴⁹ Биржевые ведомости, № 250 за 1867 г. Яна қар.: Туркестанский сборник. -Т., I, С. 83.

⁵⁰ Уша жойда.

⁵¹ Х л у д о в В. Наши торговые положения в Средней Азии // Биржевые ведомости, № 169. / Яна қар.: Туркестанский сборник. Том II, С. 113.

⁵² СПб МДА, 1396-фонд, 2-рўйхат, 44-иш, 70-б. и об.

сифатида роли кун сайин ошиб бормоқда эди.

Ўз навбатида Қўқон хонлиги шаҳарларида ҳам рус молларига бўлган талаб кун сайин ўсиб бормоқда эди. Хонликнинг Россия билан савдо муносабатларини савдодан манфаатдор бўлган гуруҳлар талаб қилмоқда эди.

Мазкур бўлимнинг асосий хулосаси шундан иборатки, Қўқон ва Россия ўрталаридаги муносабатлар XIX асрнинг бошларида асосан Тошкент ва Жанубий Қозоғистон ерларининг Қўқон хонлиги тобелигига ўтиши билан бошланган. Тошкент ва Дашти Қипчоқ вилояти хонликнинг энг катта даромадли ҳокимликларидан бири бўлган. 1811 йилдан 1842 йилгача бу мулкда ҳокимлик қилган лашкар бекларбеги чор Россияга нисбатан баъзан мустақил тарзда сиёсат олиб борган. Қозоқлар яшайдиган ҳудудларнинг кетма-кет чор Россияси таркибига ва у ерда яшаётган аҳолининг давлат ҳимоясига олиниши Қўқон хонлигига тушадиган даромадни камайишига олиб келди. Тошкент ва Россия ўртасидаги муносабатлар ҳам шу сиёсат натижасида баъзан кескинлашиб кетди. XIX асрнинг 20-30 ва 40-йилларида Қўқон - Россия элчилик муносабатлари асосан чегара масалалари, савдо-сотиқ ва асирлар устида бўлиб ўтган. XIX аср ўрталарида эса бу муносабатлар ҳарбий моҳият касб эта бошлади.

3.2. Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилиши давридаги Қўқон-Россия муносабатлари

Чор Россияси томонидан босиб олинган ерлар ўз давлатининг таркибига қўшиб олиниб, унга қонуний мавқе бериш учун Ўрта Осиёда давлат тузилмаси - Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Аввалларида чоризмнинг бу ҳарбий-маъмурий тузилмаси қолган давлатлар билан тинч ва осойишталик билан умрини ўтказмоқчи бўлиб, «маданий тарзда» (Туркистонни зўрлик билан босиб олгандан сўнг) ўзаро муносабатларини олиб бормоқчи бўлди. Аммо ҳар қандай мустамлакачи давлатлардек чор Россияси ҳам «ажрат ва бўлиб-бўлиб ҳукумронлик қил» шиори остида иш олиб борди. Ушбу боб Туркистон генерал-губернаторлиги Қўқон хонлиги билан олиб борган элчилик

муносабатлари ҳақида сўз юритилади.

Кўқон хонлиги билан элчилик алоқаларини тиклашда биринчи бўлиб, К. П. фон-Кауфман ташаббус кўрсатди. 1867 йил 14 ноябрда Худоёрхон номига ёзилган хат билан Туркистон генерал-губернаторлигининг вакиллари Кўқонга келдилар⁵³. Генерал Кауфман ўз хатида: «Орол денгизидан бошлаб, Сирдарёнинг ҳар икки томонидан Хива, Бухоро ва сизнинг чегарангизгача ва ундан Хитойгача бўлган ерлар ва уларнинг халқларини идора қилишни император жаноби олийлари менга топширдилар», - деган. Шунингдек у: «Сиз жаноб олийлари, улуғ ва қудратли Россия давлати билан Кўқон ҳукумати ўртасида ўзаро тинч ва осойишталикнинг бўлиши бизнинг ва Кўқон халқининг келажаги учун жуда катта аҳамиятга эга бўлишини тушунасиз», - деб кўрсатган. Шу билан биргаликда генерал ўртадаги келишмовчиликларни ҳамжиҳатлик билан хал қилиш ниятида Кўқон элчиларини Тошкентга юборишини сўради⁵⁴. Рус вакиллари яқин вақт ичида Тошкентдан Кўқонга чор ҳукумати номидан элчиларнинг боришлигини Худоёрхонга маълум қилдилар.

1867 йилнинг ёз ойларида Хўжандга генерал Кауфманнинг келиши ва яхши қуролланган чор армиясининг кўплаб тўпланиши ва уларнинг ҳарбий машқлар ўтказаетганлиги Кўқон аҳолиси ўртасидаги саросимани вужудга келтирди. Чор Россияси қўшинлари Кўқонга ҳужум қилар эмиш деган гаплар тарқалди.

Хон ўз ҳарбий кучларини ҳужумга қарши шайлай бошлади. Бу аҳвол ўртадаги вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлди. Ҳар икки томон ўртасидаги савдо қарвонларининг қатнови сусайиб кетди.

Бу ўртадаги кескин вазиятни юмшатиш мақсадида Кауфман Худоёрхонга шу йилнинг 19 ноябрида юборган хати орқали, ўзини: «Туркистонга оқ подшо томонидан қўшни давлатлар билан уруш олиб бориш учун эмас, балки, тартиб-интизом ўрнатиш учун юборилган-миз»⁵⁵, - деди.

Биз чегараларда армияни ўз ҳудудимизни кенгайтириш мақсадида эмас, балки, қўшниларимиз ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун сақлай-

⁵³ СПб МДТА, 1396-фонд, 2-рўйхат 44-иш, 70-71-б.

⁵⁴ Ўша жойда, 70-б.

⁵⁵ Ўша жойда.

миз, - деб ёзилган эди хатда. Шунингдек, Кауфман ҳеч қачон чор ҳукуматининг Қўқон устига ҳужум қилмаслигини билдириб, ишонтирмоқчи бўлди⁵⁶.

Хатнинг охирида дўстлик асосида савдо алоқаларини олиб бориш таклиф қилинган эди. Генерал Кауфманнинг таклифига мувофиқ, 1867 йил ноябрида Қўқон хонлигидан Саримсоқ хўжа бошлиқ элчилар Тошкентга келадилар. Элчилар генерал Кауфман бошлиқ Туркистон генерал-губернаторлигининг амалдорлари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари иштирокида қабул қилади.

Қабул маросимида Саримсоқ хўжа, Худоёрхон томонидан генерал Кауфманга ёзилган хатини эсдалик совғалари билан топширади. Хатда қўқонликлар билан оқ подшо ўртасида қадим замонлардан бошлаб дўстлик алоқалари ва савдонинг давом этганлигини уқтириш билан биргаликда, бундан кейин ҳам ушбу алоқани янада давом эттириш ва гуллаб-яшнатишнинг тарафдори эканлигини маълум қилади ҳамда Саримсоқ хўжани Қўқон хонлигининг Тошкентдаги вакили деб билишни генералдан сўраган⁵⁷.

Худоёрхон ўша хатда русларга қарши ўзининг ҳеч қандай душманлик ниятлари йўқ эканлигини ҳам билдириб, «... Хўжандда биз ҳар йилги одатга кўра ҳарбий йиғин ўтказиб, аскарларни кийим-кечак билан таъминлардик. Қўқонликларнинг сизларга қарши тайёрланаяпти деган миш-миш гаплари ёлғон, сизлар бу гапларга эътибор бермангизлар», - деди. Бу билан хон Хўжанд атрофида чор қўшинларига ҳужум қилиш учун кўрган тайёргарлигини ҳамда Бухоро ва Хива хони олдига элчи юбориб, душманга қарши «Мусулмон динини» мудофаа қилиш учун «кофирларга қарши» уруш олиб бориш мақсадида иттифоқлар тузишни таклиф қилганлигини яшириб, ўзини оқламоқчи бўлди⁵⁸.

Кауфман Қўқон элчиларининг маросимида сўзлаган нутқида: - «...бир неча асрлардан бери уруш ва тўполонлар давом этиб келган ўлкага оқ подшо томонидан тартиб ва тинчлик ўрнатиш учун юборилганлигини билдириб, рус давлати дўстлик муносабатларини қўшни

⁵⁶ Ўша жойда.

⁵⁷ СПб МДТА, 1396-фонд, 2-рўйхат 44-иш, 75-б.

⁵⁸ Ўша жойда, 76-б.

давлатлар билан доимо давом эттириши тарафдори эканлиги ҳақида сўзлади. Шунингдек у, Қўқон хони биз билан дўстликни истар экан, биз бу таклифни қўллаб-қувватлаймиз, ҳар икки томон ўртасидаги савдо ва элчилик алоқаларини бундан буён ҳам самарали олиб боришни йўлга қўйиш учун яқин вақтларда ўз вакилларимизни Қўқонга юборамиз», - деди⁵⁹.

Кауфманнинг П. М. Горчаковга 1868 йил март ойида ёзган ахборотидан маълум бўлишича, Қўқон элчиси Саримсоқ хўжа ўз хони номидан Россия давлати билан дўстлик ва савдо алоқасини ўрнатишни таклиф қилган⁶⁰.

Кауфман уларга дўстлик ўрнатиш тўғрисида оғзаки гапириш кифоя қилмаслигини эслатиб, дўстлик ва савдони йўлга қўйиш тўғрисида ҳар икки давлат ўртасида ёзма шартнома тузишни таклиф қилади ва бунини йўлаб кўришни элчилар орқали Худоёрхонга таклиф қилади⁶¹.

1867 йил декабрь ойида Қўқон элчилари ўз ватанларига қайтдилар. Улар билан биргаликда Кауфман томонидан ваъда қилинган Туркистон генерал-губернаторининг элчилари ҳам генерал штаб палковниги А. В. Фон Шауфус бошчилигида Қўқонга жўнайдилар. Уларнинг сафида Буниковский, Акчурун, Хорошкин, Абдиевлар бўлиб, улар тоғ ишлари бўйича мутахассис кишилар эди. Уларга Қўқон хонлигидан Тошкентга борадиган йўлларни ҳамда хонликнинг ички аҳволини ўрганиш, айниқса, чор Россиясига бўлган муносабатини аниқлаш ва хонлик территориясидаги қазилма бойликларни қазиб олиш масаласида хон билан келишиш ҳамда хонлик шаҳарларида рус савдогарларининг эркин савдо қил: ишларини таъминлаш масаласини келишиш вазифаси юкланган эди. Бундан ташқари элчилар Туркистон генерал-губернатори номидан Қўқон хонлиги билан ўзаро савдога доир шартнома тузишлари керак эди.

Элчилар Қўқон хонлигига келишларидан мақсадлари хонлик ичида разведка қилиш ва Қўқон хонлигини чор Россиясига қарам қилишдан иборат шартномани рас мийлаштиришдан иборат эди.

⁵⁹ Ўша жойда, 65-69-б.

⁶⁰ Ўша жойда, 68-б.

⁶¹ СПб МДТА. 1396-Фонд. 2-рўйхат, 44-иш, 68-69-б.

Хон саройида Худоёрхон томонидан қабул маросимида полковник Шауфус, ўзининг генерал-губернатор топшириғига мувофиқ Қўқон хони билан дўстлик ва савдо алоқаларини ўрнатиш учун келганлигини маълум қилди. Шундан кейин у Туркистон генерал-губернатори томонидан тақдим қилинган қуйидаги мазмундаги шартнома матнини Худоёрхонга топширди:

1. Қўқон хонлигининг барча шаҳар ва қишлоқлари рус савдогарлари учун очиқ бўлиши керак.

2. Россия савдогарлари Қўқонда ўзлари истаган карвонсаройларга тушишлари мумкин. Қўқон савдогарлари ҳам рус шаҳарларида худди шундай ҳуқуққа эгадирлар.

3. Савдо ишларининг боришини ва бож олишнинг қонуний бўлишини назорат қилиш учун рус савдогарларига, улар истаган тақдирда хонликнинг барча шаҳарларида ўз савдо агентлари (карвонбошилари)га эга бўлиш ҳуқуқи берилади. Бу ҳуқуқ Туркистон ўлкаси чегараларида Қўқон савдогарларига ҳам берилади.

4. Чор Россияси чегараларидан Қўқонга, шунингдек у ердан Россияга келтириладиган барча моллардан Туркистон ўлкасида қанча бўлса, шунча, яъни ўз қийматининг 2,5 фоизи миқдорида бож олинади.

5. Рус савдогарларига, уларнинг карвонлари билан бирга Қўқон ерларидан хонлик билан қўшни давлатларга тўхтовсиз ўтиш ҳуқуқи берилади⁶².

Бундан ташқари, Шауфус хонга унинг ҳудудидаги ер ости бойликларини қидириш ишларини олиб боришга рухсат берилишини сўради.

Шауфус Қўқонда бўлган пайтида бир неча сарой амалдорларининг рус давлатига ва унинг таклиф қилган шартномасига нисбатан қарашини аниқлаш учун улар билан суҳбатлар ўтказди. Шауфуснинг хонлик ҳудудида ер ости ёки нефтдан фойдаланиш ҳақидаги таклифларга хон Андижон атрофидаги тоғли районларга бориш йўли ноқулай, «ҳозир у ерларга бориб бўлмайди», - деган баҳона билан унинг бу таклифини рад этди. Агар руслар хоҳласа, Бешкент томондаги ерларда фойдали қазилмаларни қидириш ишларини олиб боришларига рухсат берди⁶³.

⁶² Ўша жойда, 76-б.

⁶³ СПб МДТА, 1396-фонд, 2-рўйхат, 44-иш, 76-77-б.

Рус элчилари хонликнинг ички аҳволи ҳақида кўпгина материаллар тўплаб Тошкентга қайтадилар. Шауфус ўзининг генерал-губернатор номига ёзган ахборотида Қўқон хонлиги ҳақида тўплаган барча маълумотларини ва элчиларнинг Қўқонда кўрсатган таъсирини баён қилади. Афсуски, биз ушбу ахборот билан архивларда сақланмаганлиги учун таниша олмадик. Бироқ, бошқа бир ҳужжатда Шауфус Қўқон хонлиги тўғрисида ўз фикрларини Кауфманга баён қилиб, хон ҳукумати чор Россиясига душманлик руҳида бўлган халқ оммасига қаттиқ таянган холда, чор Россияси томонидан эгалланган ҳудудларнинг қайтарилиши учун қулай пайт кутаётганлигини, ҳатто бу мақсадни кўзлаб Қашғар ҳокими Якуббек билан келишганлигини уқтириб ўтади⁶⁴.

Рус элчиларининг таклиф қилган шартномаси хонликни чор Россиясига қарам қилиб қўяр эди. Бу масала юзасидан Худоёрхон ўз беқлари билан бир неча марта йиғилиш ўтказди. Ниҳоят, хон ҳукумати чор Россиясига қарши уруш олиб боришга ўзининг ожизлигини ҳисобга олиб, шартноманинг 1 ва 5-моддаларини қисқартириш таклифи билан Саримсоқ хўжани 1866 йил январда Тошкентга юборади. У Кауфманга Худоёрхоннинг хатини ва эсдалик совгаларини топширади. Совгалар олтидан ишланган эгар-жабдуқли энг яхши бир от, икки дона энг яхши теридан тўқилган пўстин, 14 кийимлик атлас, чинни асбоблар ва бошқа нарсалардан иборат эди⁶⁵.

Худоёрхон ўз хатида шартномага мувофиқ, рус савдогарларидан олинадиган солиқларни 1/40 ҳисобида қисқартирилганлигини маълум қилган. Шунингдек, Қўқон шаҳридаги энг яхши карвонсаройлардан бирини руслар учун ажратилганлигини маълум қилади. Лекин дейилади, - хон ўз хатида, - рус фуқаролари ҳозиргача хонликнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида бўлган эмаслар ва уларнинг карвонсаройлари ҳам йўқ. Агар биз сизларнинг фуқароларингизни у ерларда бўлишларига рухсат берсак, ўша атрофдаги кўчманчи аҳоли тушунмаслиги натижасида сизларнинг савдогарларингизга ва уларнинг молларига зарар етказиши мумкин. Биз уларга бундай қилмаслик тўғрисида буйруқ беролмаймиз»⁶⁶.

⁶⁴ Ўша жойда, 76-б.

⁶⁵ Ўша жойда, 75-б.

⁶⁶ СПБ МДТА, 1396-фонд, 2-рўйхат 44-иш, 75-б.

Шу билан бирга Худоёрхон чор Россияси билан алоқаларни ўрнатиш таклифи билан оқ подшо олдиға ўз элчиларини юборишга Кауфмандан рухсат сўрайди.

Қўқон элчилари 1868 йилнинг январ ойида ўз ватанларига қайтадилар. Кауфман ўзининг элчилари орқали Худоёрхон номига ёзилган жавоб хатида, шартномага нисбатан хоннинг берган жавобига қаноатланмаганлигини билдириб, «Қўқон шаҳар ва қишлоқларида рус савдогарларига нисбатан ёмон муносабатда бўладиган шахсларга, агар хон томонидан чора кўрилмаса, ўзи уларга нисбатан чора кўришга тайёр эканлигини маълум қилади, «Уларга нисбатан, - деб ёзган эди Кауфман, - сизнинг ёки менинг ҳукмронлигимиз бўлиши керак»⁶⁷.

Кауфман Қўқон хонлигидан Петербургга элчиларни юбориш масаласига рад жавобини бериб, император қўшни давлатлар билан ҳар қандай масалаларга доир ишларни ҳал қилишлигини унга топширганлигини маълум қилади.

Шартномани тўла қабул қилмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунган хон ҳукумати Туркистон генерал-губернатори томонидан қўйилган шартларни қабул қилишга рози бўлади.

Худоёрхон томонидан Қўқоннинг Россия билан савдо алоқаларида муҳим рол ўйнаган йирик қўқонлик савдогар Мирза Ҳакимни Қўқон хонлигининг Тошкентдаги доимий элчиси қилиб юборади. Шундан кейин 1868 йил 13 февралда Қўқондан Саримсоқ хўжа Тошкентга хоннинг топшириғи билан келиб Худоёрхон томонидан тасдиқлаб печат босилган шартномани ва хон хатини Кауфманга топширади⁶⁸.

Худоёрхон томонидан шартноманинг тасдиқланиши, қора-қирғиз ва кипчоқлар билан биргаликда, ҳокимиятни қўлга олиш учун ҳаракат қилиб юрган Андижон ва Марғилонда ҳукмронлик қилаётган хоннинг ўғиллари ва бекларни унга қарши очиқдан-очиқ кураш бошлашларига баҳона бўлди. Улар хонни чор ҳукуматиға сотилганликда айблаб, унга қарши бош кўтардилар. Ҳатто, улар Шауфус бошлиқ элчилар Қўқонга келган вақтда, «...Худоёрхон хонлигини душманга 50 ёки 60 минг

⁶⁷ Ўша жойда, 78-б.

⁶⁸ Ўша жойда, 75 ва 76-б. Орқаси.

червонга сотди. Энди рус вакиллари хонликни қабул қилиб олиш учун келдилар», - деган миш-миш гапни халқ ўртасида кенг тарқатдилар.

Натижада Қўқон аҳолиси ўртасида хонга нисбатан ғазаб авж олди. Кўча ва бозорларда чор Россияси тобелигидаги савдогарлар калтакланди, ҳатто улар билан маҳаллий аҳоли савдо ҳам қилмай қўйди.

Худоёрхон ўзининг Кауфманга ёзган хатида шартномадаги ҳамма мажбуриятларни тўла қабул қилганлигини ва уни сира ҳам иккиланмасдан бажаришлик билан, бундан кейин генерал-губернатор Кауфманни оқ подшо томонидан тайинланган вакил деб танишлигини билдирди ва ҳатто Қўқон хонлиги шаҳарларига ва у орқали Осиё давлатларига бориб-келиб, савдо қилувчиларга ҳам генералдан рухсат беришини сўради.

Генерал-губернатор ҳам ўз навбатида Худоёрхонга: «Бизга қўшни давлатларда хонлар билан халойиқ ўртасида низолар чиқишга буюк подшоимиз ҳеч қачон йўл қўймайди», - деган жавобларни ёзган. Шундан сўнг 1968 йили қиш фаслида Мирза Ҳаким парвоначи бошлиқ элчилар Петербургга борадилар, император уларни шахсан қабул қилади ҳамда ўз номидан Худоёрхоннинг фаолиятини мақтаган мактуб йўллайди.

1870 йилга келиб чор Россияси бош вазири князь Горчаков билан Худоёрхон ўртасида ёзишмалар бўлиб турганини Шариф Юсупов ўз тадқиқотларида таъкидлаб ўтган. Шу даврларда Қўқон хонига император оиласидаги энг нуфузли кишиларга бериладиган «Светлой» унвони берилади, жавоҳир юлдузли биринчи даражали Станислав ордени билан мушарраф этилади⁶⁹.

1871 йил 24 мартда Фон Кауфман Худоёрхонга ёзган мактубида: «Сиз «Оқ подшоҳ» нинг буюк ҳомийлигида экансиз, Сизнинг ҳар бир дўстингиз бизнинг дўстимиз, ҳар қандай душманингиз эса бизнинг ёвимиз бўлиб қолади»⁷⁰, дея жавоб ёзган.

1872 йил бошида Қўқон хонлиги тахтининг валиаҳди хонзода Насриддинбек Тошкентга келганида унинг шарафига берилган зиёфат-

⁶⁹ Юсупов Ш. Худоёрхоннинг сўнги илинжи. Биринчи мақола. // Адабиёт ва санъат, 2004. 3 декабрь

⁷⁰ Ўз МДА, 715-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 344-6.

да Фон Кауфман Худоёрхонни Ғарбга бориб, кўп нарсаларни ўрганиб қайтиб келгач, ўз мамлакатини бир неча поғона юксакликка кўтара олган Пётр I га ўхшатган, «Яшасин Худоёрхон» дея қадаҳ кўтарган ва энг тўғри йўлдан бораётган раҳнамо сифатида роса улуғлаган экан. Буни ҳам архив маълумотлари исботлаб беради.

Қўқон хонлигининг сўнги йилларида Худоёрхон тахт-тож учун талашиш гирдобидида қолган пайтларида эса Фон Кауфман унга ёрдам бериш ўрнига унга «насиҳат» қилишга ўтади. У сохта Пўлодхон қўшинларига бас кела олмаган Худоёрхонга Тошкентга келишини буюриб, уни қўриқлаб келиш учун 60 нафарлик казак аскарлари дастасини юборган Фон Кауфман хоннинг барча қаршиликларига қарамай, уни алдаб мажбуран Оренбургга жўнатади. Ва у вилоят губернаторига махсус хат ёзиб Худоёрхонни ушлаб туришга эришади.

Профессор Ш. Юсупов диққатини тортган икки ҳужжат бизга ҳам аҳамиятли бўлиб туюлди. Худоёрхон тахтни ташлаб, Хўжандда яшаётган кунлардаёқ Фон Кауфман ўз ниқобини йиртиб ташлайди ва хонлик тахтига ўтирганига беш кунгина бўлган Насриддинхонга бундай деб ёзади: «Сизга маълумдирки, узоқ йиллар давомида дўст бўлишимга қарамай, мен ҳеч қачон унинг хатти-ҳаракатини маъқуллаган эмасман»⁷¹.

Худоёрхон Петербургга бориб, адолат топиш умидида сафарга чиққач, орадан ўн кун ўтибоқ Фон Кауфман Қўқон халқига ёзган мурожаатномасида: «Сизларнинг собиқ хонингиз Худоёрни мен Петербургга жўнатдим.Энди у сизларга хон бўлмайди»⁷² деган сўзларни битади.

Орадан кўп вақт ўтмай Қўқон хонлиги ички низолар, чор Россияси маъмуриятининг бузғунчилиги, ваъдага хилофлиги натижасида бўҳрон гирдобига тушиб қолади. Тахт ва тож учун олиб борилган ўзаро низолар, амалдорларнинг хиёнатлари, давлат арбобларининг калтабинлиги, хурофот ва жаҳолат Қўқон хонлигини заифлаштирди. Чор

⁷¹ Қар.: Адабиёт ва санъат, 2004, 3 декабрь; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1 жилд, 156-б.

⁷² Қар.: Адабиёт ва санъат, 2004, 3 декабрь. Ш. Юсупов Ўз МДА, 715-фонд, 1-руйхат, 63-ишдан 46^а б. дан кўчирма келтирганлар.

Россияси маъмурияти Туркистон генерал-губернаторининг шарқий чегараларида тинчликни ўрнатиш баҳонасида Фаргона водийсини босиб олди. 1876 йил 19 февралда Қўқон давлатига расман барҳам берилди.

Хуллас, Қўқон хонлигининг Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилиши ва мавжудлиги давридаги муносабатлари, айниқса элчилик соҳасидаги алоқалари ҳарбий хусусиятларга эга бўлган. Худоёрхон ва Фон Кауфман ўртасидаги музокаралар, битилган шартномалар «дўстлик» руҳиятида олиб борилган бўлса ҳам чор Россияси давлати ва Туркистон мустамлакачилик маъмуриятининг манфаатлари ҳисоби-га амалга оширилди.

Чор Россияси маъмурияти Бухоро ва Хивани ўзига тобеъ қилгандан сўнг, Қўқон хонлигини «буфер» давлат сифатида Шарқда (Хитой чегарасида муносабатларини таранглашмаслиги учун) ушлаб турмоқчи ҳам бўлган. Хонликда содир бўлаётган ички воқеалар эса Қўқон давлатининг келажагини чор Россияси маъмуриятининг унга нисбатан кескин чоралар кўришга қулай шароит яратиб берди. Қўқон хонлигига барҳам берилгандан кейин, кўп ўтмай шарқий Туркистон Хитой томонидан босиб олинди. Яқуббек Бадавлатнинг Ёттишаҳар давлатига барҳам берилди. Чор Россияси Қўқонни босиб олгач, Хитойнинг янги ҳудудларни босиб олишига панжа орасидан қарайдиган бўлди.

Умуман олганда Қўқон хонлигига барҳам берилиши, Бухоро ва Хиванинг тобеъ давлатлар сифатида сақлаб уларга нисбатан мустамлакачилик сиёсатини олиб борган чор маъмурияти кейинчалик бу ерда чор шовинизми, руслаштириш, Россия ички ҳудудларидан аҳолини кўчириб олиб келишни амалда жорий этди. Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати тўлиқ маънода Ўрта Осиёнинг бошқа давлатларига нисбатан Қўқон хонлигида амалга оширилди.



Қўқон хонлиги ўрдасини ҳозирги кўриниши.

Х У Л О С А

Қўқон хонлигининг чор Россияси билан олиб борган алоқалари сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий соҳаларда бўлиб, унинг биринчи босқичи савдо-сотиқ ва элчилик муносабатларидан иборат бўлган. Қўқон хонлиги билан Россия империяси ўртасидаги муносабатлар ижобий ёки салбий бўлмасин, охир-оқибатда натижаси бир мамлакатнинг барҳам топиши билан яқунланди. Шу муносабатларнинг оғир, фожиали жараёни қисмати турлича давр ва замонда ҳар хил баҳоланди ва таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг манбашунослиги ва тарихшунослиги таҳлили шуни кўрсатдики, Қўқон ва Россия империяси ўртасида олиб борилган сиёсат нафақат дахлдор кишилар ва ташкилотлар, манфаатдор шахслар ва амалдорларнинг, балки маҳаллий тарихчилар диққатини ҳам ўзига тортган. Маҳаллий муаллифлардан Муҳаммад Юнусжон шиғовулгина Қўқон хонлигининг чор Россияси билан олиб борилган алоқаларига бир кичкина боб ажратган. Бошқа асарларда муаллифларнинг чор Россияси билан муносабатлар тафсилотларини чор Россиясининг Ўрта Осиёда олиб борилган босқинчилик сиёсати доирасида баён қиладилар. Баъзи асарларда эса замондош муаллифлар ўзлари кўрган ва эшитган воқеа-ҳодисаларни ўз мамлакатлари тарихи доирасида бериб, Россия империяси билан алоқадор бўлган воқеаларни ёзганлар. Муҳаммад Ҳакимхон, Абу Убайдуллоҳ Тошкандий, Аваз Муҳаммад Аттор, Мирзо Раҳим Тошкандийнинг асарларида чор Россияси босқини билан боғлиқ воқеалар кенг баён қилинади. Манбаларнинг тавсифи ва маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳали манбашунос ва тарихчи олимларимиз чор Россияси босқинига оид кўп маълумотларни илмий муносабатлар доирасига тортмаганлар. Ҳатто архивларда сақланаётган ниҳоятда қимматли бўлган маълумотлар ушбу мавзулар доирасида ишлаётган олимлар томонидан ўрғанилмаган. Архивлардан олинган маълумотлар кўпгина асарларда қайта

такрорланади, янги излаб топилган архив маълумотлардан кам тадқиқотчиларгина фойдаланмоқда, холос.

Мавзунинг тарихшунослигида ҳам чалкашликлар жуда кўп. Чор Россияси босқини даврида яратилган асарлар, маълумотномалар илмий ва оммавий адабиётларда чор Россияси босқини ва тажовузига тўғри баҳо берилган ва бу босқин мустамлакачиларнинг босқини деган хулосага келинган бўлсада, кейинчалик XX асрнинг бошларида баъзи маҳаллий «маорифпарварлар» сайъ-ҳаракатлари билан чор Россиясининг Ўрта Осиёда олиб борилган «маданий миссияси» ҳақида гапирадиган бўлишди. Мустамлакачилар эса ўртага ташланган бу ғояни яна юқори поғонага кўтариб, улар Туркистон ўлкасига абадул-абадгача ўрнашиб олганлари, «хонум Туркистон»ни бир умр бағриларига босиб олганлари, «ерлик аҳоли» - туземецлар орасида маданиятни тарқатаётганларини исботлаб бериш йўлига ўтдилар.

Шўролар даврида чор Россияси босқинига аввал чор Россиясининг Туркистонда олиб борилган сиёсати мустамлакачилик ва ҳар томонлама салбий деб баҳоланса, кейинроқ (XX асрнинг 50 йилларида) «қўшиб олиниш» ва бу «қўшиб олиниш»нинг прогрессив аҳамияти, рус, ўзбек, тожик, қирғиз ва ҳоказолар ўртасидаги абадий дўстликнинг ўрнатилиши, байналмилал иноқлик ва ҳоказолар деб баҳоланди. Россиянинг босқини, бу давлатнинг Ўрта Осиёда олиб борган мустамлакачилик сиёсати ва унинг салбий оқибатлари, маҳаллий халқларнинг бу тажовузга қарши олиб борган курашлари ҳақида очиқ ёзилмасди. Ёпиқ мавзулар ва ўрганилиши манъ қилинган тадқиқотлар сирасига маҳаллий муаллифлар асарларининг ўрганилиши ҳам киритилди.

Фақат қайта қуриш даврида ва айниқса мустақиллик йилларида Россия ва Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатлари тарихига янгича, миллий ғоялар ва давлатимиз раҳбари томонидан берилган методологик кўрсатмалари мавқеидан баҳо бериш, уларни ўрганиш бошланди.

Бу мавзунинг ёритилиши ва принципиал хулосаларга келишда ҳам анча муваффақиятларга эришилди.

Қўқон хонлигининг Россия империяси билан олиб борилган тажовузи арафаси ва даврида дипломатик муносабатларнинг тарихини ўрганиш қуйидаги хулоса ва натижаларга олиб келди:

- Қўқон хонлигидаги маҳаллий тарихчилар ўз асарларида ўзбек ва тожик тилларида хонликнинг қўшни ва узоқ мамлакатлар билан олиб борилган турли соҳалардаги алоқаларни, шу жумладан, чор Россияси билан олиб борилган элчилик муносабатларини кенг ёритганлар.

- Россия империяси мустамлакачилик даврида, шўролар замонида ҳамда мустақиллик йилларида ёзилган илмий адабиётлар ва тадқиқотларда ҳам Қўқон хонлигининг Россия билан олиб борилган муносабатларнинг баъзи жиҳатлари ёритилган. Янги миллий ва мустақиллик ғоялари асосида шу мавзуда олиб борган ишлар эса жуда ҳам кам.

- Қўқон хонлиги ва Россия ўртасидаги элчилик алоқалари XIX асрнинг бошларида, Тошкент-Қўқон хони Олимхон томонидан (1807 й.) босиб олинганидан сўнг бошланган. Аммо бу муносабатлар оддий мукофот ва совға-салом юборишдан нарига ўтмаган.

- Умархон даврида (1810-1822 й.й.) Россияга оталиқ Шакурбек бошчилигидаги элчилар ва чор Россияси томонидан Филипп Назаровнинг Қўқонга келиши, бу элчилик миссияларининг фаолияти ва натижалари Қўқон Россия алоқалари тарихида муҳим ўрин эгаллайди.

- Россия аҳли XIX аср бошлари ва ўрталарида Қўқон хонлиги худудларида асирликда бўлган аскарлари орқали хонлик ҳақида биринчи маълумотларга эга бўлган. Хонликнинг аҳолиси ҳам Россия билан савдо-сотик олиб бораётган тожиклар орқали Россия ҳақида маълумотлар олиб турган. XIX аср ўрталарида Россия ҳозирги Қозоғистоннинг шимолидаги ерларини босиб олгач, хонликка тобе бўлган истеҳком ва қалъаларга яқинлашди. Хонлик билан чор Россиясининг олиб борган муносабатлари бу даврда ҳарбий моҳият касб этади.

- Бу даврдаги ўзаро элчилик алоқалари доирасида Соатбек Султонбеков (1825 йил), Котиббек Фозилов (1827й), Турсунхўжа ва Мир Қурбонхўжалар (1829 й) элчилик миссияларини тилга олиш мумкин. XIX асрнинг 40-йилларида Қўқон хони номидан Эшон Миён Халил Соҳибзода (1841-1842 йиллар), Ниёз Муҳаммад Неъматов (1844 й), Муфти Абдулла Ашуров (1847 й)лар Россияга борганлари маълум.

- Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилгандан кейин ҳам чор Россияси Бухоро, Хива ва Қўқон давлатлари билан мустамлакачилик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз сиёсатини олиб борар эди.

- Қўқон хонлиги чор Россияси билан элчилик муносабатларини Туркистон генерал-губернатори (ярим пошшо) орқали амалга оширар эди. Шунда Қўқон давлатининг кўпгина талаб, эътироз ва илтимослари чор Россияси давлатининг масъул амалдорлари диққатига етиб бормасди. Бу даврда Худоёрхон томонидан Туркистондаги чор маъмурияти билан музокаралар олиб борган Саримсоқхўжа (1867й)нинг элчилик фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилгач Россия билан савдо-сотик ишларини олиб бораётган савдогар Мирзо Ҳакимов Қўқоннинг Тошкентдаги элчиси бўлиб қолган.

- Чор Россияси ва Қўқон ўртасида олиб борилган элчилик сиёсатини икки юзламачилик ва ваъдага хилофлик мавқеидан олиб борганини архив маълумотлари тасдиқлайди.

- Чор Россиясининг Ўрта Осиё халқлари билан олиб борган сиёсати ва амалга оширилган империалистик ғоялари бу халқларни узоқ муддат бирга яшашига, кўп синов ва қийинчиликларни бирга кўришга маҳкум этган эди. Чор Россияси тажовузи давридан кейин шўролар даврида ҳам мазкур халқлар тақдири ягона тарихий жараёнлар билан боғлиқ бўлган.

- Фақат мустақилликни қўлга киритгач ўзбек халқи ва ўзбекистонликлар мустамлака зулмидан, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан озод бўлдилар.

- Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзининг элчилик ва турли соҳалардаги алоқаларини янги кадриятлар асосида тузди ва жаҳоннинг халқаро муносабатлар тизимида ўз ўрнига маҳкам эга бўлмоқда.

Қўқон хонлигининг Россия билан элчилик алоқаларининг таҳлили бу мавзу устида олиб борилиши лозим бўлган бир қатор илмий йўналишларни кўрсатди. Келажакда бажарилиши зарур бўлган мавзулардан баъзиларини кўрсатишимиз мумкин. Булардан:

- Қўқон хонлигининг қўшни давлатлар, жумладан, Россия билан олиб борилган алоқаларини ўзларида мужассам этган манбаларни танлаб олиб улардаги маълумотларни таржима қилиб нашр этиш;

- Россия ва қўшни давлатларнинг архивларида сақланаётган мавзуга доир маълумотларни даври ва мавзуларига қараб хрестоматия шаклида чоп этиш;

- Ўзбекистон Республикаси дипломатияси тарихини ёритишда юқоридаги манбалар ва архив маълумотларидан кенг фойдаланган ҳолда дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзиш;

- Ёш авлодга, талаба ва ўқувчиларга мустақиллик ғояларини сингдириш учун ўтмишда чор Россиясининг Ўрта Осиёга нисбатан олиб борган сиёсатини исботлаш, шўролар даврида «бизни иккинчи даражали одамлар» деб қарашларини фож этиш ва озод ва обод Ватанга нисбатан меҳру муҳаббатни мустаҳкамлаш;

- Ва ниҳоят, бугунги кунларда Ўзбекистон раҳбарияти миллат ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқаро майдонда элчилик сиёсатини олиб бораётганини уқтириш.



Қўқон хонлиги ўрдасининг ички кўриниши

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 364-б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 382-б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 366-б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 349-б.
5. Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш давр талаби. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 384-б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 429-б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. -Т.: Ўзбекистон, 1999. 412-б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пирсварад мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. 526-б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. -Т.: Ўзбекистон, 2001. 438-б.
10. Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. // Халқ сўзи. 2002 йил 5 апрел.
11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005. 93-б.
12. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. -Т.: Ўзбекистон 2005. 64-б.

II. Қўлёзма манбалари

1. Абдулвосеъ Манзур. Тазкираи султоний // Қўлёзма ЎзФАШИ № 692-23 б.
2. Абдулғаффор. Зафарномаи Худоёрхоний // Қўлёзма ЎзФА-

ШИ № 598-65 б.

3. Абу Убайдуллоҳ Тошкандий. Хулосат ул-аҳвол // Қўлёзма ЎзФАШИ № 2084-148 б.

4. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихий Жаҳоннамои, I жилд // Қўлёзма Россия ФАШИ СП бўлими № С. 439-835.

5. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий. Тарихий Жаҳоннамои, II жилд // Қўлёзма ЎзФАШИ № 9455-343 б.

6. Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий. Тухфат ут-таворихи хоний / Қўлёзма Россия ФАШИ СП бўлими, NC - 440-572 а-360 б.

7. Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков. /Извлечение из персидских и тюркских сочинений- Алма-Ата, 1969.-652 б.

8. Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1.- М.: Наука, 1973. 280 С.

9. Мирза Олим Тошкандий. Ансоб ус-салотин ва таварих ал-хавоқин. Переводс примечаниями С.Юлдашева // Қўлёзма ЎзФАШИ, Ҳамид Сулаймонов Фонди, № 5255.-225 б.

10. Мирзо қаландар Мушриф Исфарагий. Шоҳномаи Умархоний // Қўлёзма ТФАШИ, № 10088-132 б.

11. Мулло Холбек ибни Мулло Мусо Андижоний. Ғарибнома // Қўлёзма ЎзФАШИ, № 8816-75 б.

12. Мулло Олим Хожий. Тарихи Туркистон. -Т.: Туркистон генерал-губернатори босмаҳонаси. 1915.- 220 б.

13. Муҳаммад Ниёз Хуқандий Тарихи Шоҳрухий // қўлёзма ЎзФАШИ № 1787 - 252 б.

14. Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ат-таворих. 1-2 китоб - Душанбе, Ирфон, 1984. - 198 б.

15. Муҳаммад Азиз бини Ризо Марғилоний. Тарихи Азизий // Қўлёзма ЎзФАШИ № 11108-219 б.

16. Муҳаммад Солиҳ хўжа Тошкандий. Тарихи жадидаи Тошканд // Қўлёзма ЎзФАШИ, NN 7791. 11072, 11073, 5732.

17. Муҳаммад Юнус шиговул Тойиб. Алиқули Амирлашкар жангномаси // Қўлёзма ЎзФАШИ № 12136.

18. Муҳаммад Юнус шиговул Тойиб. Тухфайи Тойиб // Қўлёзма ЎзФАШИ № 4243 п. - 50 б.

19. Путешествие Мир Иззат Уллы в Кокандское ханство в 1812 году Перев. Прим. Ю.А.Соколова, с приложен. схемы пути Мир Иззат Уллы в Кокандских владениях. Отд. Отт. //Труды, САГУ им, 1956. вып, 78. -Т.: - 41-52-б.

20. Северцов Николай. Месяц плена у Кокандцев. Отд. Отт. - СПб.: Б.И. 1860-98 С.

21. Тарихи Шахрохи - История владельцев Ферганы; Сочинения муллы Нияз Муҳаммадбек Ашур Муҳаммад Хокандца, изданное Н.Н.Пантусовым - Казань, 1885.-333 С.

22. Домулло Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад Амин. Мажма ал-ансоб ва-л-ашжор. // Қўлёзма, Ш.Воҳидовнинг шахсий кутубхонаси, № 201.-164 б.

III. Адабиётлар

1. Азадаев Ф.А. Ташкент во второй половине XIX в. Очерки социально-экономической и политической истории. -Т.: Изд-во АН Уз. 1959. -242 с.

2. Аминов А.М. Основные линии экономической политики царской России в Средней Азии. // Научная сессия АН Уз. 3-14 июня 1947 с.

3. Аминов О. XVI-XX асрларда Ўрта Осиёнинг Россия билан тарихий ва иқтисодий алоқалари.-Т.: Ўзбекистон. 1965 -56 б.

4. Ахмеджанов Г.А. Советская историография присоединения Средней Азии к России. -Т.: Фан. 1989. -154 с.

5. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература в Средней Азии XVI-XIX вв. (Письменные памятники) -Т.: Фан. 1985.-262 с.

6. Ахмеджанов Г.А. Россия империяси Марказий Осиёда.-Т.: 1995.

7. Аҳмаджонов Г.А. Россия империяси Марказий осиеда.-Т.: М.Ч. «Та'лим танбаи», 2003.-267 б.

8. Акрамов Н.И. Русские исследователи и их вклад в изучение истории, археологии и этнографии народов Памира и Припамирья. -М.: Наука. 1975. -278 с.

9. Бабабеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII-XIX вв) -Т.: Фан. 1990. -118 с.
10. Бобобеков Х. Пўлатхон қўзғолони. -Т.: Фан. 1996 -62 б.
11. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. -Т.: Фан. 1996.
12. Бартольд В.В. Авлия-Ата. Сочинения. Т. Ш. -М.: Наука. 1965.-340 с.
13. Бартольд В.В. Ак-Мечеть. Сочинения. Т. Ш. -М.: Наука. 1965.-314 с.
14. Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России. Сочинения. Т. VII. -М.: Б.И. 1925.-318 с.
15. Бартольд В.В. Коканд. Сочинения. Т.Ш. -М.: Наука. 1965.-448 с.
16. Бартольд В.В. Курама. Сочинения. Т. У. -М.: Наука. 1968.-757 с.
17. Бартольд В.В. Маргилан. Сочинения. Т.Ш.-М.: Наука. 1965.-656 с.
18. Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркистан.-М.: Б.И. 1902.-173 с.
19. Бартольд В. В. История Туркестана. Сочинения. Т.И. Ч.1. -М.: Вост. лит. , 1963. - 1020 с.
20. Бейсембиев Т.К. «Тарихи Шохрухи» как исторический источник. Алма-ата: Наука. 1987.-200 с.
21. Бекмаханов Р.К. К истории взаимоотношений казахов со среднеазиатскими ханствами // Большевик Казахстана. 1947. С. 5-10.
22. Бекмаханов Е. Казахстан 20-40 годов XIX века. Алма-Ата: Госиздат, 1947. 390 с.
23. Бекмаханов С.Б. Очерки истории Казахстана XIX в. Алма-Ата: Мектеп, 1966. 191 с.
24. Бекмаханов Е. Б. Присоединение Казахстана к России. -М.: 1957. 248 с.
25. Бекназаров Р. Ю. Казахстана в составе Кокандского ханства и его присоединение к России (По русским архивным и опубликованным материалам). Алма-Ата: Казахстан, 1969. 172с.

26. Бичурин Н. Я. (Йакинф) собрание сведений по исторической географии Восточной и Средней Азии. Чебоксары: Госиздат, 1960.-758 с.

27. Бунаков Е.В. К истории отношений России со Среднеазиатскими ханствами в XIX в. // Советское востоковедение.-1941. Вып.2. С. 24-26.

28. Вахидов Ш. О двух редакциях сочинения Аваз Мухаммада Аттара Хуканди. // Адабий мерос. 1989.-№4(50) С. 31-36.

29. Вахидов Ш. Сочинение Мухаммад Умара Умиди «Мактубчайи хан» // Адабий мерос. 1990. № 2 (52). С. 60-63.

30. Вахидов Ш. Аваз Мухаммад Аттар Хуканди и его сочинение - Тарихи джахоннамои-(Исследование, перевод и примечания). Дисс. канд.ист.наук.-Т.:1991.-165 с.

31. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожини. XIX аср XX асрнинг бошлари: Тарих фанлари д-ри. дисс.-Т.: 1998,- 315 б.

32. Веселовский Е.И. Прием в России и отпуск Среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях. СПб: Б.И. 1884.-398 с.

33. Венюков.М.Н. Поступательное движение России в Средней Азии.// Сборник Государственных знаний. Т.Ш. СПб.1877. С.79-82.

34. Гулямов Х.Г. Средняя Азия и Россия: истоки формирования межгосударственных отношений (начало XVIII века). -Т.: Университет. 2005. 118с.

35. Мирзо Олим Тошкандий. Қўқон хонлиги тарихи. -Т.: Фан, 2001.-217б.

36. Ғалидов А.З. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // Протоколы Туркестанского Кружка Любителей Археологии. -Т.:1916. Вып.2. С.68-119.

37. Валидов А. З. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. Т.XXII.-Пг., 1915. С. 86-109.

38. Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинений. В 5-ти т. Алма-Ата: Каз.

Сов.энцикл. 1985.-416с.

39. Вельяминов-Зернов В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммада-Али до Худаярхана // Записки Восточного Отделения Российского Археологического Общества, Т IV.1859. С. 329-370.

40. Вельяминов-Зернов В. Сведения о Кокандском ханстве // Вестник Имперского Русского Географического Общества. ПЧ.,1856. С.328-456.

41. Веселовский Н. Рец. на кн. «Краткая история Кокандского ханства» / Составитель В. Наливкин. Ч. VI. Казань: Б. И. 1886. -215 С.

42. Веселовский Н. Новые материалы по истории кокандского ханства // Журнал министерства просвещения, 1886.-Ч. 248, С. 11-13.

43. Веселовский Н. Р. Бадаулет Якуббек Аталики Кашгарский. -СПб Императорская Академия Наук, 1898. -103 с.

44. Веселовский Н. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае / Текст, перевод и приложения. СПб.: Паровая скоропечатания П.О. Яблонского, 1894.-206 с.

45. Гафаров Абдул Саттархан. Краткий очерк о внутреннем состоянии Кокандского ханства перед завоеванием его русскими. // В кн. В. В. Вельяминов-Зернов. Сведения о Кокандском ханстве //Вестник Русского Географического общества Ч. 3. 1869. С.112-113

46. Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве. К характеристике администрации среднеазиатских городов // Гейнс А.К. Собрание литературных трудов. Т.П. -СПб.: 1899. 413-536. С.

47. Григорьев В.В. Ещё раз о кокандских монетах и событиях // Туркестанский сборник. -Т.: 1894.С. 60-71.

48. Гулямов Х.Г. Средняя Азия и Россия: истоки формирования межгосударственных отношений (начало XVIII в) -Т.: Университет. 2005.-57. С.

49. Губаева С.С. Населения Ферганской долины в конце XIX начале

XX века: этно-культурные процессы. -Т.: Фан, 1991. 130 с.

50. Гуревич Б.П. Международные отношения в Центральной Азии в XVII-первой половине XIX в. 2-е изд. -М.: Наука, 1983. 310 с.

51. Галкин М. Краткая записка об исторических правах России на Кокандские города Туркестан и Ташкент. // Туркестанский сборник. -Т.: 1921.С. 257-258

52. Жалилов С. Из истории освоения земель восточных районов Ферганской долины в XIX начале XX века: Автореф. дисс... канд. ист. наук. -Т.: 1965. 47 с.

53. Зимин Л.А. Первые шаги Алимхана на государственном поприще // Протоколы Туркестанского Кружка Любителей Археологии. Вып.17. -М.: 1913. С. 21-28.

54. Зимин Л.А. Зерцало побед и его значение для истории Кокандского ханства // Протоколы Туркестанского Кружка Любителей Археологии. Вып. 11. -М.: 1915. С. 21-55.

55. Илхамов З.А. Аликули амирлашкар и его место в политической истории Кокандского ханства. Автореферат дисс... канд. ист. наук. -Т.: 2004. С. 24.

56. Иноятов Х.Ш. Қўқон хонлиги Россияга қўшилиш арафасида ва 1875-1876 йиллардаги Қўқон қўзғолони. -Т.: Қизил Ўзбекистон 1956.-36-б.

57. Иванов П.П. Казахи Кокандского ханства. К истории их взаимоотношений в начале XIX в. // Записки ИВТом-VIII.АН. -М. -Л.: 1939. С. 92-128.

58. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. XVI-сер. XIX в. -М.: Восточная литература. 1958. с. 247.

59. Йўлдошев М.Й. XVI-XVII асрларда Бухоро билан Россия ўртасида элчилик муносабатлар. -Т.: Ўздавнашр. 1957.58-б.

60. Йўлдошев М. Й. Некоторые документальные данные о связях Средней Азии с Россией в XVI-XVII веках -Т.: Изв. АН. Уз. . 1958. №4, С. 10-12.

61. Кокандское ханство по новейшим известиям // Военный сборник «Три звёздочки», год 12-й. СПб. 1869. № 7. С. 18.

62. Кун А. Очерк Кокандского ханства. // Известия Императорского Русского географического общества. Т. XII. М.: 1876. -ОТД. 2. С. 117-118.

63. Кутлугов М. Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством: Китай и соседи в новое и новейшее время. -М.: Наука. 1982. -454 с.

64. Кушева Е.Н. Среднеазиатский вопрос и русская буржуазия в 40-е годы XIX в. // Исторический сборник. Вып. 3. -М.: 1934. С. 133-162

65. Лавров М.В. Туркестан. География и история края. 2-е изд. -М.: Пгд: Б. И. 1916. 203 с.

66. Лунин Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. -Т.: Фан. 1956. 408 с.

67. Лунин. Б.В. История Узбекистана в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и учёных (20-80-е годы XIX века). -Т.: Фан, 1990.-192 С.

68. Муҳаммаджонов А. Р.Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига оид баъзи манбалар -Т.: Ўзфан, 1957. 223 б.

69. Маджи Е.А. Новый источник по истории Коканда, Кашгара и Бухары // Известия АН ТаджССР. Вып. I. ООН. 1958. С. 35-42.

70. Макшеев А. Показания сибирских казаков Милюшина и Баторошкина, бывших в плену у кокандцев с 1849 по 1852 год // Вестник Русского Географического Общества, Ч. 15. -М.: 1856. С. 149-186

71. Макшеев А. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. СПб.: Б.И. 1890. -376 с.

72. Малицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза. -Т.: САГУ. 1927. 16 с.

73. Малицкий Н.Г. К истории Ташкента под Коканским владычеством // Протоколы Туркестанского Кружка Любителей Археологии.

1900. С. 126-137.

74. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины // Перевод с немецкого В.И. Ковалевского. СПб: Б.И. 1872.-604 с.

75. Мухтаров Ахрор. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX в. -Душанбе: АН Тадж ССР. 1964. -186 с.

76. Мухтаров А. Из истории народных движений в Средней Азии. Душанбе: Ирфон, 1988. 56 с.

77. История Ўзбекистана // Р.Г. Мукминов и др. -Т.:Фан, 1993. 476 с.

78. Муҳаммад Юнус Ходжа, Муҳаммад Амин Ходжа (Тойиб). Тухфайи Тойиб Подготовка к изданию и Предисловие: Б.М.Бабаджанов, Ш.Х.Вахидов, Х.Каматцу. Тошкент-Токио. 2002. - 46 б.

79. Муҳаммад Юнусжон шиғовул.Тарихи Алиқули амирлашкар.// Шарқ юлдузи, 1994.- № 1-2-б.

80. Муҳаммад Азиз Марғилоний, Тарихи Азизий // Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, Д.Сангирова.-Т.: Маънавият, 1999. -245 б.

81. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли.-Т.: Фан 1968. 51-б.

82. История Казакский ССР. - Алма-Ата; 1957.

83. Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. Феодалное хозяйство Худоярхона. Т.: Фан, 1973. -388 с.

84. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии.- М.: 1974.-378 с.

85. Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань: Б.И. 1886. -215 с.

86. Нурекин А. Очерк истории Коканда с 1841 по 1864 год // Туркестанский вестник, 1871. Сентябрь.

87. Об установлении Торгового отношения между Россией и Ташкентом.// Труды Пермской губернской ученой комиссии. Вып. 12. Пермь, 1915.-С.75-76.

88. Оглобин Н. Путешествие русских купцов в Ташкенте в 1741-1742 г. Русский архив. Ш.; 8. 1888.

89. Павлов Н.Г. История Туркестана в связи с кратким историческим очерком сопредельных стран. -Т.: Б.И.: 1910.-48 с.
90. Петровский Н. Очерки Кокандского ханства // Вестник Европы. 1875. Кн. 10. с. 722-757.
91. Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханство. Фрунзе: Илим. 1977.-368 с.
92. Потанин Тр. Записки о Кокандском ханстве Хорунжего Потанина 1830 г. Отд. отд. // Военный журнал. 1831. № 4-5. с.35-36.
93. Путешествие Мир Иззат уллы в Кокандское ханство в 1912. / Перевод и примечания Ю.А.Соколова, с приложением схемы пути Мир Иззата уллы в кокандских владениях. Отд. отд. // Труды САГУ. Вып. 78. 1956. С. 41-52.
94. Пантусов. Н. О податях и повинностях существовавших в бывшем Кокандском ханстве в последнее время правления Худаярхана. //Туркестанские Ведомости. 1876. С.16-17.
95. Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией в 40-60 годах XIX в. -М.: 1963.-392 с.
96. Семенов А. Изучение исторических сведений о Российской внешней торговле, о промышленности с половины XVII столетия по 1858 г. Ч. 1-3. СПб: Б. И.1859.-219 с.
97. Ромодин В.А. Новый источник по истории Кокандского ханства // Проблемы востоковедения. 1959. № С. 10-17.
98. Ромодин В.А. Некоторые источники по истории Ферганы и Кокандского ханства XVI- XIX вв. в рукописных собраниях Ленинграда. М.: Наука. 1960. -15 с.
99. Ромодин В.А. Предисловие. Назаров Филипп. Заметки о некоторых народах и землях Средней части Азии. М.: Наука. 1968. - 75 с.
100. Романовский Д.И. Заметки по среднеазиатскому вопросу с приложениями и картою Туркестанского генерал-губернаторства. - СПб: Б.И.: 1968.-215 с.

101. Романовский Д.И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. С приложениями и картою Туркестанского генерал-губернаторства. СПб: Б. И. 1866.- 291с.

102. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии с картами и планами. Т. I-III. СПб: Б. И. 1906.-309с.

103. Халфин. Н. А. Английская колониальная политика на Среднем Востоке 70-е годы XIX в.-Т.: Сагу, 1957.-251с.

104. Ходжиев Е. Тошкент ва Россияни иқтисодий ва сиёсий алоқалари тарихидан. XVIII аср ва XIXасрнинг боши.// Ўзб ФА Ахбороти- 1961.- №3. 6-7-б.

105. Ходжиев Е. Ўрта Осиё билан Россия ўртасидаги муносабатларда Тошкент шаҳри аҳамиятининг ошиши.// Ўзб. ФА Ахбороти.-1960.-№6. 14-15-б.

106. Хрулев С. Проект устава товарищества для развития торговли Средней Азии // Промышленность. СПб. 1863.№1. С.7-8.

107. Хидоятов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. (60-70-х гг.). -Т.: Фан, 1969.-456с.

108. Стаценко И.А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX и начале XX вв. Душанбе. -Т.: Фан 1964-207с.

109. Касимбеков Е.Ф. Социально-экономическое и политическое положение Ферганы в конце XIX века. -Т.: Наука, 1966.-186с..

110. Каримов Ш. Шамсутдинов Р. Туркистон Русийё босқини даврида. -Т.: Шарқ, 1995.-312 б.

111. Кузнецов В. С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии. Новосибирск: Наука. 1983.- 126с.

112. Садыков Х. Ж. Политико-административное устройство Туркестанского генерал-губернаторства. 1867-1917 гг. -Т.: Фан, 1973. - 209с.

113. Ўзбекистон тарихи. Бир жилдлик. -Т.: Фан, 1974.-656б.

114. Ўзбекистон тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми-XX асрнинг бошлари. 8-синф учун дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 1996.-400 б.

115. Ўзбекистон тарихи (XVI-XIX асрнинг биринчи ярми). 7-синф учун дарслик. Муаллифлар: Р.Г.Муқминова, Н.Н. Ҳабибуллаев, Г.А. Аъзамова,

Э.Э.Каримов, А.А.Тожибоев). -Т.: Ўқитувчи, 1994.-208 б.

116. Киняпина Н.С. Внешняя политика России второй половины XIX века. -М.: Полит. лит. 1974.-189с.

117. Ўзбекистон тарихи. 4 томлик. I жилд. -Т.: 1967.-7706.

118. Ўзбекистон ССР тарихи. -Т.: Фан, 1974.-168 б.

119. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. -Т.: Шарқ, 1998.-480 б.

120. Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI-XIX асрлар). -Т.: Фан 1962.-164 б.

121. Зияев. Ҳ. Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар. -Т.: Фан, 1963, 40-б.

122. Зияев. Х. Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши. -Т.: Фан, 1967, 47 б.

123. Зияев Х. Средняя Азия и Сибирь вторая половина XVI-XIX вв.-Т.: Ўз Фан, 1964.-342 с.

124. Записка о некоторых народах и землях Средней части Азии Филиппа Назарова, отдельного Сибирского корпуса, переводчика, посланного в Коканд в 1813 и 1814 гг. СПб: Б. И. 1821.-307с.

125. Троицкая. М Каталог архива кокандских ханов XIX века. -М.: Наука. 1969.-278 с.

126. Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины (Ист.-этногр. очерк). Нукус:Киргиздат. 1959.-183с

127. Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. -Т.: Шарқ, 1995.-96 б.

128. Юсупов Ш. Худоёрхоннинг сўнги илинжи // Адабиёт ва санъат. 2004. 3 дек.

129. Ҳасанов А.Х. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. -М.: Наука.1977.-95с

IV. Диссертация ва авторефератлар

1. Аденарова Г. Торговые и дипломатическое взаимоотношения между Туркистанским генерал-губернаторством и Кокандским ханством .1867-1876 гг. Дис.канд.ист.наук. -Т.: 1946.-164 с.

2. Ахмеджанов Г. Советская историография завоевания Туркестана

и установления господства России в Средней Азии, Дисс. докт. ист. наук. -Т.: 1990.-307 с.

3. Бабабеков Х.Х. Историческая литература о Кокандском ханстве. (Русская литература 60-70-х гг.): Автореф. дис... канд.ист. наук. -Т.: 1999. -20 с.

4. Воҳидов. Ш. XIX-XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихна-висликнинг ривожланиши. Тарих фанлари, д-ри-дис. -Т.: 1998.-315 б.

5. Гаффаров Ф. Экономические и политические связи России с Кокандским ханством в первой половине 60-70 годах XIX в: Автореф. дис... канд. ист. наук. -Т.: 1970.-23 с.

6. Ишқуватов В.Т. XX аср II ярми тарихшунослигида Қўқон Россия дипломатик муносабатлари: тарих фан. ном- дис.-Т.: 2003.-154 б.

7. Маҳкамов А. Роль города Коканда в развитии экономических связей Средней Азии с Россией и с сопредельными странами в XIX - начале XX века: Дисс... канд.ист.наук. -Т.: 1988; -154 с.

8. Михалева Г.А. Торговые и дипломатические связи России с Бухарским ханством через Оренбург в конце XVII начале XIX веков. Тарих канд.ист.наук -Т.: 1963.-164 с.

9. Мусаев Н.У. Формирование и развитие промышленного производства в Туркестане (конец начало XX вв.): Автореф. дисс... докт.ист.наук. -Т.: 1999. - 58 с.

10. Гаффаров Ф. Россия билан Қўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар. XIX асрнинг биринчи ва 60-70-йиллар. Тарих фанлари номзоди- дисс. -Т.: 1969.-226 б.

11. Ходжиев Э. Ўрта Осиёнинг Россия билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларини ривожланишида Тошкентнинг роли. XVII аср охири-XIX аср бошлари. Тарих фан. ном. дисс. -Т.: 1962.-158 б.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлиги ва унинг Россия билан элчилик алоқалари тарихи ва ўрганилиш масалалари.....	8
1.1 Қўқон хонлигининг Россия билан дипломатик алоқалари манбашунослиги ва тарихшунослик масалалари	8
1.2. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигининг сиёсий аҳволи	18
II БОБ. Туркистонни чоризм томонидан босиб олиниши арафасида Қўқон-Россия элчилик алоқалари	36
2.1. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари тарихидан	36
2.2. XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлигидаги сиёсий жараёнлар ва чор Россияси тажовузининг бошланиши.....	61
III БОБ. Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилиши арафаси ва давридаги Қўқоннинг чор Россияси билан элчилик муносабатлари	81
3.1. Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилиши арафасида Қўқон ва чор Россияси муносабатлари	81
3.2. Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилиши давридаги Қўқон-Россия муносабатлари	99
Хулоса	109
Фойдаланилган адабиётлар	114

Носиржон ТОПИЛДИЕВ

**ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ
РОССИЯ БИЛАН
ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ
ТАРИХИДАН**

Муҳаррир:	М. СОДИҚОВА
Тех. муҳаррир:	Ғ. МУЛЛАБОЕВ
Саҳифаловчи:	И. ТОШХОЖАЕВ
Мусаҳҳиҳ:	Х. УМАРАЛИЕВ



Наширёт рақами: М-562 Босишга 10.04.2007 йил рухсат этилди. Оқ қоғозига офсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 8,0 босма табақ. Адади 1000 нусха. Булортма № 226. Баҳоси келишилган нархда.

ЎзР ФА «ФАН» нашриёти: 100047, Тошкент, академик Яҳё Гуломов кўчаси, 70.
«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ. Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.